

Бюджет маблағларини  
**ТАЛОН-ТОРОЖ**  
**ҚИЛИШ**  
нега  
камаймаяпти?



3.

**ГАЗ**  
**ЭКСПОРТИ**  
**КАМАЙСА,**  
эҳтиёж  
қопланадими?



6.

**ВАКЦИНА**  
**СИНОВИ**  
ножўя  
таъсирлардан  
холи ўтыяптими?



18.

@mahalladoshuz @mahalladosh\_uz www.mahalladosh.uz

№51-52  
(1981-1982) 2020 йил  
24 — 31 декабрь

МАҲАЛЛА — АДЛАТ ТАРОЗИСИ

# Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

**НОҚОНУНИЙ**  
**ТЕКШИРИШЛАРГА**  
қачон барҳам  
берилади?

10

**УЧ ЙИЛГА**  
**САЙЛАНГАН РАИСЛАР,**  
уч ойга ҳам бормадими?

11

**СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ:**  
талаб ва эҳтиёж  
қандай қондирилади?

12

**ОЗИҚ-ОВҚАТ**  
**ХАВФСИЗЛИГИ**  
қай даражада  
таъминланган?

14

Пулли  
**«TASHKENT CITY»**  
одамларни  
қизиқтира оладими?

20

**ОММАВИЙ**  
**ЎТИРИШЛАР**  
**БЕКОР ҚИЛИНДИ,**  
янги йилни қандай  
нишонлаймиз?

22

## БУ МАҲАЛЛА ИДОРАСИМИ ЁКИ СТАТИСТИКА БЎЛИМИ?



4-5.

Йиғинлардаги долзарб  
муаммоларга қандай  
ечим топилмоқда?

24-39.

«Маҳалла» газетаси ўқувчилари диққатига!

**ХОЛИС**  
**НАЗАР**

@xolis\_nazar

Мазкур рукн остида газета саҳифаларида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларга бағишланган таҳлилий, очик ва ошкора руҳдаги куйидаги йўналишларда туркум мақолалар чоп этилади:

- ✓ «МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ»М ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?
- ✓ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ МУАММОЛАРГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПМОҚЧИ?
- ✓ МАҲАЛЛА МУАММОСИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ЭЪТИБОРИДАМИ?
- ✓ АҲОЛИ ИСТАГИДАГИ МАҲАЛЛА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Агар Сизни ушбу йўналишда тайёрланган мақолалар бефарқ қолдирмайдиган бўлса, ҳозирданок @xolis\_nazar телеграм гуруҳига ўзингизни қизиқтирган савол ва таклифлар, шунингдек, мавжуд муаммолар хусусида мурожаат қилишингиз мумкин.

«МАҲАЛЛА» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ОБУНА ИНДЕКСИ: 148

# АҲОЛИНИНГ ЗАИФ ҚАТЛАМИНИ Қўллаб-қувватлаш дастури амалда



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) биргаликда амалга ошираётган «Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатламини қўллаб-қувватлаш дастури» лойиҳаси асосида Оқолтин туманидаги «Шодлик», Сардоба туманидаги «Бирлик», Мирзаобод туманидаги «Деҳқонобод» маҳаллаларида касб-хунарга ўқитиш марказлари иш бошлади.

## Касб-хунарли кишида келажакка ишонч бўлади

— Ўқув марказларини ташкил этишда фуқароларнинг қизиқишлари, ҳудудда қайси соҳага зарурат борлиги ўрганилди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов. — Аҳолининг касб ўрганишга иштиёқи баян. Шунинг учун бундай марказлар қамровини кенгайтиришни мақсад қилганмиз. KOICA билан имзолаган меморандум асосида 2 ой пазандалик, тикувчилик ва компьютер саводхонлиги бўйича машғулотлар олиб борилади. Машғулотлар якунида сертификатлар берилди. Кишининг қўлида касб-хунари бўлса, у келажакка ишонч билан яшайди.

## Лойиҳа қамрови яна кенгайди

Дарҳақиқат, мақсадли одамнинг ҳаётида ҳамisha мазмун бўлади. Ўз устида ишлашга, изланишга куч топганларнинг эса нафақат оиласи, маҳалласи, балки жамиятига да нафи тегади. Лойиҳани амалга оширишда камарбаста бўлган Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги директори Пак Сунжин бу ҳақда шундай дейди:

— Таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган давлатларда шу соҳага алоҳида эътибор қаратилади. Лекин ҳозир чекка ҳудудларда ҳам турли тармоқлар ривожланиб бораётди, — дейди Пак Сунжин. — Уларга ишчи сифатида аёлларнинг жалб этилаётгани, хотин-қизларни мана шундай касб-хунарга ўқитиётгани эътиборга лойиқ. Уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган бу каби марказлар янги билимларни

эгаллашига замин яратади. Ҳайлимиз, марказларда касб ўрганган аёллар, албатта, ўз иш ўрнини топади. KOICA нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам аёлларни касб-хунарга ўқитиш лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Эътиборлиси, юртингизда унинг қамрови кенгайиб бораётди. Лойиҳанинг илк босқичи қисқа муддатли, кейинги босқичда агентлигимизнинг волонтерлик хизматлари ёрдамида фойдаланишни режалаштирганмиз. Бунда марказларга корейлик мураббийларни жалб этиш назарда тутилган.

## Ҳар соҳада асқатадиган билим

Лойиҳанинг амалдаги илк инъикосига Оқолтин туманидаги «Шодлик» маҳалласида гувоҳ бўлдик. Илк саёҳатимиз компьютер саводхонлиги бўйича ташкил этилган курсларда бўлди.

— Машғулотларни олиб боришимиз учун 25 та компьютер тақдим этилди, — дейди Аҳолини касб-хунарга ўқитиш маркази ўқитувчиси Лочинбек Сангиров. — Ҳозирда 2 та гуруҳга ажратилган ҳолда дарслар олиб боришмоқда. Веб-дизайн, дастурлаш ва компьютер графикаси бўйича машғулотлар ўтиляпти.

## Сўнган умидлар янгитдан куртак очди

Сардоба тумани «Бирлик» маҳалласида ҳам касб-хунарга ўқитиш маркази иш бошлади. Марказда билим олаётганлар орасида эндигина мактабни битирганлардан тортиб, ёши катталаргача бор.

— Почтада ишлайман, — дейди Фотима Расулова. — Компьютердан фойдаланишни билмасдим. Бу борада керакли кўникмаларни эгаллаб, 2 нафар фарзандимга ҳам ўргатмоқчиман. 34 ёшдаман, лекин ўз устимда ишламоқчиман, чет тилларни ҳам ўрганишни мақсад қилганман. Шу пайтгача бизда бундай курслар йўқ эди. Энди берилган имкониятлардан унумли фойдаланишни ният қилдим.

## Аёллар маслаҳат кенгаши нега тузилди?

— Мақсадимиз ижтимоий



ҳимояга муҳтож хотин-қизларга қўмаклашиш, ажралишларнинг олдини олишдан иборат, — дейди «Бирлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Мукаррам Ҳайитмаматова. — Битта нотинч оиламиз бор эди, яшаш шароити билан яқиндан танишиб, жамоат ишига жалб қилдик. Кенгашимизга психолог, патронаж ҳамешаралар, «Қайноналар кенгаши» аъзолари жалб қилинган. Шунингдек, кутубхона ҳам ташкил этилди. Энди 500 та китобли фондимиздан аҳолимиз беминнат фойдаланиши мумкин.

## Эзгу ташаббус тез оммалашмоқда

Қиш қишлигини қилиб, кун совуқ бошлади. Қалблардаги меҳр тафти эса унга бўйсунганини истамайди. Шу тафт билан лойиҳа иш бошлаган навбатдаги ҳудуд — Мирзаобод туманига етиб келдик.

— Яхши ташаббус тез оммалашаркан, — дейди Мирзаобод туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Гулжаҳон Холмуродова. — Ўқув курслари ташкил этилганини эшитган туманимиздаги тадбиркор аёлларимиз биз ҳам мана шундай лойиҳаларни бошқа маҳаллаларда ташкил этайлик, деган ташаббус билан чиқишмоқда. Марказ иш бошлаган «Деҳқонобод» маҳалласида хотин-қизларнинг ишсизлик кўрсаткичи 900 нафардан ортиқ эди. Чунки шаҳарга қатнаб ишлаш маҳалла аҳли учун жуда ноқулай. Шунинг хособга олиб, айнан шу маҳаллада лойиҳа амалга оширилди. Ўқув марказлари ҳақида эшитиб, хунар ўрганиш иштиёқидаги 200 нафар аҳоли бизга мурожаат қилди. Ҳозирча 100 нафарга яқини қамраб олинди. Ҳадемай, барча ўрганиш иштиёқдагиларнинг қўлида хунари ва иши бўлади.

Шу ўринда айтиш лозимки, лойиҳа доирасида жорий йил сўнгига қадар мазкур ҳудудларда яшовчи 10 минг нафар эҳтиёж-

манд оилаларга зарур ижтимоий аҳамиятга эга воситалар, шунингдек, 45 та хасса ва кўлтиқтаёқ, 92 та катталар, 7 та болалар ногиронлик аравачалари, 45 та эшитиш мосламалари тарқатиш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг яна бир муҳим ташаббуси сифатида жорий йилда «ISTIQBOLLI AVLOD» ижтимоий ахборот марказининг Сирдарё вилоят бўлими томонидан Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги 45 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ўринбосари ҳамда 10 нафар етакчи волонтерлардан иборат гуруҳ Жиззах вилоятидаги «Зомин» оромгоҳида ташкил этилган семинар-тренингларда «Ижтимоий ходим» сифатида ўқитилди. Семинарлар давомида иштирокчилар малакали тренерлар ёрдамида «Ижтимоий ходим»нинг касбий билим, кўника, фаолияти ва вазифалари ҳамда кейс-менеджмент бўйича зарур кўникмаларга эга бўлишди.

Сирасини айтганда, эзгу мақсадда бириккан ҳамкорлик қўллари бирдамликда ҳаракатланмоқда. Дастлабки натижалар ҳам кишини қувонтиради.

\*\*\*

Аммо ҳудудлардаги электр, газ ва ичимлик суви етишмаслиги каби кундалик эҳтиёжлар билан боғлиқ муаммолар хануз тўлалигича ечим топмаган. Таассуфки, ўқув курслари фаолияти ҳам айни шу масалалар билан бевосита алоқадор. Ахир, электр токисиз компьютерлару тикув машиналари табиий газсиз газ плиталари ишламаса, бундан кимга, нима фойда? Шундай экан, старт олган эзгу мақсад бекаму кўст амалда ҳаракатланиши учун ҳамма бирдек жон қойишти лозим. Йўқса, сарфланган миллиардлаб маблағлар қиймати келтирилган асбоб-ускуналарнинг чанг босиб ётишига йўналтирилган бўлади, холос.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»



Газ, электр энергияси ва қўмир билан таъминлаш масаласи Сенат назоратида бўлади.

**О**лий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун маъқулланди. Унга кўра, жорий йил ҳам Ўзбекистон бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳага йўналтирилади. Энг кўп пул таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларига — мутаносиб равишда 34,6 трлн. ва 19,6 трлн. сўмдан ажратилган. Бир қарашда бу тўғри ва адолатли тақсимот экани кундек равшан. Таълимни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг бош мақсади бўлиши лозим.



## БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ НЕГА КАМАЙМАЯПТИ?

Аммо, бу ўринда, ўтган йиллар давомида бюджет маблағларини талон-торож қилиш бўйича юқоридаги тизимлар етакчиликти қўлдан бой бермаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Умуман, оммавий ахборот воситаларида кунда-кунора эълон қилинаётган маълумотлар кейинги йилларда барча соҳаларда ўғирлик кун сайин ортиб бораётгандек таассурот уйғотмоқда. Хўш, сўнгги йилларда давлат бюджетини ўғирликлардан асраш ва мақсадли сарфланиши, ўз ўрнига етиб бориши устидан назорат қай аҳволда? Ўғирликлар кўпайиб кетдимми?



этилган. Аммо бу бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича олиб бориладиган назорат тадбирлари сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

### Ҳа! Талон-торожлик ортиб боряпти

Ҳа, кейинги йилларда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида катта ишлар қилинди. Олиб борилаётган шаффолик сиёсати сабаб ҳар қандай ўғирлик омма орасида кенг муҳокама қилиняпти. Қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Назоратни кучайтириш, масъуллар ҳар бир тийинни нимага ишлатаётганини кўриб туриш учун очиқ портал ҳам ташкил этилди. Аммо...

— Шунча шаффоф тизим яратилаётганига қарамай, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш, уларнинг талон-торож қилиниши ҳолатлари кескин камайиши ўрнига ортиб бораётгани жуда таажубли ҳол. — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Максуд Курбонбоев**. — Бюджет маблағларининг қонуний сарфланишини бир неча ташкилот назорат қилади. Масалан, Ҳисоб палатаси, Давлат молиявий назорати департаменти. Жумладан, департаментнинг штат бирликлари қисқартирилгани ҳисобига Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мақтабгача таълим ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил

### Рақамларни алдаб бўлмайди

Депутатнинг гапларида жон бор. Кейинги йилларда Давлат молиявий назорати департаментининг штат бирликлари қисқаргани ҳисобига ўз-ўзидан текширувлар сони ҳам кескин камайтирилди. Таҳлиллар ва рақамлар назорат тадбирлари камайган ҳолатида ҳам ўртача битта назорат объектида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда пул маблағлари, моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Мисол учун, бу миқдор ўртача битта ташкилотта 2015 йилда 24 миллион сўмни ташкил қилган. Бу ҳисоб йилдан-йилга ортиб, 2018 йилда ўз чўққисига чиқди. Талон-торожликлар ҳажми ҳар бир ташкилотта ўртача 63 миллион сўмга етди. Яъни 2015 йилга нисбатан 39 миллион сўм, 2,6 баробарга кўп. Ўтган йили бироз пасайиб, 38,9 миллион сўмни ташкил қилди.

Бу ўринда қизиқ бир ҳолатга ҳам эътибор қаратиш лозим. 2015 йилда текширишлар сони 25 минг 294 та, 2019 йилда эса 9 минг 825 тани ташкил қилади. Демак, кейинги беш йил ичида текширишлар сони 2-3 баробар қисқартирилган ва, табиийки, кўп ташкилотларда 3-5 йиллардан

буён текширишлар ўтказилмаган. Агарда текширувлар сони 2015 йилдагидек 25 минггага етказилса, ҳар бир текширишда ўртача салкам 31 миллион сўм ноқонуний харажатлар аниқланса, бу ўғирлик миқдори тахминан 775 миллиард сўмга тенг демакдир.

### Ички аудит хизматлари жиноятни яширадими?

— Айрим ҳолатларда вазирликларда тузилган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари мавжуд қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаб, ҳужжатларни чора кўриш учун белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, органларига ўтказиш ўрнига, улар томонидан қонунбузиш ҳолатларини яшириш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ҳамда ўзлаштирилишига шароит яратиб бериш ҳоллари ҳам учраб тургани ниҳоятда ачинарлидир. — дейди **М.Курбон-**

ходимлардан олиб қолинган глас-тик карталарга асоссиз равишда маблағлар ўтказиш йўллари билан бюджет маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари кенг тарқалаётгани ташвишлидир.

Мисол учун, 2018-2019 йилларда 15 та касб-хунар коллежида ҳақиқатда ишламаган шахслар номига иш ҳақи ҳисобланиши натижасида 2,7 млрд сўм бюджет маблағлари муассасаларнинг раҳбар ва бош ҳисобчилари томонидан ўзлаштириб юборилгани аниқланган.

### Нима қилмоқ керак?

Бу ўринда камчиликларни санаш билан иш битмайди. Вужудга келган вазият кескин ва қатъий чоралар, назорат тизimini тақомиллаштиришни талаб қилади. Кейинги пайтларда депутатлар, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан бу борада жиддий чиқишлар, эътирозлар бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

Назорат идоралари 2020 йил Давлат дастуридан ўрин олган «Давлат молиявий назорати тўғрисидаги қонун лойиҳасига Давлат молиявий назорат департаменти бевосита Бош вазирга ҳисобот бериши, унинг штат бирлигини бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасалар сонига нисбатан мутаносиб белгиланиши, департамент давлат ташқи қарзи бўйича ҳисоботларни мунтазам текшириб бориш ва раҳбариятга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши каби бандларни қўшиш кераклигини айтишмоқда.

Бундан ташқари, айрим вазирликлардаги ички аудит ва молиявий назорат хизматларини, эҳтимол, қисқартириш ҳам керакдир. Сабаби, ўзи шу вазирлик ходими бўлгани ҳолда, унинг тизимидаги бюджет ташкилотларида текшириш ўтказиб, аниқланган камчиликларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим қилиши унчалик ҳам ишонарли эмас.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

**ДАРВОҚЕ...**  
Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1 минг 986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

**боев**. — Тафтиш ва текширишларнинг кескин қисқартирилиши натижасида кейинги йилларда бюджет ташкилотларининг масъул ходимлари ўзаро тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириш, ташкилотда умуман ишламаган («ўлик жон») фуқаролар номига иш ҳақи ёзиш, иш ҳақини сунъий ошириб кўрсатиш, ўзларининг пластик карталарига ҳамда собиқ

# БУ МАҲАЛЛА ИДОРАСИМИ

**Т**аҳририятимизга Самарқанд шаҳридаги «Боғимайдон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тошпўлат Раҳматуллаевдан мактуб келди. Мактубда маҳалла тизимидаги қатор муаммолар, раисларни қийнаётган масалалар, йиғинлар олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилади.



Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Самарқанд шаҳридаги  
«Боғимайдон» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси.

## Маҳалла фақат сектор топшириғини бажарадими?

Битта маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва қолаверса, оддий журналист сифатида ватандошларимизнинг маҳалла тизимидаги ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган фикр-мулоҳазалари, таклифу истаklarини мунтазам кузатиб бораман. Уларда

жуда кўп ҳаётий таклифлар ўртага ташланмоқда.

Айни пайтдаги муҳим муаммолардан бири — **маҳалла ходимлари фаолиятининг асосини нима ташкил этиши лозим**, деган саволга жавоб топишдан иборат. Нима муҳим: ҳисоботу юқори ташкилот ва сектордан келадиган жадвалларни тўлдириб, ўнлаб топшириқларни бажаришми ёки фуқаролар билан ишлаш, уларнинг дардини тинглаб, муаммосини ечишга ҳаракат қилишми?

Ҳозирда **маҳаллада қоғозбозлик** шунчалик кўпайганки, йиғин ҳудудига чиқиб, одамлар билан ишлашга ҳам вақт тополмаймиз. Раисларимиз тўғри савол қўйишмоқда: бу маҳалла идорасими ёки статистика бўлими? Бундан ташқари, йиғма жилд ва дафтарлар сони жудаям кўпайиб кетган. Уларни ихчамлаштириш ва қоғозбозликни қисқартириш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Ҳаётимизнинг жадаллашиб бораётгани, вазирлик тузилиши

билан маҳаллаларнинг вазифаси ўзгариб, масъулият ва югур-югур ошгани, давлат ташкилотлари билан ишлаш қўлами кенгайгани, янги техника ва технологиядан хабардор бўлиш лозимлигини инобатга олиб, маҳалла раислигига ана шу ишлар қўлидан келадиган кишилар сайланса, балки замон талаби бўлармиди? Албатта, маҳалла ходимлари орасида ёши улуг, обрўли инсонлар бўлиши муҳим. Шу сабабли маҳалла раисининг **кексалар билан ишлаш бўйича ўринбосари** штати жорий этилиб, у маҳалланинг ички ишлари билан шуғулланса, деган таклифимга нима дейсизлар?

Ҳозир маҳаллага жуда кўп топшириқлар сектордан келди. Менимча, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими штатини кенгайтириб, **секторнинг ишимизга аралашувини кескин камайитириш лозим**. Ҳозир нима бўляпти? Секторга турли ташкилотлардан ёш ходимлар ёрдамга жалб қилинади. Улар бир-икки

ой ишлаб, ўз иш жойига қайтади. Янги ташкилотдан ходим келади. Янгилик ҳужжатларни тополмайди, ишни ўрганишига анча вақт ўтади. Шу боис бўлмағур топшириқлар билан хуноб қилиб юборади, битта ҳужжатни бир неча марта сўрайди.

## Маҳаллага посбон керак!

Яна бир гап. Нега Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими штати туман ва шаҳарларда бир хил? Самарқанд шаҳрида 215 та маҳалла мавжуд. Ундан 4-5 мартаба камроқ маҳаллага эга бўлган шаҳарларга ҳам Самарқандгаидек штат берилган. Каттароқ шаҳар ё туманининг ташвиши ҳам қўплигини инобатга олиб, **бўлим шаталари сонини кўпайтириш** масаласи қўриб чиқилса, яхши бўларди.

Маҳалла ходимлари вазирлик бизни мажбурий меҳнатта жалб қилишдан ҳимоя қилади, деб ишонч билдиришмоқда. Шунда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ишлашимизга имконият яратилади! Барча муаммоларнинг ечими бўйича оммавий ахборот воситаларида **очиқ мулоқотлар ўтказиш керак**, деган таклифимга қандай қарайсизлар?

Маҳалла раисларини қийнаётган жиддий муаммолардан яна бири — профилактика инспектори ва посбон масаласидир. Инспекторни ички ишлар органи раҳбарияти турли ишларга жалб қилади. Тунги навбатчиликдан кейин у эртасига ишга чиқа олмаслиги аён. Шунингдек, турли комиссиялар, ҳар хил ҳисоботлар, бошқа ҳудудларга



**М**аълумки, барча соҳада ривожланиш ва тараққиёт асоси, бу — ишнинг тўғри ташкил этилиши ва ходимларга етарли шароит яратилишидир. Шу маънода бугун маҳалла тизими фаолиятига назар солсак, мавжуд муаммолар ортида шу сингари ташкилий ишлар ётганини кўриш мумкин. Таҳририятимизга келадиган мурожаатлар билан танишиб чиқиб, уларни икки гуруҳга бўлдик. Биринчиси, муаммолар, иккинчиси, ечим ва таклифлар. Қуйида уларнинг айримлари билан танишишингиз мумкин.

# МУАММО БОР-У,

## Тизим ходимларини нима қийнамоқда?

— Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳам Халқ таълими вазирлиги каби ўз ходимларини ҳимоя қилишни хоҳлаймиз, — дейди **Ангор туманидаги Юқори «Хўжакия» маҳалласи ходими Шоира Бурхонова**. — Халқ таълими вазири ҳокимларга ўқитувчиларни «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» рўйхатини шакллантиришга жалб қилинишига қарши мурожаат билан чиқди ва натижага эришди. Бизнинг вазирлигимиз ҳам маҳалла ходимларини мажбурий меҳнатта жалб қилинишини, меҳнат таътилини самарали ташкил этилиши, ташкилотлар билан ҳамкорлик каби ишларни назоратта олишини хоҳлаймиз!

— Бизнинг Ўрта Чирчиқ тумани «Қоракўйли» маҳалласи 2018

йилда «Обод қишлоқ» дастурига киритилган, — дейди **Сандуғаш Жумадилова**. — Лекин шу кунгача ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Қўчаларимиз лой, мактабга болажонларимиз шу ердан боришади. Ичимлик суви йўқ, ёритгич чироклари ўрнатилмаган.

— Негача маҳалла тизимида иккита раҳбарият тинмай топшириқ беради? — дейди **Фарғона вилоятидан Б.Бегматов**. — Бири ҳокимият бўлса, бири сектор. Иккаласи бир пайтда топшириқ беришса, қайси бирини қилишни ҳам билмаймиз. Сектордагилар эрталабдан кечгача топшириқни бажар деб, маҳалла ишини кейин бажаришимизни айтишяпти.

— Маҳалла ходими солиқчимми? Солиқ тизимида олий маълумотли ходимлар ишлаб, маош олишяпти-ку?! Почта ходимими, судга чақириқ қоғози



2021 йил Давлат бюджети  
маъқулланди.

# ЁКИ СТАТИСТИКА БЎЛИМИ?

◀ юбориш кабилар ортидан инспекторлар маҳалла иши билан тўлақонли шуғуланиш имкониятига эга бўла олмапти. Шунинг учун, менимча, **посбонларни маҳаллага қайтариш керак.** Инспекторнинг ўзидек унинг ёрдамчиси ҳам маҳалла ишидан анча узоқда. Айниқса, ҳозирги ёзиш-чиқиш ва хатловлар кўпайган пайтда посбон маҳаллага жуда зарур.

Эндиликда фуқаро муаммоларини маҳалла раисига айтсин, раис юқори ташкилотларга етказсин, деган тамойилга ўтилмоқда. Афсуски, бунга ҳамма раислар ҳам тайёр эмас. Кўпчиликда **эскидан қолган кўрқув** мавжуд.

Чунки илгари бўлим (سوبик жамғарма) бошлиқлари йиғилишлардан олдин раисларга катталарга савол бермасликни тайинлаб чиқишарди. Савол берганларга эса йиғилишдан сўнг қаттиқ танбёх бериларди. Ана шу бемаза одат тугаганига раислар ишонч ҳосил қилиб, бемалол аҳоли муаммоларини кўтара бошлашга ўтиши учун шундай ошкоралик даври келганига уларни ишонтириш керак.

Маҳаллада **харажатларни қоплаш** масаласи ҳам бор. Яқинда бизнинг маҳаллага бир марта озроқ идора ашёлари (канцелярия товарлари) берилди. Мен ўзим электр энергиясига бир ойда 100 минг сўм, интернетга 88 минг сўм тўлайман. Яна бошқа харажатлар ва йиғилишлар, турли тадбирларга бориш учун йўлқира, дегандек...



## Самарқандда янги тажриба

Кези келганда яна шуни ҳам айтишим жоизки, маҳалла тизимидаги муаммолар яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгазининг сессиясида ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов сессияда қатнашаётган ва уни онлайн тарзда кузатиб бораётган ҳокимлик, ташкилот ва идора раҳбарларига маҳалла раиси мурожаат қилганда, унга жиддий ёндашиш кераклигини, уларнинг қонуний талабларини бажаришга мажбур эканини таъкидлади.

«Агар қўйилган талаб ёки таклифни бажаришнинг имкони бўлмаса, жойига чиқиб, масала моҳиятини одамларга маҳалла раиси иштирокида тушунтириб бериш лозим», – деди вилоят ҳокими. Шунда аҳоли ўтрасида маҳалла раисининг обрў-эътибори кўтарилди, одамлар унга ишонадиган бўлишди ҳамда бундан кейин ҳар

қандай масалада аввал унга мурожаат этишди. Бу эса, бир томондан, ватандошларимизнинг беҳуда оворагарчилигига чек қўяди, улар вақти, қолаверса, маблағини тежайди. Шунингдек, юқори ташкилотларга тушадиган ариза ва шикоятлар оқими кескин камаяди.

Вилоят ҳокими, шунингдек, маҳалла раисларига алоҳида мурожаат қилди ҳамда маҳалла ҳақиқий маънода халқимиз ва давлат идоралари ўртасида кўприк бўлмоғи ва одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиши лозимлигини инobatта олган ҳолда, амалга ошириладиган бир қатор вазифалар устида тўхталиб ўтди.

«Халқимизнинг ўз мурожаатларини билдириш учун идорамидора сарсон бўлиб юришларига чек қўйиш мақсадида **«mahallalar.uz» электрон тизимини** ишлаб чиқдик. Тез кунларда фуқароларимизни қийнаётган барча муаммоларни маҳалла раиси, ОАВ ва жамоатчилик назорати остида

ташкилотларда кўриб чиқирилиши таъминланади. Янги яратган тизимимизнинг ҳам асосий мақсади халқимизга қулайлик яратишдан иборат» – деди вилоят ҳокими.

Бундан кейин маҳалла раислари томонидан қўйилаётган масалалар онлайн тизимда шахсан вилоят ҳокими ёки ўринбосари томонидан имзоланган ижро варақаси орқали ижрочиларга етказилади ва назорати ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан олиб борилади. Айни кунларда барча маҳалла раисларини планшет ва узлуксиз интернет билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ҳар бир фуқаро қайсидир маҳалла ҳудудида яшайди, лекин нега у ўзи ва маҳалладошларининг муаммоларини ечиш учун маҳалла раисига эмас, турли ташкилот, давлат органларига мурожаат қилади? Чунки маҳалла раислари кўйган муаммоларни ўша идора раҳбарлари вақтида кўнгилдагидек ҳал қилмайди, улар мурожаатига, аниқроғи, ўз вазифаси ижросига масъулиятсизлик билан, панжа орасидан қарайди. Шу боис маҳалла аҳли бевосита юқориорқа аризаю шикоятлар билан чиқади.

\*\*\*

Тўғрилиқ қолган муаммоларни бир кунда ечиш мумкин эмаслиги маълум. Аммо уларни босқичма-босқич бартараф этиб бориш умумий ишлили самардорлигига ижобий таъсир қилиши аниқ. Бу аҳолимизни рози қилишнинг энг тўғри йўли бўлади, деб ишонаман.

# ЕЧИМИ ЙЎҚМИ?

◀ тарқатмоқда?! Дўжончим, кўчама-кўча ун тарқатса?! Маҳалла ходими таъминотчим, ўз киссасидан идора харажатларини қопласа?! Маҳалла ходимлари оиласиз, шахсий муаммосиз эмас, – **деди маҳалла ходими Беходбек Абдуллаев.** – Дам олиш кунисиз ишлаб, дам олиш кунни комиссия бор, деб идорада бўлиш керакмиш. Маҳалла ходимлари ҳеч қайси ташкилотнинг қули эмас, битмай қолган ишини маҳаллага юклаб, яна маҳалла гап эшитса. Маҳалла ходимларининг ҳам ўз ҳаёти бор. Уларнинг жони ҳам темир эмас. Маҳаллани текширгани келадиганлар нимани ҳисобига яшанбада келади? Сабаби нима? Маҳалла ходимининг ҳуқуқини тиклаш ўрнига бузишса, додини кимга айтади, нима қилади? Бу саволларга, бу муаммоларга жавоб берадигани борми?

## Самарандорликни таъминлаш учун нима қилиш керак?

Шунингдек, газетхонларимиз томонидан соҳани янада такомиллаштиришга доир таклифлар билдирилмоқда.

– Мен **Ўртачирчиқ тумани «Кўчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўғилхон Ўрмоновман.** Таклифим, маҳалла тизимида йиғирма йилдан кўп фаолият юритиб келадиган ходимлар ойлик маошига устама қўшиб берилса, яхши бўларди. Чунки ҳар бир соҳада кўп йиллар ишлаган ходимлар рағбатлантирилади. Аммо бизнинг тизимда бундай рағбатлантириш йўлга қўйилмаган.

– Мен маҳаллалардаги аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича баъзи

мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман, – **деди Тўрткул тумани «Тошкент» маҳалла раиси Ш.Қўтлумуратов.** – Масалан, оилани камбағалликдан чиқариш учун, аввало, боқимандалик кайфиятини йўқотиш керак. Кейин эса унга қўлидан келадиган ёки махсус билим талаб қилмайдиган иш топиб бериш лозим. Ишсизлар, асосан, шаҳар жойларда кўп. Қишлоқларда эса аграр соҳадаги ишларга ишчи кучи етишмайди. Шуни назарда тутиб, маҳаллаларга биттадан автобус ажратиш керак.

– **Анджон тумани «Нўхатак» маҳалласи раиси Жўрабой Пир-**

**матовман.** Маҳалла ходимларига ҳам кредитга автомашина сотиб олиш имконияти берилса, яхши бўларди. Чунки кўп маҳаллаларда ҳудуд катта. Гоҳида бир учидан иккинчи ерга бориш учун анча вақт кетиб қолади.

## Вазирлик қандай фикрда?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги маълумотига кўра, айни пайтда вазирлик томонидан маҳалла тизимини янада тартибга солиш ва ходимлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Қарор лойиҳасида маҳалла мутахассисларини қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар мавжуд. Жумладан, ходимларга турли имтиёзлар бериш, ўрта махсус маълумотли ходимларни олий ўқув юртларида таълим олишлари учун шароит яратиш кабилар шулар жумласидандир.

Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»



Президент қарори билан ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси янада ривожлантирилади.



Хар йили куз-қиш мавсуми бошланди, дегунча, чекка худудлардаги қишлоқлар аҳолисини газ муаммоси ташвишлантиради. Бу йил ҳам шундай бўлди. Гарчи одамлар қиш ғамини баҳорданок ейишни бошлаган, кимдир арзон ўтин, яна кимдир тахта қириндиси олишга ҳаракат қилган бўлса-да, бу йилги қиш совуқларининг эрта бошлангани юртдошларимизнинг сабр-матонатини яна бир карра синовдан ўтказмоқда.

# ГАЗ ЭКСПОРТИ КАМАЙСА, ЭХТИЁЖ ҚОПЛАНАДИМИ?

Баъзан ўйлаб қоласан киши, қайси асрда яшаймиз? Миллионлаб аҳолиси бор давлатларда фавқулодда бир ҳодиса бўлмаса, электр узилмайди, газ тўхтаб қолмайди, 10 минут газ ёки чироқ ўчса, бирданига халқнинг олдига чиқиб узр сўрашади, бизда-чи? Майли, узр сўрашмасин, лекин газ ва электр муаммоси қачон бартараф этилади?.. Нега муаммоларимиз ҳақида ҳеч гапиргимиз келмайди? «Тепа»даги соҳа масъуллари бу муаммога қўл учиди қарайдими ёки масъулиятсизликми бу?

Газ баллонларда суюлтирилган газ етказиб берилмапти-ку, дейишар. Аммо икки ойда бир тарқатиладиган ушбу газга одамлар овқат қилсинми, уйини иситсинми, ювиниш хонасига қўйсинми? Ёш болалари, қариялари, келин-куёв бор оилалар кечкурун битта хонада тикилиб ётадилми? Бу ҳам етмаганидек, газ баллонини икки кун тинимсиз ёқиб қўйсангиз, учинчи кун тугаб қолади. Кейинчи? Қолган кунлар янги газ баллон олиб келишини кутиши керакми?

— Федерациямизга сўнгги 9 ой ичида газ, чироқ ва иссиқлик етишмовчилигидаги муаммолар бўйича мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. — дейди **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси етакчи мутахассиси Шаҳбоз Абдусаторов**. — Уларнинг аксарияти суюлтирилган газ босими пастиги билан боғлиқ бўлса, баъзилари умуман газ йўқлиги ҳақида. Қишлоқларда газ йўқлиги сабаб одамлар тезак ва ўтин ёқади. Бир неча йиллар аввал қишлоқларни газлаштириш ислохоти бошланган эди. Ўша пайтларда аҳолига «мол-ҳўлингизни сотиб бўлса-да, уйингизга газ қувурларини ўтказиб олинг» дея айтилган мурожаатлар ҳозир ҳам афсус билан эсланади. Қишлоқ аҳолиси борини сарфлаб қувурлар ўтказди, лекин улардан газ оқмаётганига бир неча йиллар бўлди.

## Газни экспорт қилиш камайтирилади...(ми?)

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда газ таъминотида сўтқасига 20 миллион куб метр



танқислик мавжуд. Оқибатда мингдан ортиқ маҳаллада табиий газ босими пасайган. Президентимиз жорий йил 16 декабрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек: «Газ тизими билан боғлиқ муаммолар бутун юзгага келмагани, балки ўттиз йилдан бери бизни қийнаб келаётганидан барчамиз хабардормиз. Лекин буни баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Халқимизга газ керак, уларнинг кўпчилиги бунинг учун тўловларни ўз вақтида ҳалол қилиб, тўлаб келмоқда».

— Йиғилишда давлатимиз раҳбари мавжуд камчиликларни кўрсатиб, олдимизга муҳим вазифаларни қўйди. — дейди **«Худудгазтаъминот» АЖ раиси Баҳодир Эшмуродов**. — Жумладан, газ экспортини қисқартириб, аввало, аҳоли эҳтиёжларини қондириш юзасидан кўрсатма берилди. Бунинг ҳисобига кунига 7-8 миллион куб метр табиий газ қўшимча равишда худудларга йўналтирилади. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун яна 217 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Самарасиз ишлаётган 25 та конни инвесторларга «риск-сервис контракт» шартлари асосида бериб, табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилади.

## Муаммо сабаблари нимада?

Яқинда Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик қўмитаси Вазирлар Маҳкамасига газ қувурлари тизимининг ҳолати ва ушбу соҳадаги қонунчилик ижроси тўғрисида юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилди. Унда таъкидланишича, бугунги кунда «Худудгазтаъминот» АЖ тасарру-

фидаги жами 90 минг километрга яқин газ қувурларининг аксарият қисмидан 25-30 йил ва ундан ортиқ муддат давомида фойдаланиб келинмоқда.

— 766 километр газ қувурлари ўз вақтида алмаштирилмагани сабабли мукамал таъмирталаб, яъни тўлиқ янгилаш ҳолатига келиб қолган. — дейди **сенатор Толибжон Мадумаров**. — Қайд

этиш лозимки, ушбу қувурларни зудлик билан алмаштириш чоралари кўрилмаса, табиий газ исрофгарчилиги кундан-кун ортиб бораверади. Энг ачинарлиси, 25-30 йиллик газ қувурларини алмаштириш имкони бўлмаётган пайтда, фойдаланувга яроқли бўлган

Жумладан, Муборакда ғишт ишлаб чиқариш заводи ер остидан ўтган газ қувурига ноқонуний уланиши оқибатида 4,3 миллион куб метр газни талон-торож қилган. Бу — қарийб 8 минг хонадоннинг бир ойлик газ таъминоти, деганидир.

— Жорий йилда 74 та тумандаги йирик газ тармоқларига замонавий ўлчагичлар ўрнатилиши натижасида икки мингдан зиёд улгуржи истеъмолчилар томонидан 7 миллион куб метр табиий газ ноқонуний ўзлаштирилгани аниқланган. — дейди **«Худудгазтаъминот» АЖ «Hududgaz Raqamlashtirish» унитар корхонаси бошлиғи Жамолддин Комилов**. — Кўриниб турибдики, замонавий ҳисоблагичлар таъминотчи ва истеъмолчи ўртасида очик ва шаффоф муносабатни ўрнатишга хизмат қилади. Янги тизим 30-35 фоиз газни йўқотиш, ўз навбатида, ўғирлаш ҳолат-

ларига барҳам берди. Режага кўра, хонадонларга 3,5 миллиондан ортиқ «ақлли» газ ҳисоблагич ўрнатилади. Ушбу вазифани 2021 йил охирига қадар яқунлаш кўзда тутилган. Агар 25 йил давомида табиий газ тармоқларига ўз вақтида ҳисоблагичлар ўрнатиладиганида бугунги муаммолар юзгага келмасди.

## ФИКР:



### Тимур ИШМЕТОВ, Молия вазир:

— Асосий экспорт маҳсулотларидан бири ҳисобланган табиий газ (йилга 10 миллиард куб метр) экспорт қилинмаса, бюджетга тушум 1 триллион сўмга камаяди.

газ қувурларини асраш чоралари кўрилмаган. Савол туғилади: ушбу тармоққа жавобгар бўлган ташкилотлар 30 йил давомида нима иш қилди? Қувурларни таъмирлашга ажратиладиган маблағлар қарерга сарфланди? Агар газ билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлса, у ҳолда аҳолини хабардор қилиш ва электр энергияси билан таъминлаш чораларини кўриш керак эмасми?

Шунингдек, мавжуд газ қувурларининг аксарияти ҳамма тарафлама эскирган бўлишига қарамай, уларни диагностика қилиш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғри олиб борилмагани сабабли авария эҳтимоли юқори. Газ ростилаш пунктларининг аксарият қисми носозлиги сабабли республика газ тизимида кўпга табиий газ йўқотишлари кузатилмоқда.

## Ўғрилик нега бўлади? Эҳтиёждан...(ми?)

Яна бир масала — табиий газ тармоқларига ноқонуний равишда уланиб, халқ мулкани талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайган.

Албатта, давлат мулкани талон-торож қилишни оқлаб бўлмайди. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор: ўғирлик қилинаётган, ноқонуний уланиш ҳолатлари кузатилаётган экан, демак, қайсидир ўринда бунга эҳтиёж бор. Агар таъминот яхши бўлса, узлуксиз газ етказиб берилаётган бўлса, бундай ноқонуний уланиш ҳолатларини оқлаб бўлмайди. Бироқ газ бўлсаю, берилмаса, лимит белгилаб қўйилса, минг ҳисоблагич ўрнатган билан эҳтиёжни қондириб бўлмайди.

\*\*\*

Хуллас, айтаверса — гап кўп. Бу ёқда эса қиш кунлари совигандан-совияпти. Истардикки, қилинаётган ишлар фақат қоғозларда қолиб кетмаслиги керак. Йўқса, шунча тармоқ янгиланди, суюлтирилган газ вақтида етказиб берилмапти, деган гаплар мавжуд ҳолат билан бир-бирига тўғри келмай қолади. Бундан эса фақат оддий одамлар жабр кўради. Мавзуга эса яна қайтамыз.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»

# «ҚУРУҚ ВАЪДА БИЛАН УЙ ИСИМАЙДИ-ДА...»

Кўрилатган чоратадбирлар, амалга оширилатган дастурлару лойиҳаларга қарамасдан, қиш фаслида хонадонларни иссиқлик тизими, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ ҳамда кўмир билан таъминлаш борасидаги узилишлар Самарқанд вилоятидаги кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини ҳамон қийнаб келаётди.

## «Олдиндан оққан сувдан ичолмасанг, қийин экан...»

Масалан, Ургут туманидаги «Сариқтепа» ва «Мерганча» маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи қарийб 8 минг аҳолини бугунги кунда суюлтирилган газ ва кўмир муаммоси қийнамоқда.

— «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги 30 дан ортиқ sanoat корхоналарини табиий газ билан узлуксиз таъминловчи қурувлар маҳалламизнинг шундоққина ёнидан ўтиб кетган, — дейди «Сариқтепа» маҳалласи раиси Чоршаъм Муродов. — Аммо бу линияга улашиш учун негадир бизларга рухсат беришмайди. Олдиндан оққан сувдан ичолмасанг, қийин экан. Бунинг устига, фақат овқат пишириш ва чой қайнатиш учунгина ишлатилаётган баллонли газни ҳам онда-сонда олиб келишади. Дардимизни кимга айтишни билмаймиз. Уйларни иситиш учун, асосан, ўтин ва кўмирдан фойдаланамиз. Лекин жорий йилда маҳалламизга 300 тонна ўрнига 60 тонна кўмир беришди, холос. Уни оилаларга 700 килограмдан бўлиб бердик. Газ беришмаса ҳам ҳеч бўлмаса кўмир беришса, яши бўларди.

Худди шундай ҳолатни «Сариқтепа»га деярли ёнма-ён жойлашган «Мерганча» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам учратдик. Бу ҳудудда ҳам «Ургут» эркин иқтисодий зонасининг 20 га яқин корхоналари фаолият кўрсатар экан.

— Маҳалланинг қоқ ўртасидан ўтган табиий газ линиясига уйлариимизни улаш учун бир неча бор соҳа мутасаддилари ва маҳаллий раҳбарларга мурожаат қилдик, аммо улар ҳеч қандай ёрдам бера олмадилар, — дейди «Мерганча» йиғини раиси Тўйчи Муродов. — Суюлтирилган газ бўйича ҳозирча жиддий муаммолар йўқ, уни вақтида олиб келишяпти, аммо берилаётган кўмирнинг сифати, юмшоқ қилиб айтганда, талабга жавоб бермайди.

## Танганинг орқа томони ҳам бор...

Хўш, Ургутда нимага шундай бўляпти? Аҳолининг эътирозлари



тўғрими?

— Аҳолининг эътирозлари тўғри, аммо бу маҳаллалардаги хонадонларни эркин иқтисодий зона объектлари учун тортилган табиий газ линиясига улашнинг иложи йўқ, — дейди «Худудгаз Самарқанд» газ таъминоти корхонаси филиалининг бош муҳандиси Фуркат Каримов.

— Негаки, sanoat корхоналари линиянинг энг охирида жойлашган. Агарда маҳаллаларни улаб қўйсақ, корхоналарга газ етиб бормайди. Ваҳоланки, бу корхоналарнинг ҳар бирида 300-500 нафар ишчи меҳнат қилади. Битта корхона ишламаса, камидан 300 та одам ишсиз қолади, деган гап. Демак, шунча оила боқувчисиз қолади. Маҳаллаларни улаш учун ресурсларимиз ҳали етмайди. Шунинг учун бу ишнинг иложи йўқ.

— Газ босимининг пасайиб кетишига асосий сабаблардан яна бири — айрим истеъмолчиларнинг линияга ўзбошимчилик билан газ тортиш насосларини ўрнатишидир, — дейди Ургут тумани ҳокимлиги масъул ходими Усмонжон Тошмуродов. — Бу эса газ босимини бир метрда ушлашнинг бузилишига, белгиланган ҳудудларга газ етиб бормаслигига олиб келяпти. Ушбу ҳолатларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича туман ҳокимлиги ҳамда ИИБ профилактика нозирлари, фавқулодда вазиятлар бўлими, электр тармоқлари корхонаси ва туман газ таъминоти бўлими ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, мунтазам рейдлар ўтказилмоқда. Яқинда ташкил этилган рейдда «Аълохотин» ва «Алгар» маҳаллаларида газ тақсимловчи ГРПлар ҳамда аҳоли хонадонларига ноқонуний ра-

— Гапнинг очиғи, масъулларга бу ҳақда айтивериб чарчадик, — дейди В.Давронов. — Ҳар гал қуруқ ваъдабозликдан бошқа нарсани эшитмаймиз. Аммо ваъда билан уй исимади-да!

Иссиқлик тизимининг йўқлигидан нафақат «Регистон» маҳалласи, балки Самарқанд шаҳридаги мавжуд мингдан зиёд кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг аксарияти азият чекаётди. Негаки, ҳозирда шаҳардаги бундай уйлардан фақат 54 тасигагина



иссиқлик берилади, холос.

Мутасаддилар газ ва электр таъминотидаги узилиш ва етишмовчиликларнинг сабаби ҳақида турли-туман фикрларни айтишмоқда. Бирок бу етишмовчиликларнинг энг асосий сабабларидан бири — қадим кентда марказлашган иссиқлик тизими бундан 3-4 йил илгари ишдан чиққани билан боғлиқ.

Табиий газ тармоғидаги узилишларни сўрасангиз, соҳа масъуллари «Газ аслида фақат овқат пишириш ва чой қайнатиш учун...» деган гапни айтишади. Аслида уларнинг бу гапида ҳам жон бор, айниқса, кўп қаватли уйларда табиий газ печлари билан уйни иситиш хавфи ва техник томондан мумкин ҳам эмас. Аммо уйда иссиқлик таъминоти бўлмагач, одамларда бошқа танловнинг ўзи қолмайди-да.

Шаҳарда иситиш тизими йўқлиги учун ҳам кунда-кунора қайсидир ҳудуддаги хонадонда бутун бир оила аъзолари ис газидан заҳарланиб, вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитяптимиз. Чунки юқорида айтилганидек, уйлар аслида иссиқлик тармоғи орқали иситилиши керак эди.

Тўғри, саволлар кўп. Жавоблар ҳам кам бўлмаяпти. Аммо улар орасида қониқтирадигани, муаммага ечим бўла оладигани йўқ. Уйлаймизки, вилоятдаги тегишли мутасаддилар тез орада камчиликларга барҳам беришади. Биз эса мавзуга яна қайтаемиз.

Ёрмат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда табиий газ таъминоти тизимида 20 миллион кубометр газнинг етишмаслиги оқибатида республикамизда мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида газ босими пасайиб кетган.


вишда 40 дан ортиқ газ тортиш қурилмалари ўрнатилгани аниқланиб, ушбу қурилмалар ишчи гуруҳ томонидан олиб ташланди.

## Газ фақат овқат ва чой учунми?

Самарқанд шаҳридаги «Регистон» маҳалласида яшовчи тўрт мингдан ортиқ аҳолини шу совуқ кунларда иссиқлик тизимининг йўқлиги, табиий газ босимининг пасайиб кетгани қийнамоқда. Йиғин раиси Воҳид Давроновнинг айтишича, ҳаво ҳарорати совуши биланоқ газ босими бирдан пасайиб кетиши бу ерда одатий ҳолга айланиб қолган.



Наманган шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Буюк Британия ОТМларига қабул қилинди.



## ТИЗИМДАГИ ИШЛАР «МАҲАЛЛАБАЙ» АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи мобайнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 23-24 декабрь кунлари вилоятнинг 4 та ҳудуди — Урганч, Хива шаҳарлари ҳамда Боғот, Шовот туманларида 519 нафар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари учун семинар-тренинглар ташкил қилинмоқда.

Хива шаҳрида ташкил қилинган семинар-тренингда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича «Маҳалла раиси — ислохотчи!» тамойилига асосланган тизимнинг мазмун-моҳияти ҳамда маҳаллалардаги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва амалга ошириш тизими муҳокамалар марказида бўлди. Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маруфованинг «Маҳаллаларда «Аёллар дафтари»ни юритиш ва унга киритилган хотин-қизлар билан ишлашни самарали ташкил этиш

йўллари» мавзусидаги маърузаси йиғин раислари томонидан кенг муҳокама қилинди.

Аёлларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларга тиббий-психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш юзасидан бир қатор ўзларини қизиқтирган саволларга етарлича жавоб олишди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида аҳоли қилиш самарали мулоқот қилиш технологияларини қўллаш, муаммоларни вазиятларда стресснинг олдини олиш усуллари юзасидан бир қатор таклиф ҳамда услубий тавсиялар берилди.



Айни мавзуда Фарғона вилояти ҳокимлигида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Ботир Парпиев иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда тизимдаги ишларни «Маҳаллабай» асосида ташкил этиш бўйича вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Ишчи гуруҳлар ҳар бир маҳалланинг муаммоларини 3 тоифага таснифлаган ҳолда «драйвер» ва бошқа «ўсиш нуқталари»ни аниқлайди, маҳаллани иқтисодий ривожлантиришдаги камчилик ва тўсиқларни бартараф қилиш чораларини кўради. Йиғинлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган оилалардаги ишсизлар бандлигини таъминлайди.

Шунингдек, мазкур йўналишлар асосида маҳаллага бириктирилган масъуллар амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла раисига кунлик ҳисобот бериши йўлга қўйилади. Ўз навбатида, йиғин раислари ўз маҳалласидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича сектор раҳбарлари ва туман штабига маълумот тақдим этади. Сектор раҳбарлари эса халқ депутатлари туман Кенгашига ҳар ойда ҳисобот бериб боради.

Фарҳод ЭШМҶИНОВ.



## ЙИҒИНГА ЯНГИ КУТУБХОНА ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини қошида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан янги қуриб битказилган кутубхона биноси ва «Маиший хизмат кўрсатиш маркази»нинг очилиш маросими ўтказилди.

Айтиш керакки, мўъжаз кутубхона у ерда яшовчи ўқувчи-ёшлар, ёши улуг инсонлар, қўйингки, бутун маҳалла аҳлини хушнуд этди. Хизмат кўрсатиш маркази эса ҳудуд аҳлининг яна бир оғирини енгил қилиши шубҳасиз.

— Китоб ўқиш, даврий нашрлар билан мунтазам танишиб бориш, кечаётган тезкор жараёнлардан бохабарликни бугун бир

лаҳза ҳам қанда қилиб бўлмайди, — дейди маҳалла раиси Баҳодир Назаров. — Шу боис ушбу нурхона маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маънавиятини юксалтириш, билимини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона намуналаридан маҳалла аҳли

ҳам баҳраманд бўлади. Эндилқда китоблар сонини, китобхонлик тарғиботига бағишланган тadbирларни янада кўпайтириш — асосий мақсадимиздир.

Тadbирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг Раҳмат Маматов иштирок этди.

Носир ҲАЙДАРОВ.

## ҲЕЧ БИР БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида қуролли можаро ҳудудларидан қайтган болаларни, меҳнат мухожирларининг фарзандларини ҳамда ёпиқ турдаги ихтисослашган ўқув-тарбия муассасаларини тарқатаётган болаларни қўллаб-қувватлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тadbирда БМТнинг COVID-19га нисбатан жавоб ва қайта тиклаш чоралари бўйича кўп шериклик траст фонди томонидан молиялаштирилган қўшма лойиҳани амалга ошириш атрофида муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа юзлаб болалар ва ёшларни COVID-19 оқибатларини енгишда қўллаб-қувватлашга қаратилган.

— ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда айни масалада

яқши натижаларга эришидик, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маруфова. — Ҳамкорлигимиз ҳар бир бола учун реинтеграция режаларини тузиш, болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам беришда бизга кўмаклашмоқда. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам ҳар бир аёлга, ҳар бир болага тинч ва фаровон

мамлакатда бахтли яшашига ёрдам бериш бўйича ҳамкорлигимиз муваффақиятли давом этади.

Шунингдек, давра суҳбати давомида миллий ва халқаро экспертлар кейс менежмент стандартларини қабул қилиш ва улардан фойдаланишда идораларро ёрдамни таъминлаш масалаларини атрофида муҳокама қилдилар.

Севинч ҲУСАНОВА.

## «МАҲАЛЛА — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Бухоро вилоятида шу номдаги кўриктанловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 13 та жамоа иштирок этди.

Танлов низомига кўра, иштирокчи жамоалар 4 шарт асосида ўзаро беллашишди. Жумладан, «Маҳалла — менинг тақдиримда» деб номланган 1-шартида қатнашчилар ўз маҳаллалари, «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигининг аҳамияти тўғрисидаги тақдимотни слайдлар асосида намойиш этишди. 2-шартда соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда маънавиятга оид саволларга жавоб беришди. 3-шартда иншолар танлови ўтказилган бўлса, сўнгги шарт «Маҳалламиз ифтихори» деб номланди.

Танлов натижасига кўра, Жондор туманидаги «Жондор» маҳалласининг «Зукко

ёшлар» жамоаси 1-ўринга лойиқ деб топилди. Пешкў туманининг «Қамолон» маҳалласи ёшлари иккинчи, Ромитан туманининг «Хоса» ва Когон шаҳрининг «Зиробод» йиғинлари жамоалари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Имона ИБРОҶИМОВА.





# ТЕЗКОР, КАФОЛАТЛИ, ИШОНЧЛИ

## «103» ХИЗМАТИ БУГУН УШБУ ТАЛАБЛАРГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРЯПТИ?

**С**ўнгги йилларда шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимини ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари билан таъминлаш ва ҳудудларнинг ушбу техникага бўлган эҳтиёжини қондиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йилда бундай автотранспорт воситалари сони 2 минг 403 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 2 минг 746 тага етди. Машиналарнинг аксарияти сунъий нафас бериш, ЭКГ аппаратлари, механик сўргич, дефибриллятор, иммобилизация шиналари билан таъминланган.



Шунингдек, «Тез ёрдам» хизматининг рация алоқаси, телефон ва планшет билан таъминланиш даражаси ҳам ошиб бормоқда. Айниқса, барча «Тез ёрдам» машиналарида қулай алоқани, қақирқлар учун машинани тезкор йўналтиришни таъминловчи GPS тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Эндиликда юртимизда ҳар 13 минг аҳолига битта махсус «Тез ёрдам» машинаси хизмат кўрсатади. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини кузатсак, уларда 20-25 минг кишига битта махсус автотранспорт воситаси тўғри келади.

— Шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматининг инсон ҳаёти ва саломатлигини асрашдаги ўрни ниҳоятда муҳим, — дейди Респуб-



**ублика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори Дониёр Алимов.**  
— «103» хизмати 2019 йилда 10 миллионга яқин

қақирқини қабул қилган бўлса, бу йилнинг 11 ойи давомида бу кўрсаткич 10 миллиондан ошди. Шундан жорий йилда энг кўп қақирқлар Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимиздан (1 миллиондан ортиқ) келиб тушган бўлиб, энг кам мурожаат Навоий вилоятида (297 мингдан ортиқ) кузатилган. Бу йил мурожаатлар сони ошганини пандемия шароити билан боғлаш мумкин.

Яна бир рақам: айна пайтда жойлашуви бўйича 1 минг 500 га яқин бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида «Тез ёрдам» машиналари мавжуд. Сайёр бригадаларнинг сони эса 2 минг 748 тани ташкил қилмоқда. Тез тиббий ёрдам хизматининг шифокорлар билан таъминланганлик даражаси республика бўйича ўртача 89 фоизга кўтарилди. Жумладан, Самарқанд ва Наманган вилоятла-

рида бу кўрсаткич 99 фоизга етган. Хизматнинг ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик даражаси эса республика бўйича ўртача 97 фоизга етди. Шундан 11 та ҳудудда ушбу кўрсаткич 100 фоизни ташкил қилмоқда.

### Ёлғон қақирқдан бошқа беморлар жабр чекади

Кундалик ҳаётимизда у ёки бу сурункали касаллиги бор беморлар гоҳ қон босимини ўлчатиб, гоҳида эса қайсидир уқолни қилдириш учун ҳам «Тез ёрдам»ни қақирқис ҳолатларини кўп учратамиз. Аниқ рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг 11 ойи давомида 832 мингтага яқин шу тоифадаги қақирқларга хизмат кўрсатилган.

— Аслида сурункали касалликлари бўлган беморлар ўзлари яшаб турган ҳудудларидаги оилавий поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктига мурожаат қилиб, шифокор тавсияси асосида муолажаларни узлуксиз тарзда тўғри олиб борса, аввало, ўз соғлиғи учун фойдали бўлади, — дея сўзида давом этади Дониёр Алимов. — Чунки тез тиббий ёрдам ходимларининг қўлида поликлиникада бор бўлган лаборатор таҳлиллар ва инструментал жиҳозлар мавжуд бўлмагани учун уларни қақирқис давомида чуқур таҳлил ўтказиш ва даволаш имконсиз. Шу сабабли улар беморни даволамайди, балки юзага келган ҳолат бўйича шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатади, яъни фақат симптоматик даво чораларини кўради.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилда «Тез ёрдам» ходимлари томонидан 133 мингга яқин қақирқис натижасиз, деб баҳоланган. Бу «103» хизмати ходимлари келгунига қадар ўлим ҳолати содир бўлгани ёки бемор «Тез ёрдам» келишини кутмай, йўловчи транспортда олиб кетилгани, ёлғон қақирқис, манзил топилмагани, тез тиббий ёрдам рад этилгани каби қатор вазиятлар билан боғлиқдир. Афсуски, «103» хизматига ёлғон

кўнгироклар келиши ҳамон давом этмоқда. Энг ачинарлиси, бундай вазият оддий қақирқдан кўра кўпроқ вақт ва меҳнат талаб қилади. Устига-устак, шифокор ҳам, тиббий ёрдам машинаси ҳам узок вақт банд бўлиб қолади. Чунки ходимлар қилинган мурожаатни ҳақиқатан ҳам, ёлғон эканини исботлаш мақсадида қақирқисда кўрсатилган манзилни аниқлаши, бу учун эса куннинг қайси вақти бўлишидан қатъи назар, сўраб-суриштириши, ўрганиши ва шундан сўнггина уни ҳужжатлаштириши керак бўлади. Бу эса нафақат «Тез

йўқ эмас. Масалан, баъзи ҳолларда қақирқис жойига «Тез ёрдам»нинг кечикиб бориши ана шундай бахтли масалалардан биридир. Жумладан, жорий йилнинг 11 ойи давомида умумий мурожаатларнинг 2,3 фоизиди қақирқиса кечикиб келиш ҳолатлари юз берган.

— Тўғри, бу фоиз ўтган йиллардаги кўрсаткичлардан анча паст, — дейди Дониёр Алимов. — Аммо шу ўринда «103» хизмати ходимлар ва ихтисослашган автотранспорт воситалари билан тўлиқ таъминланган бўлса, унда нега баъзи ҳолларда кечикади, деган ҳақли

савол тугилиши табиий. Таҳлилларга кўра, бунга бир томондан, мурожаатлар сони кўплиги сабаб бўлса, иккинчи томондан, йўлларда «Тез ёрдам» машинасига йўл бермаслик, асоссиз ва ёлғон қақирқислар билан боғлиқ ҳолатлар сабаб бўлмоқда. Тараққий этган давлатларда йўлларда «Тез ёрдам» машиналари учун алоҳида йўлақлар барпо этилган. Бу йўллар доимо очиқ туради. Шу билан бирга, «Тез ёрдам»га йўл бўшатиб бериш бўйича ҳайдовчиларда шахсий масъулият жуда юқори.

Мамлакатимизда ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Чунки йўлларимизда «Тез ёрдам» машинасига йўл бермаслик ҳолатлари ҳали ҳам тез-тез учрамоқда. Қачонки, машина қақирқис сигнални ёқсагина, йўл бўшатилиши мумкин. Афсуски, қақирқис сигналига парво қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, бу ҳаётда ҳеч бир инсон тасодифий бахтсиз ҳодисалардан, соғлиғи билан боғлиқ муаммо юз беришдан кафолатланмаган. Шундай экан, ўзининг ва ўзгаларнинг соғлиғи учун ҳамиша эътиборли ва масъулиятли бўлиш инсонийликнинг муҳим қойдасидир.

**Обиджон ДИЛМУРОДОВ,**  
«Шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш» лойиҳаси маҳаллий консультанти.

**ДАРВОҚЕ...**

**2019 ЙИЛДА «103» ХИЗМАТИГА ДОРИ-ДАРМОН УЧУН 26 МИЛЛИАРД 580 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ АЖРАТИЛГАН БЎЛСА, 2020 ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ 75 МИЛЛИАРД 387 МИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁДНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.**

ёрдам» ходимларининг вақтини олади, балки қатор «103» кўмагига муҳтож беморларнинг кутиб қолишига, ҳатто уларнинг ҳаётини сақлаб қолишни қийинлаштиришга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

### «Тез ёрдам» нега кечикиши мумкин?

Ҳаёт синови ва тасодифлардан холи эмас. Кутилмаганда рўй берадиган бахтсиз ҳодисалар, фавқуллода ҳолатлар пайтида ёки касалликлар хуруж қилганда ҳар қандай инсон шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлади. Кейинги йилларда ушбу тизимнинг моддий-техника базаси такомиллашмоқда. Бироқ давлатимиз томонидан яратилаётган замонавий шароитларга қарамай, соҳада ҳали қатор ўйлантирадиган масалалар ҳам

**Т**адбиркорларга яратилаётган имкониятлар ҳақида кўп сўз юритилади. Бунга шубҳа йўқ ва кейинги вақтларда тадбиркорлик борасида самарали ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, ҳамон муаммолар тўла барҳам топгани йўқ. Бундай камчиликларга эса, аввало, қонун билан барҳам бериш зарур.



# НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРИШЛАРГА ҚАЧОН БАРҲАМ БЕРИЛАДИ?

Албатта, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш масаласида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ишларини мувофиқлаштириш Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ўтказилди. Шунингдек, ушбу текширишлар «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида амалга оширилмоқда.

— Шунга қарамай, соҳада айрим камчиликлар ҳам бор эди, — дейди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Фарид Назаров. — Жумладан, бугун тадбиркорларимиз ортиқча овозагарчиликдан чарчаган. Уларни назорат қилувчи органларнинг кўплиги, инсон омилининг устуворлиги турли муаммоларни келтириб чиқаради. Умуман олганда, дунё ривожланиб

боргани сари қонунчиликни ҳам такомиллаштириб бориш зарурати туғилаверади. Шунга кўра, яқинда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик соҳасида давлат назоратининг сифати ва қўламини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилди. Эътиборлиси, лойиҳада ортиқча назорат функцияларини бекор қилишдан тортиб, «ақлли назорат» моделини жорий этишгача тақлиф этилган.

## Қандай назорат турлари бекор қилинмоқда?

Хусусан, лойиҳада 19 та вазирлик ва идоранинг 33 та назорат функцияларини бекор қилиш, 7 та вазирлик ва идоранинг ўзига хос бўлмаган 14 та назорат функцияларини 8 та масъул ташкилотга ўтказиш, шунингдек, 18 та ортиқча назорат функцияларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатидан чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда.

— Қонун билан белгиланган айрим назорат турлари амалда самара бермайди, — дейди Ф.Назаров. — Масалан, қонунчиликда Ички ишлар вазирлиги транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш станцияларини назорат қилиш назарда тутилган. Амалиётда эса бунинг самараси сезилмайди. Тўғри, бугун ушбу соҳани назорат қилишни мазкур тузилма зиммасидан олиб ташласак, айрим камчиликлар юзага келиши мумкин, ammo хавотирга ўрин йўқ. Чунки тараққий этган мамлакатларда ҳам бу тизим назорати билан ички ишлар шугулланмайди.

Шунингдек, солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъект-

ларининг банкдаги ҳисобварақларига инкассо қўйиш ва банк операцияларини тўхтатиб туриш ваколати фақат суд қарори асосида амалга ошириш бўйича эксперимент назарда тутилган. Бундан ташқари, текширишларни ўтказиш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилишни тўлиқ электрон равишда амалга ошириш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилади.

Тақлиф этилаётган ушбу тизим бир қатор қулайликлар яратади. Жумладан, автоматлаштирилган ахборот тизимида давлат органлари ва ташкилотларининг назорат функциялари ягона реестри шакллантирилиб, очиқ тарзда юритилади. Бу мазкур тизимдаги ишларнинг шаффофлигини таъминлайди. Қолаверса, инсон омилни йўқотиб, ишлар унумини оширади. Эътиборли жиҳати, текширувларни электрон рўйхатта олишнинг ягона тизими интеграция қилинади. Қолаверса, тадбиркорлик фаолият турлари бўйича мажбурий талаблар рўйхати ва текширув варақалари жойлаштирилади. Бу ортиқча ва ноқонуний текширувларнинг олдини олишда қўл келади.

## Янги тизим қачон жорий этилади?

Мазкур тизим уч босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган. Биринчи босқичда 2021 йил 1 декабрга қадар тадбиркорликнинг 5 та асосий — чакана савдо, умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш ва йўловчиларни ташиш турларига татбиқ этилади. Иккинчи босқич 2022 йил 1 декабрга қадар амалга оширилиб, унда тадбиркорликнинг 10 та фаолият тури қамраб олинади. Сўнгги босқичда эса 2023 йил 1 декабрга қадар барча фаолият турлари бўйича мажбурий талаблар рўйхати ва текширув варақалари тузилади ва «Ягона давлат назорати» автоматлаштирилган ахборот тизимида жойлаштирилади.

## Коррупциявий хавф-хатар харитаси нима?

Яна бир муҳим жиҳатни эътироф этиш зарур. «Электрон инспектор» модули орқали тадбиркорларни масофавий тарзда текшириш ва бошқа имкониятлар назарда тутилмоқда. Мазкур чоралар асосида назорат қилувчи органларнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси шакллантирилади. Уларни минималлаштириш ва яшилловлаш чоралари кўрилади ҳамда назорат қилувчи органларнинг рейтингни тузилади.

Шу билан бирга, текширишнинг ўтказиш бўйича қарор қабул қилган назорат қилувчи орган томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун тарафларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи хабарнома юбориш амалиёти йўлга қўйилади. Янги тизимни апробация қилиш бўйича ҳуқуқий экспериментни биринчи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида 2021 йил 1 майдан бошлаб, 2022 йил 1 январга қадар ўтказиш режалаштирилган.

## Хулоса ўрнида

Тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, ноқонуний текширишларга барҳам бериш, уларнинг фаолиятини янада эркинлаштириш зарур. Бугун юртимизда бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Лекин бу тўла муваффақиятга эришдик, дегани эмас. Чунки тадбиркорлик ривожланиб боргани сари қонун ҳужжатларини соддалаштириб бориш, бошқача айтганда, замонга мослашиш керак бўлади. Мазкур ҳужжат ана шу йўлдаги яна бир қадам бўлади, деб умид қиламиз.

«Mahalla» мухбири  
Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ  
ёзиб олди.

## ДАРВОҚЕ...

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгартиришларга кўра, тадбиркорлар ва фермер хўжаликларини текширишнинг амалдаги тартиби бекор қилиниб, текшириш талаби Солиқ кодексига мослаштирилади. Энди тадбиркорлик субъектларини текшириш «хавфни таҳлил этиш» тизими натижалари асосида амалга оширилади. Бундан буён солиқларнинг камерал текширувидан бошқа барча текширишлар электрон тизимда рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади.

# УЧ ЙИЛГА САЙЛАНГАН РАИСЛАР, ОЙГА ҲАМ БОРМАДИМИ?


Қашқадарё вилоятида ўтган йили уч йил муддатга фуқаролар йиғини раислигига сайланган 26 нафар оқсоқол айна дамда ушбу вазифада фаолият кўрсатмапти. Бу вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бизга тақдим этган маълумот.

Унинг изоҳида эса авваллари кулоққа чалинганидек, «Ҳоким билан келиша олмабди», «Ҳоким ишдан олибди» каби асосларни кўрмайсиз. Бинобарин, маҳаллий ҳокимлар фуқаролар йиғини раислари, яъни сайлаб қўйиладиган лавозим эгаларини тўғридан-тўғри ишдан олиш ваколатига эга эмаслигини бугун кўпчилик англаб етган. Ваколати муддатидан олдин тугатилган ўша раислар ишдан кетишга сабаб қилиб кўрсатилган омишлар ҳам шунга монанд, яъни силлиқ ва оддий: 15 нафари ўз хоҳишига кўра, 10 нафари бошқа ишга ўтганлиги боис сайланган лавозимдан воз кечган, 1 нафарини эса тушунса бўлади – оламдан ўтибди.

Бу ерда шуниси ажабланарлики, аввалига сайловда иштирок этишга ўзлари розилик билдирган ва сайловчилар ишончини қозонишга ҳам эришган 25 раисдан бир қисми кўп ўтмай нега бўшашига ариза ёзди, қолганлари бошқа иш йўқлигидан оқсоқолликка ўзини урганмиди?

## Оқсоқоллар ўрнак бўлиши керак, лекин, афсуски...

Бу йил бутун дунё учун синов йили бўлди. Турли табиий офатлар, коронавирус пандемияси. Дард одамларни бир-бирига яқинлаштирди, кимнинг кимлиги шундай кунларда билинди. Пандемия бошлангандан бери саховатпеша одамлар, ташкилотлар, тадбиркорлар, ҳомийлар табиий офатлар ва пандемия қолдираётган асоратларни енгиб ўтишда баҳолиқудрат бир-бирларидан ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Нафақат бир миллат ёки халқ, балки халқлар, мамлакатлар бирлашяпти. Афсуски, мана шундай кунларда, халқнинг, инсониятнинг мусибатидан



фойдаланишга уринадиган, бойлик орттиришга ҳаракат қиладиган ноинсофларнинг кўплиги ҳам ачинарли ҳолат. Янада ачинарлиси, бундай номаъқулчиликларни бошқаларга ўрнак бўлиши керак бўлган оқсоқолларнинг қилаётганидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятимизнинг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланмиш маҳалла тизимида энг халол ва фуқароларига суянч бўла оладиган раисларгина ишлашга ҳақлидир.

## Кимлар маҳалла раислигига сайланиши керак?

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, 2019 йилнинг май ойида Қашқадарё вилоятидаги 770 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари 3 йил муддатга сайланган эди. Хўш, аслида маҳалла раиси лавозимига кимлар сайланиши керак? Сайланган маҳалла раислари ўтган вақт давомида ўз фаолиятини қандай бажаряпти?

Маҳалла раисларини лавозимга сайлаш «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун асосида тартибга солинган бўлиб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил



тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги низом талаблари асосида вилоятимиздаги барча фуқаролар йиғинлари фаолияти ўрганилиб, шу асосда рейтинг баҳоланди, — дейди Қашқадарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъул ходими Шахриддин Каттабобоев. — Унга кўра,

маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг жорий йил 6 ойи якунлари бўйича натижалари ҳудудий Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда аниқланди. Якуний натижаларга кўра, 186 та (24,1 фоиз) фуқаролар йиғинининг фаолияти намунали, 341 та (44,2 фоиз) маҳалла фаолияти «яхши», 231 та (30

фоиз) фуқаролар йиғинларининг фаолияти «қониқарли», 13 та (1,7 фоиз) маҳалла фаолияти «қониқарсиз» баҳоланди.

## Иш кўп, иш вақти чегараланмаган

— Ўшанда номзодликка талабгор чиқмагани учун мен ва йиғин котибининг номзоди рўйхатга киритилди, — дейди Қарши шаҳридаги Худойзод номли маҳалла фуқаролар йиғинининг собиқ раиси Шамси Набиев. — Унга қадар йиғин раисининг кексалар бўйича ўринбосари сифатида фаолият олиб борардим. Сайловда кўп овоз билан менинг номзодим тасдиқдан ўтди. 2019 йилнинг сентябрь ойига қадар ишладим. Иш кўп, иш вақти чегараланмаган. Югур-югурларга ёш ўтгандан кейин куч бўлмас экан. Бунинг устига маҳалла ходимларига ўз фаолиятдан ташқари маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам турли топшириқлар берилиб, ёзма ҳисоботлар сўралади. Шу сабабли ўз аризамга кўра ишдан бўшадим.

Тан олиш керак, айрим маҳалла раислари ижро органлари олдида талаб қўйишни билмайди. Чунки ўшалар уларни тавсия этишган, сал устун келса, маҳалла раисидан ариза олишдан осони йўқ. Агар халқ ўзи сайлаганда эди, уни бўшатишга йўл қўймасди. Агар халқ сайласа, оқсоқол халқини ҳимоя қилади, унинг фаровон турмуши учун курашади.


Бошқармадан олинган маълумотга кўра, бўшатишган раисларнинг 10 нафари атиги 1-3 ой фаолият юритган. Ўрганиш давомида улар соғлиги бўлмаганлиги сабабли ўз хоҳишига кўра, ишдан бўшаган. Хўш, агар ҳақиқатан ҳам уларнинг соғлиги бўлмаган экан, нега номзоди овозга қўйиладиган пайтда бунга аҳамият берилмади ёки маҳалла раиси лавозими бугун сайланиб, эртага ташлаб кетиладиган жойми?

Шоҳиستا БОЗОРОВА  
«Mahalla»



Ўзбекистоннинг Покистондаги янги элчиси тайинланди.

# СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ: талаб ва эҳтиёж қандай қондирилади?



Дунё аҳолиси сони кўпайиб борар экан, табиий ресурсларга, биринчи навбатда, сувга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортаверади. Экспертлар сув танқислигининг олдини олиш учун энг мақбул чора сифатида қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологиялардан фойдаланишни тавсия этишмоқда. Бундай технологиялар қўлланилган майдонларда сув сарфи камайиши баробарида минерал ўғитлар ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари тежаллади, ҳосилдорлик ортиб, ишлаб чиқариш харажатлари оптималлашади.

Дунё мамлакатларига назар ташлайдиган бўлсак, Исроилда суғориладиган майдонлар 100 фоиз сувни тежовчи технологияларга ўтказилган. АҚШда бу кўрсаткич 38,2 фоизни, Мисрда 36 фоизни, Қозоғистонда 14 фоизни, Туркияда 12 фоизни, Хитойда 11 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса суғориладиган ерларнинг атиги 7 фоизда, яъни 284 минг гектар майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу эса жуда паст кўрсаткичдир.

## Талаб қай даражада қондирилади?

Жорий йилда сув тежовчи технологиялар яна 133 минг гектар майдонда амалга оширилди. Бироқ кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда ўсиб бораётган эҳтиёж сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда. Президентимизнинг жорий йил 11 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори айтиш мақсада қаратилган бўлиб, бу борада янги имтиёзлар белгиланди. Хўш, соҳадаги муаммолар қандай барҳам топади?

— Ҳақиқатан ҳам, минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги қўмитаси аъзоси Бегали Қодиров. — Глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансчегаравий сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли йиллик олинаётган сув белгиланган лимитта нисбатан ўртача 20 фоизга қисқарган. Бугунга келиб Ўзбекистон аҳолиси 34 миллион кишидан ошди, аҳоли жон бошига ўртача 1 500 куб метр сув тўғри келмоқда. 2030 йилгача аҳоли сони 39 млн. нафаргача кўпайиб, бу кўрсаткич 1 250 куб метрга тушиб кетиши мумкин. Бу шароитда республика аҳолисининг ичимлик сувига бўлган талаби 2,3 миллиард куб метрдан 3,0 миллиард куб метрга, саноат ва

энергетика соҳасида талаб 1,9 миллиард куб метрдан 3,5 миллиард куб метрга етиши кутилмоқда.

Кўрииб турибдики, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигига ажратилган сувнинг улуши камаяди. Шу боис сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантиришнинг 11 та устувор йўналиши белгиланган. Тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва кенг жорий этиш ҳам шулар жумласидан. Агар белгиланган вазифалар ўз вақтида удаланса, мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаб, бу соҳада хавфсизликка эришамиз.

## 20 фоиз сув далада кераксиз сарфланмоқда

Сув хўжалиги мутахассисларининг айтишича, охириги ўн йилда Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга тушиб кетган. Аммо шундай шароитда ҳам сув исрофи юқори даражада қоляпти. Эгитлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланяпти. Бундан ташқари, пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари жуда кўп. 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд навос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари ишлатилади. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилиняпти.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимидан ҳам долзарб масалага айланди. Ўтган икки йилда Президентимиз ва ҳукуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, ҳамма шароит яратиб берилди. Лекин бажарилган ишлар қониқарли эмас. Масалан, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада,

айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қоқоқлик бор.

## Янги технологиялар беш баробарга оширилади

— Эндиликда қарор билан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилаб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини ҳамда ерни лазерли ускуна ёрдамида текислаган ҳолда дискретли суғориш усулини жорий қилиш суръати беш баробарга оширилади, — дейди Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Рўзиев. — Масалан, Сирдарё вилоятида 3000 гектар ерда томчилаб суғориш жорий этилган. 2020-2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида 1 миллион гектар ерда томчилаб суғориш технологиясини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Биз бу натижага муддатидан аввал эришишни кўзлаяпмиз. 2030 йилгача 50 фоиз суғориладиган майдонда сувни тежовчи технология ўрнатадиган бўлсак, демак, яна 15 йилда барча суғориладиган ерларимизда томчилаб суғоришни жорий этишимиз мумкин.

Республиканинг барча ҳудудларида сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик асосида сервис ва диллерлик марказлари ташкил этилади. Фойдаланилиб бўлинган бир йиллик томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолияти йўлга қўйилади. Сув тежовчи технологиялар, биринчи навбатда, инфратузилма объектлари мавжуд бўлган ҳудудларда жорий этилиши эътиборга олинади.

## Субсидия янги тартибда ажратилади

Янги тартибга асосан, 2021 йилдан субсидия миқдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб белгиланади. Томчилаб суғориш технологияси жорий этилганда, ҳар гектар майдон учун

## ДАРВОҚЕ...

2021 йилда 230 минг гектар майдонда, жумладан:

- 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар мевали экинлар, 15 минг гектар узум ва 5 минг гектар бошқа экинлар етиштирилмайдиган майдонларда томчилаб суғориш;
- 14 минг гектар донли экинлар, 2 минг гектар сабзавот ва полиз ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экинлар етиштирилмайдиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш;
- 600 гектар пахта етиштирилмайдиган майдонларда дискретли суғориш технологиялари жорий қилинади.

пахтага 8 млн. сўм, сабзавот экинлари ва картошкага 1,5 млн. сўм, полиз экинларига 1,3 млн. сўм, мевали дарахтларга 6 млн. сўмдан субсидия ажратилади. Агар сифатли тизим жорий қилинса, 11 млн. сўмгача субсидия берилади.

Кенг камровли суғориш тизими, «Спринклер» ва дискретли суғориш тизимлари учун ҳам субсидиялар белгиланган. Пахта, донли экинлар, сабзавот ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли ва доривор экинлар майдонини лазерли текислаш учун 1 млн. сўмдан субсидия ажратилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган лазер ускунали автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган маҳсулот етиштирувчиларга маҳсулот қийматининг 30 фоизи давлат бюджетидан қўллаб берилади. Албатта, юқоридаги чоратадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши келгусида қишлоқ хўжалиги соҳасида сувнинг беҳуда исроф қилинишининг олдини олади.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА туризм салоҳиятидан нега тўла фойдалана олмаяпмиз?

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида туризм иқтисодийнинг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу боис мамлакат иқтисодий тараққиётини янада яхшилаш учун туризмга катта эътибор берилди. Бунинг натижасида кўплаб ижтимоий муаммолар, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва инфратузилмларнинг ривожига ҳам эришилади. Туризм борасида Қорақалпоғистоннинг ҳам катта табиий ва тарихий имкониятлари мавжуд. Аммо биз ундан қанчалик тўғри фойдалана оляпмиз?

## Қандай муаммолар бор?

— Ҳозирги кунда, айниқса, туризм маршрутига киритилган 10 дан зиёд объектни сақлаш, қайта таъмирлаш ва консервация қилиш ишлари олиб борилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Маданий мерос бошқармаси бошлиғи Қуёанышбай Шарипов. — Лекин шунга қарамай, кўплаб маданий мерос объектлари консервацияга муҳтож. Бунинг учун зарур маблағ ажратилмаяпти. Айрим объектларга етиб бориш учун йўл муаммоси кийнамоқда. Аксарият туристлар Орол соҳилигача бориб қўришни истади. Лекин Нукусдан 450 км., Мўйноқдан 230 км. узоқликка бориб қолган Орол денгизи сувини кўрсатиш хизмати фақат хусусий фирмалар зиммасида эканлиги боис, нархлар сайёҳлар учун қимматлик қилаяпти. Қиш кунларида эса қорли йўللарда боришнинг умуман имконияти йўқ.

Дунё туристларини жалб этиш учун туризм бўйича билимли мутахассислар талаб қилинади. Аммо бизда етарли билим ва тажрибага эга мутахассислар кам. Агар Қорақалпоғистонни яхши биладиган, унинг тарихи, бир қарич тупроғини яхши танийдиган мутахассислар кўп бўлса, сайёҳларни жалб этишда муаммо бўлмайди.

Туризм соҳасида бундан бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Бадай тўқай» текислиги тўқайзор кўриқхонасини ривожлантириш зарур. У ерда атрофни отда сайр қилиб, биноклда кузатиш, қайиқларда сузиш имкониятлари деярли йўқ. Шу боис бу ерга туристлар жалб қилинмаяпти.



Шунингдек, «Бадай тўқай» резерватига унчалик узоқ бўлмаган жойда цемент ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Заводлардан кўтарилаётган чанг «Қизил китоб»га киритилган қушларнинг ҳудудни тарқ этишига сабаб бўлмоқда. Шу боис бу корхоналарда стандартларга мос келадиган чангтоғтич ускуналарини ўрнатишни талаб қилади.

## Мутасаддилар нима дейди?

— Барча соҳаларда бўлгани каби туризмда ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Бекмурат Исмоилов. — Тўғри, юқорида санаб ўтилган муаммолар ҳам йўқ эмас. Лекин ушбу масалалар ҳам ўз ечимини топтоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ҳудудда туризмни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар режалаштирилган. Унинг ижросини таъминлаш учун тўқайда, шунингдек, ҳудуддаги қўлларда сайр қилиш учун шароит яратилаяпти. «Қизил китоб»га киритилган қушларни сақлаб қолиш мақсадида ҳавога зарарли чанг чиқараётган корхоналарга сўровномалар юборилган.

Бу ерда, асосийси, туристик инфратузилмани шакллантириш ҳамда туризм хизматларини йўлга қўйиш бўйича Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (GIZ)

грант маблағлари жалб қилинган бўлиб, белгиланган дастур асосида ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда Қорақалпоқ давлат университетида туризм мутахассислиги бўйича 190 нафар, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти мутахассислиги бўйича 88 нафар талаба таҳсил олмақда. Бу 1-2 йилдан сўн бирданига 300 нафарга яқин мутахассис етишиб чиқади, деганидир.

## Хизмат кўрсатиш қандай аҳволда?

— Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига Қорақалпоғистон Республикасида жами 288 маданий мерос ва зиёрат объекти киритилган, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Байрам Қўсекеев. — Шундан 40 дан ортми туризм маршрутларига киритилган. Сайёҳлар, асосан, Нукус шаҳридаги Савицкий номидаги музейга, Мўйноққа — Орол денгизи соҳили ва у ердаги «Кемалар қабристонига», Устюрт платосига, Судочье қўлидаги «Қизил китоб»га киритилган, айниқса, фламинго қушларини томоша қилишга ташриф буюришмоқда. Қувонарлиси, улар маҳаллий хунармандларнинг меҳнат маҳсули бўлган сувенирлар, миллий кийимларга катта қизиқиш билдираяпти. Бу ҳам аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилаяпти.

Шунингдек, меҳмонхона, ҳостел ва ўтовлар, меҳмон уйлари, туроператорлик субъектлари, туристик синфга мансуб автобус, йўл танламас автотранспорт

## ДАРВОҚЕ...

Қорақалпоғистонга сайёҳларнинг аксарияти «Саҳродаги Лувр» дея тарифланадиган И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейини кўриш учун келади. Ушбу музей Ўзбекистоннинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олинган. Музейда жами 100 мингга яқин ашё сақланади. Шундан 2 минг 500 мингга яқини кўргазмага қўйилган. Хронологик жиҳатдан ашёлар бронза давридан то замонавий санъат асарларигача ўз ичига олади.

воситалари, гид-таржимонлар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Бу хизматларнинг барчаси юқори даражада ташкил этилган бўлиб, Қорақалпоғистонга келган ҳар бир меҳмон учун манзур бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Қолаверса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ютуқлар сабаб иқтисодий кўрсаткичларимиз яхшиланиб бораёпти.

## Хулоса ўрнида

Қорақалпоғистонда туризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Бугун уларнинг бир қисмидангина фойдалана бошладик. Бунда, албатта, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жадаллашгани сабаб бўляпти. Лекин ўша ўзгаришларни ўз вақтида тўла ва тўғри амалга ошириш жойлардаги мутасаддиларнинг зиммасида. Умид қиламизки, бошланган улкан ўзгаришлар замирида Оролбўйи минтақасининг туристик салоҳияти янада яхшиланиб, кўзланган марраларга эришамиз. Зеро, бунга барча имконият ва қонуний асослар яратилган.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,  
«Mahalla»




Маҳаллий Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини Сенат бекор қилади.

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

## қай даражада таъминланган?

Маълумотларга кўра, дунёдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми чиқинди идишларига улоқтирилган экан. Жаҳон иқтисодиёти бундан ҳар йили қарийб триллион доллар зарар кўради. Ҳар йили дунёда қарийб 4 млрд тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Агар улардан оқилона фойдаланилиб тақсимланса, бу аслида сайёра аҳлининг барчасига етган бўларди.



### ДАРВОҚЕ...

Мутахассисларнинг фикрича, пандемия натижасида очарчиликка гирифтор бўладиган аҳоли сони 2 баробар кўпайиши ва 1,6 миллиард кишини ташкил қилиши мумкин.



гининг асосий омилларидан биридир. Буни таъминлаш мақсадида сўнгги уч йилда озиқ-овқат, чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун 28 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Биргина чорвачилик йўналишида 11 триллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди.

— Пандемиянинг нарх-навога таъсири инобатга олиниб, жорий йил апрель ойидан бошлаб асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинган, — дейди Баходир Умиршайхов. — Лекин шунга қарамай, охириги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошди. Дунё бозорида ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоизга камайишига қарамай, мамлакатимизда 23 фоизга қимматлаган. Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокимида ҳудуд аҳолисининг кейинги йил майгача гўшт, тухум, ун, ёғ, шакар, гуруч, картошка, сабзи ва пиёзга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни қачон, қаердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Айни дамда ҳар бир ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича алоҳида жамғармалар ташкил этилиши белгиланди. Ҳудуд раҳбарлари тадбиркорларни жалб қилиб, етишмайдиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини жамғарма ҳисобидан бошқа жойдан олиб

келиш ёки импорт қилиш йўлга қўйилади. Бунда тадбиркорлар учун кредит фоизининг бир қисми Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қоплаб берилади. Бунинг учун импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида йирик хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий биржадаги иштирокини кенгайтириш зарур.

### Озиқ-овқатга талаб ошяпти

Ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарурати — мамлакатда миллий мустақиллик, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш шартларидан биридир. Бу шартлар озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда асос бўлади. Бу кўрсаткич аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортта боғлиқликнинг минимум даражасига эришишини ифодалайди.

Айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошяпти, аҳоли сони ўсиши асносида жон бошига истеъмол миқдори кўпаймоқда. Ўзбекистонда 2018 йил ҳолатига кўра, аҳоли ўртасида умумий тўйиб овқатланмайдиганларнинг улуши 6,3 фоизни ташкил этган. Ушбу улушнинг 2021 йилгача 5 фоиз, 2025 йилга келиб 3 фоизгача камайиши, 2030 йилга бориб ноль даражага тушириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бугунги кунда кўзланган натижага эришиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизни сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир. Дунёда иқтисодий ва озиқ-овқат инқирозлари тобора чуқурлашаётган бир пайтда мамлакатимизда ҳам бу соҳа хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридagi барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда.

— Шу билан бирга, соҳада ечимини қутаётган масалалар ҳам бор, — дейди Озиқ-овқат sanoati уюшмаси раиси Баходир Умиршайхов. — Жумладан, амалдаги қонунчилик кўп жиҳатдан озиқ-овқат хавфсизлигининг барча жиҳатларини қамраб олмайди. Уларда санитария ва фитосанитария чораларини қўллашнинг асосий қоидалари, санитария талаблари ва хавфсизлик параметрлари халқаро стандартларга, гигиена ва ишлаб чиқариш амалиётига мос келмаслиги жараёнда кўриниб қоляпти. Шунингдек, замон талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, соҳада тегишли назорат ва мониторингнинг етарли эмаслиги овуқатланиш билан боғлиқ заҳарланиш ва касалликларга олиб келаётгани бор гап.

Солиқни сақлаш вазири билан маълумотларга кўра, 2017-2019 йиллар давомида озиқ-овқатдан заҳарланиш бўйича 166 та ҳолат қайд этилган бўлиб, уларда 1 минг 810 нафар фуқаро жабрланган, 18 киши вафот этган. Бундан ташқари, шу йиллар давомида сифати ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжатлари бўлма-

ган, лаборатория текширувлари бўйича хавфсизлик кўрсаткичлари талабига жавоб бермаган 9 465,68 тонна турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ қилинган.

Юқоридаги муаммолар келиб чиқмаслиги учун замонавий лабораторияларни ташкил қилиш, sanoat корхоналарида юқори метрологияли ўлчовларни жорий этиш, замонавий технологик ускуналар билан таъминланган синов лабораторияларида илмий-инновацион тадқиқотларни олиб бориш, маҳсулот синовини амалга ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олиниши муҳимдир.

### Энди алоҳида жамғармалар ташкил этилади

Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва етарлилиги халқ розили-

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Бир кишининг нормал овуқатланиши учун ўртача йиллик 113 килограмм сабзавот, 50,4 килограмм картошка, 19,3 килограмм полиз, 21,3 килограмм мева ва узум, 40 килограмм гўшт, 140 литр сут, 121 дона тухум, 0,8 килограмм асал каби маҳсулотлар талаб қилинади.



Россельхознадзор Ўзбекистон помидори ва қалампирини олиб кириш учун қўйилган вақтинчалик таъқиқни қисман бекор қилмоқда.

**К**айсидир чет давлатдан бизга келтирилган маҳсулот барчанинг диққат-эътиборини тортади. Унинг нархи ҳам сифатига яраша бўлгани учун сотиб олишга қарор қиламиз. Импорт товар ҳақиқатан ҳам эгасига узоқ йиллар хизмат қилади. Хўш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти қандай, ташқи савдо бобида у ўз ўрнини топа оляптими? Жаҳон бозорига чиқиш, ўз маҳсулотини хорижий давлатга тақдим этишдек мураккаб жараён қандай ташкил қилинади?

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИМИЗ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?



Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, жорий йилнинг 10 ойида Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмаси 32,9 млрд. доллардан ортиқроқни ташкил этиб, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 4,8 млрд. доллар ёки 12,9 фоизга камайганидан далолат беради. Ташқи иқтисодий фаолиятдаги 20 та йирик ҳамкор давлат орасидан 5 таси билан фаол экспорт баланси кузатилган. Хўш, қолган давлатлар билан-чи? Экспорт қилинаётган Ўзбекистон маҳсулотининг кўпроқ улуши нимага тўғри келади? Хорижий давлатларда Ўзбекистон брендига муносабат қандай?

## Экспорт жараёнида натижа қандай?

Бозор оралаб юрсангиз, «O'zbekistonda ishlab chiqarilgan» ёриғи билан ишлаб чиқарилган кийим-кечак, озиқ-овқат, рўзгор буюмларини учрата-сиз. Маҳсулотнинг сероблиги яхши, ички бозорда бунга истеъмолчининг эҳтиёжи бор. Ўзбекистон товарининг четга экспорт қилинишида бу йилги жараён қандай кечди?

— Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳар қандай давлатнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини оширади, — дейди **Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги** қошидаги **Экспортни рағбатлантириш агентлиги директори ўринбосари Бобир Кенжаев**. — Қадам-ба-қадам, босқичма-босқич кечаётган мураккаб жараёнда эришилаётган натижалар чакки эмас. Жорий йилнинг ўн ойи якунига кўра, экспорт ҳажми 13,3 млрд. импорт эса 16,7 млрд. долларни ташкил этди. Бунда товар экспорти 5,9 млрд. долларга етган бўлиб, шундан энг катта қисмини саноат товарлари ташкил этмоқда. Товарлар импорти эса жами 15,7 млрд. долларга етиб, шундан 37,8 фоизи автомашина ва транспорт асбоб-ускунаси улушига тўғри келади. Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори Хитой Халқ Респуб-

ликасидир. Икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмасида 1,57 млрд. доллар экспорт, 3,5 млрд. доллар эса импортга тўғри келади. Афсуски, ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор давлат орасидан Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Эрон билангина фаол ташқи савдо баланси кузатилди. Қолган давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

## «Тадбиркор кимга мурожаат қилишни билмайди...»

Баъзан барча операциялардан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон маҳсулоти дунё миқёсидаги стандартларга жавоб бера олмаслиги оқибатида яна ортга қайтариляпти. Тўғри, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган мамлакат. Унинг саноат корхонала-

лаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириб келмоқда, — дейди **давом этади Б.Кенжаев**. — Жорий йилда пандемия жараёни кечса-да, 4 та онлайн ва 14 та офлайн кўргазма ташкил этиб, жами 119 та тадбиркорлик субъектининг турли давлатларда ўз экспорт салоҳиятини намоеён этишига шарт-шароит яратилди. Афсуски, ўз бизнесини ривожлантириб олган, ички бозор орқали ташқи савдога йўл топа олмаётган тадбиркорлар жуда кўп. Аммо улар ташқи савдо балансини қандай йўлга қўйишнинг тартиб-тамоилларидан беҳабар, кимга мурожаат қилишни билмайдилар. Вилоят ва туман ҳокимликларида инвестиция ва экспорт масаласи билан шуғулланувчи мутасаддилар бу борада аниқ тизимни ишга тушириши шарт ва зарур.

## Божхонадаги сансалорлик тугадими?

Мамлакатимизга четдан кириб келаётган импорт товар ўз харидори кўлига етгунча кўтлаб «чиғириқ»лардан ўтади. Худди шундай талаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, бошқа давлатга жўнатиладиган экспорт товарга нисбатан ҳам кўйилади. Бу маҳаллий маҳсулотнинг божхона расмийлаштируви бўлиб, кейинги йилларда экспортёрга анча-мунча енгилликлар яратилмоқда. — 2020 йилдан бошлаб, давлат органлари томонидан божхона расмийлаштируви тақдим этилиши лозим бўлган рухсатнома хусусиятига эга барча ҳужжатларни бериш жараёни «Ягона дарча» электрон божхона ахборот тизимига киритилди, — дейди **Давлат божхона қўмитаси Божхона институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди Анвар Шодмонкулов**. — Бу зарурий ҳужжатларни олиш учун тадбиркорнинг давлат органларига бориб мурожаат қилишига кетадиган вақти ва маблағини қисқартириб, ортиқча сансалорликни йўқотди. Айни вақтда мазкур рўйхатда экспорт божхона расмийлаштируви тақдим этиладиган ҳужжат 2 та, яъни божхона юк декларацияси ва транспорт ҳужжатидан иборат.

## Қайси жиҳатдан оқсаямиз?

Экспорт жараёни қатъий талаб ва стандартларга асосланади. Бунга жавоб бермаган маҳсулот ҳеч қайси давлатда қабул қилинмайди, керак бўлса, ўз эгасига қайтарилди. Юқорида таҳлил қилиб берганимиздек, Ўзбекистон бренди ҳамкор давлатлар томонидан юз фоиз олқишланиб қабул қилинаётгани йўқ. Бунинг сабаблари нимага?

— Ривожланаётган мамлакат бўлгани боис ҳали республикамизнинг озиқ-овқат, саноат, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар дунё стандартларига тўлиқ жавоб бера олмапти, — дейди **«Ўзстандарт» агентлиги сертифицикатлаш бўлими бошлиғи Асрор Жумаев**. — Аввало, экспорт географияси тор, асосан, кўшни Қозоғистон ва Россия давлатлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Маҳсулотни дунё андозалари даражасида тайёрлашга замин яратувчи технологиялар бизга энди кириб келмоқда. Ишлаб чиқариш субъектларини бошқарадиган кадрларни стажировкага жўнатиш, малакасини ошириш мавриди алақачон етган. Хорижий экспертлар фикрига кўра, Ўзбекистонда кўл меҳнати билан тайёрланадиган миллий хунармандчилик намуналари жаҳонда юқори баҳоланмоқда. Демак, ташқи савдо айланмасида хунармандчилик намуналарига ҳам кўпроқ ўрин беришимиз керак.

Ички бозорда тан олинмиш билан ташқи савдо ўртасида катта фарқ бор. Аммо ҳар қандай маҳсулот аввал кичкина бозорда синовдан ўтиб, сўнгра чет истеъмолчилар ҳукмига ҳавола этилди. «Ўзбекистон бренди» номи билан хорижий давлатларда ўз харидорини топишга интилаётган юзлаб корхоналарнинг нияти шундай. Бугун тўпланган тажриба уларни қониқтирмаслиги лозим.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

**Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихона ва валахтоналари кўмагида бир нечта савдо уйлари очилиб, умумий қиймати 2,3 миллион АҚШ доллари бўлган хунармандчилик маҳсулотлари четга экспорт қилинди.**

рида ишлаб чиқарилаётган барча брендлар ҳам жаҳон бозоридан ўрин эгаллаши учун нима қилиш керак?


Статистик маълумотларга кўра, республикамизнинг тўқимачилик, чарм-пойабзал, ипакчилик, озиқ-овқат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари хорижий давлатларда алақачон ўз харидорини топиб олган. Аммо ўзбек брендининг хорижий ҳамкорларини янада кўпайтириш ҳамон долзарб бўлиб турибди.

— Агентлигимиз экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувват-

Конфессиялар ишлари кенгашида Ўзбекистоннинг бағрикенг диёр сифатида намуна экани эътироф этилди.

«Иккита қовургангиз синган, қолганлари қийшайган. Уни гипс қилиб бўлмайдди, фақат ётоқ режимда даво-ланиш лозим. Ҳозир оғриқсизлантирувчи блокада қила-миз, ахволингиз сал энгиллашади. Кейин муолажани яна давом эттираемиз. Яширсангиз ҳам сезиб турибман, сиз йиқилиб эмас, кучли зарбадан шу ҳолатга тушгансиз. Хўп десангиз, ички ишларга хабар бераман...»

Дилфуза шифокорнинг гапидан чўчиб тушди. «Асло ундай қила қўрманг, уйим бузилади-я, калтакнинг тагида ўлсам ҳам болаларим учун чидайман. Эрим ургангани ҳеч кимга айтмайман, акс ҳолда эрим ҳам, қайнонам ҳам кечирмайди мени. Ўзимни айбдор қилиб, кечворишади» дея ўйларкан, қайта-қайта такрорлади: «Йўқ, доктор, ўзим йиқилдим, бикиним супага теғди, рости ҳеч ким ургани йўқ. Ҳеч ким урмади мени...»



## ЗЎРАВОНЛИК АСОРАТИ ТАНАНИ ҲАМ, ҚАЛБНИ ҲАМ БИРДЕК ЖАРОҲАТЛАЙДИ

— Турмуш ўртоғидан калтак еб, жароҳат олган аёлларни қўп учра-таман, — дейди бу ҳолатга изоҳ бера туриб Кармана тумани тиб-биёт бирлашмаси шифокори, тиб-биёт фанлари номзоди Иброҳим Ҳошимов. — Улар калтакланганини яшириб, «йиқилдим», «урволдим», дейишади. Ачинарлиси, уйда дўппосланиб, тан жароҳати олса-да, гап-сўз бўлмасин, дея шифокор хузурига келмайдиган аёллар бор. Уларнинг жароҳати битиб кетса-ку, яхши, асорати қолса-чи?

Йиллар ўтяпти, давр, замон ўзгаряпти, қарашлар, тушунчалар янгиланмоқда. Жамиятимизда хотин-қизларга маиший зўравон-ликнинг сақлини келаётгани эса афсусланарлидир. Тўғри, гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аслида эса, дунё тамаддунига тамал тошини қўйган улўғ аждодларимиз аёл зо-тининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни камситишнинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришни олижаноблик тимсоли, деб билишган. Тарих саҳифалари, муқаддас китобларимиз ва ҳадису шариф ҳам бунга гувоҳлик беради.

### 500 нафарга яқин аёл зўравонликка учраган...

Навоий вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бош-қармаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган 10 ойи даво-мида ҳудудда 497 нафар хотин-қиз зўравонликдан жабр кўрган-и туфайли ички ишлар органларига «ҳимоя ордери» сўраб мурожаат қилган ва шундан 490 нафарининг мурожаати қаноатлантирилган. Навоий шаҳрида эса 148 нафар аёл «ҳимоя ордери» сўраган.

— Хотин-қизларга нисбатан зў-равонлик ҳолатларининг аксария-ти руҳий, жисмоний, иқтисодий, маънавий кўринишдаги тазйикдан иборат, — дейди вилоят ИИБ ҳу-қуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулбаҳор Ўсарова. — Октябрь

ойида рекорд кўрсаткич — 108 та ҳолат қайд этилганига нима дей-сиз? Энг ачинарлиси, 418 нафар аёл ўз оиласида зўравонликка учраган. Шунингдек, 32 нафар хотин-қизга кўчада, 29 ҳолатда жамоат жойида, 2 нафарига таъ-лим муассасасида, 9 нафарига эса иш жойида тазйик ўтказилган.

— Эрнинг хотинига муносаба-ти оилавий муҳит шаклланишида муҳим аҳамият касб этади, — дея суҳбатимизга қўшилади Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бош-қармаси бошлиғи ўринбосари Малика Мамадиёрова. — Афсуски, 379 та ҳолатда аёл турмуш ўртоғи томонидан маиший зўравонликка учраган. 12 та оилада аёл қайнона-си, 4 тасида эса қайнотаси тара-фидан қийноққа солинган. Бундай хўрлик ва зиддиятларни кўриб улгайган ўсмир руҳиятига бу ҳолат қандай таъсир кўрсатиши маълум. Аввало, бола «синикади», у одамо-ви бўлиб қолиши аниқ. Аламзада бўлиб қолган бола улгайганда ота-онасига душман кўзи билан қара-са, бундан даҳшатлиси борми?

### Ажрашган аёл кўчада қоладими?

...Карманалик Фарида Жаббо-рова ота-онаси таллови билан турмуш қурган эди. Бир йилча тинч яшади, холос. Кейинчалик турмуш ўртоғи ичкиликка берил-ди. Ҳеч қаерда ишламай, уйдаги қўлига илинган буюмни сотиб, ароққа сарфлагани етмагандек, у Фаридага қўл кўтарадиган одат чикарди. Ношуд эркакнинг бу қилмишига Яратганнинг жазоси, шекилли, фарзанд кўрмади улар. Бироқ у бунинг учун ҳам Фарида-ни айблар ва тинмай хўрларди.

Йиллар давомида қон қақшаб яшаган аёл ниҳоят, сабр косаси тўлиб, ажралиш учун судга даъво аризаси ёзишга мажбур бўлди. Аммо у бир нафар фарзанди билан ота уйига сифмади. Шўрлик онасининг қистови билан иккинчи бор Навоий-дан Бухорога келин бўлди. Унинг

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2020 йилда Навоий вилоятида 43 нафар оғир шароитдаги хо-тин-қиз бепул уй-жой билан таъминланди. Тураржойнинг 10 фоиз-лик бошланғич бадали Хотин-қизлар жамоат фонди томонидан тўлаб берилди.

биринчи рўзғорида кўрган уқубат-лари ҳолва экан, гиёҳванд эрнинг уйида аёвсиз тахкиру тазйикқа дуч келган жувон бошини қаерга уриш-ни билмасди. Шофиркон тумани ИИБ ва бошқа мутасаддилар ўзаро маслахатлашиб, Фаридани вилоят зўравонликка учраган шахсларни реабилитация қилиш ва мослашти-риш марказига жойлаштиришди.

— Бу аёлни тушқунлик ботқо-ғидан олиб чиқиш учун психолог хизматини ташкил этдик, — дей-ди марказ директори Мўғтабар Ҳасанова. — Уни бошпана билан таъминлаш, ишга жойлаштириш лозим. Аёлга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш шаҳар бўлими кўмаги керак. Аёл маълум муддат оилавий ётоқхоналардан бирида яшаб туриши мумкин. Тураржо-йи бўлса, ўзига мосроқ иш ҳам топилар. Лекин бизни Фарида каби ҳаёти остин-устун бўлган аёлларнинг бошпанасиз қоли-ши ташвишлантиради. Бунга чек қўйиш учун қонунлар ижросини кучайтириш тақозо этилади.

### Қонунда ҳам, исломда ҳам аёл меросга ҳақли

Дарҳақиқат, қонунларимизда гарчи ўғил ва қиз фарзанднинг мерос ҳуқуқи тенг бўлса-да, ўзбекчиликда «топган-тутганим ўғлимга» деган тамойил бор. Агар

ўғил имонли, виждонли, ориятли бўлса, бахтидан ёлчимаган опаси ёки синглисига уй-жой қилишда кўмаклашади, акс ҳолда...

— Марказ ҳуқуқшуноси отамнинг уйида менинг ҳам ҳақим борлиги-ни, фуқаролик судига даъво қилиб, ўзим учун яшаш жойи ажратиб олишим мумкинлигини айтди, — дейди Фарида Жабборова. — Бироқ мен укам билан судлаштири-нистамадим. У ҳозир менинг мушкул вазиятда қолганимни билади, аммо кўнглим учун «Опа, уйга юринг» демади. Балки у ҳам маълум маъ-нода ҳақдир, майли, жигаримнинг ҳаловатини бузгим йўқ. Бош омон бўлса, бошпана топилар.

— Исломда қиз фарзанд ҳам ўғил каби меросга ҳақлидир, — дейди вилоят бош имом-хатиби Тоҳир Рўзиев. — Фақат ўғилга икки қиз улушича мерос берилади. Масалан, оилада бир қиз, бир ўғил бўлса, ме-рос тенг учга бўлинади, икки ҳисса-си ўғилга, бир ҳиссаси қизга. Бу қиз фарзанд ўғилдан паст турар экан, дегани эмас. Бу билан ўғилга катта масъулият юклянапти. Исломда аёл кишига ҳеч кимни нафақа билан таъминлаш тақдир қилинмайди, аёлнинг ўзига, оиласига, болаларига эри сарф қилади, никоҳ қурилиши-да ҳам аёлга маҳр берилади, эркак маҳр беради. Аёлни яшаш жойи, таом, кийим-кечак билан таъмин-лаш ҳам эр зиммасида бўлади. Шу боис меросда ўғил боланинг ҳақи қизникидан икки ҳисса кўпроқдир.

Тўлиқ гендер тенгликка эришиш-да эътиборга унчалик олинмайдиган, аммо муҳим ўрин тутадиган бу каби масалалар қўп. Бу борада-ги муаммолар депутат ва раҳбар аёллар сафини кенгайтириш, олий маълумотли қизларни кўпайтириш, хотин-қизларни иш билан таъмин-лаш билан ҳал бўлиб қолмайди. Гендер тенглик, аввало, оилада ўрнатилиши лозим. Шундагина хо-тин-қизлар маиший зўравонлик ва тазйик қурбонига айланмайди.

Холбиби САФАРОВА  
«Mahalla»

Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.



Мана, бир йилдирки, дунё давлатлари коронавирус билан курашмоқда. Бу бало барча мамлакатларнинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап. Аммо эпидемиологик вазият ҳукм сурса-да, ҳар бир давлат ўз иқтисодий салоҳиятини, дунё ҳамжамиятидаги ўрнини йўқотмасликка интиляпти. Ўзбекистон ҳам 2020 йилда ўз иқтисодий кўрсаткичларини иложи борича сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган мамлакатлар рўйхатига киритилмоқда.

Халқаро облигациялар бозорига 2019 йил февраль ойида илк бор чиқишга муваффақ бўлган республикамиз қийин шароит ҳукм сурган 2020 йилда ҳам унга кириб боргани шундан далолат беради. Ушанда Ўзбекистоннинг 10 йиллик облигациялари 5 фоизлик даромад миқдори билан эмиссия қилинган эди. Жорий йилдаги иқтисодий натижага қандай эришилди? Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ишлаш, ҳаракатланиш тамойили талабга жавоб берадими?

### «Bloomberg» эътирофи

Дунё миқёсидаги халқаро ташкилотлардан бири — «Bloomberg» молиявий бозорнинг профессионал иштирокчилари учун тегишли маълумотларни етказиб беради. Унинг асосий махсулоти Bloomberg терминали бўлиб, бу орқали жаҳоннинг барча биржалари ва кўплаб бозорларида, янгиликлар лентасида, етакчи оммавий ахборот воситаларида облигация ва бошқа қимматли қоғозлар электрон савдо тизимидаги мавжуд ёки аввалги нархларига кириш, танишиш мумкин. Жорий йилда мазкур ташкилот терминалига Ўзбекистон облигацияларининг жойлаштирилиши халқаро доирадаги эътироф бўлди.

— Давлатнинг иқтисодий кўрсаткичини жаҳон молия бозорига тўтган ўрни ҳам белгилайди, — дейди Молия вазирлиги давлат ташқи ва ички қарз департаменти директори Жасур Қаршибоев. — Аксарият давлатларда коронавирус пандемияси оғир кечиб, бу уларнинг

# ЕВРООБЛИГАЦИЯЛАР: ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИМИЗ БОЗОРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?



халқаро доирадаги обрў-эътиборига ҳам путур етказди, кўплари «йиқилди». Мамлакатимизда эса касаллик билан қаттиқ ва қатъий кураш олиб борилгани молиявий барқарорликни ушлаб туришга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Тўғри, Ўзбекистон халқаро инвестиция рейтингларида юқори ўринга чиқа олгани йўқ. Аммо Халқаро валюта жамғармаси экспертлари прогнозига кўра, унинг евробонд бозорига чиқиши иқтисодда кўпроқ қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва қурилишга эътибор қаратаётгани билан боғлиқдир. Иккинчидан, бунга республиканинг илк эмиссияга эришгани ва ташқи қарз миқдори нисбатан камлиги ҳам шарт-шароит яратмоқда.

### Сўм — халқаро фонд биржасида

Ҳўш, Лондон фонд биржасига жойлаштирилган Ўзбекистон облигациялари миқдори қанча? Бу Ўзбекистонга нима беради? Жаҳон молия бозоридан ўрин эгалласа, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан яна ҳам юксаладими?

— Молия вазирлиги томонидан 750 млн. АҚШ доллари миқдоридagi суверен халқаро облигациялар икки траншда — 10 йиллик муддат билан 555 миллион доллар ва 3 йиллик муддат билан ўзбек сўмида чиқарилиб, Лондон фонд биржасига жойлаштирилди, — дейди Молия вазирлиги департамент бўлим бошлиғи ўринбосари Дилноза Лутфуллаева. — Бу воқеа

ўзбек сўмининг дунё миқёсида тан олинганини кўрсатмоқда.

Молиявий консултантлар ва инвесторлар тақлифига кўра, халқаро облигацияларнинг бошланғич фоиз ставкалари Марказий банк фоиз ставкасига мос равишда, яъни 14,5

### ДАРВОҚЕ...

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси бўлган акциядорлик жамиятлари ва акциядорларга қулайлик яратиш мақсадида расмий сайт орқали фойдаланиш мумкин бўлган «Шахсий кабинет» лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

фоиз миқдориди белгилангани инвестицион лойиҳаларнинг чет эл валютасида эмас, балки ўз сўмимизда амалга оширилиши учун ҳам имконият яратади.

### Ўзбекистонда молиявий инструмент ҳаракатда...(ми?)

Дунёда капитал бозорни ривожлантириш бўйича ҳар хил моделлар мавжуд. Жуда машҳур ҳисобланган англо-саксон тизими орқали Нью-Йорк, Лондон, Гонгконг каби капитал бозорлари катта натижаларни кўлга киритиб келмоқда. Бу моделга мувофиқ, иқтисодийётни молиялаштириш манбаларининг деярли ярмини шу бозор шакллантиради. АҚШда 2020 йилнинг 9 ойи якунларига кўра, қимматли қоғозлар бозори капиталлашуви 36 триллион доллардан ортган. Бу эса АҚШ ялпи ички маҳсулоти — 20,8 триллион доллардан анча банд эканини ифодалайди. Ҳўш, Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш жараёни қандай?

— Республикаимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 9 ойлигини сўмга чаққанимизда, 408 триллион сўмни ташкил этмоқда, — дейди Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ДУК бош мутахассиси Шерзодбек Йўлдошев. — Рақамга нисбатан

капитал бозори айланмаси ЯИМнинг 15 фоизини ташкил этмоқда. Бу эса жуда катта имкониятимиз борлигини кўрсатади, яъни инвестицияни акция, облигация орқали кўлга киритиш ва сарфлаш имконияти мавжуд. Корхонамиз томонидан акциядорлик жамиятларига қулайлик яратиш мақсадида «Электрон овоз бериш» лойиҳаси татбиқ этилди. Ушбу хизмат 40 дан ортиқ эмитентнинг ҳолатини чиқармоқда. Акциядорлар умумий йиғилишни масофадан туриб кузатиши, кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришда ана шу хизматдан фойдаланиши мумкин.

Кузатишлар қимматли қоғозлар бозорига молиявий инструментларнинг икки тури — акция ва корпоратив облигация ҳаракатда эканини кўрсатяпти. Марказий депозитарийда жорий йилнинг ўн ойида 598 та акциядорлик жамиятининг 149 трлн. сўмлик молиявий инструмент ҳисоби юритилди. 15 декабрь ҳолатига акциялар жами қимматли қоғозлар чиқариш ҳажмининг 99,7 фоизини, облигациялар эса 0,3 фоизини ташкил этмоқда. Натижадан кўриниб турибдики, облигация бозори бизда деярли «қотиб», ҳаракатсиз турибди.

Айни пайтда учтаси банк бўлган 6 эмитентнинг 377,2 млрд. сўм умумий миқдордаги корпоратив облигацияси муомаласи юритиляпти. Шундан 53,81 фоизи, яъни 203,0 млрд. сўми жойлаштирилмаган. Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан меъриёй-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритилганидан сўнг облигацияни масъулияти чекланган жамиятлар томонидан ҳам чиқариш мумкин бўлди.

Президентимизнинг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ва давлат активларини хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, қатор корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш кутилмоқда. Ушбу ҳужжатда умумий давлат улуши 86 триллион сўм бўлган 155 та акциядорлик жамиятини молиявий жиҳатдан ўзини ўзи мустақил бошқариш тизимига ўтказиш кўзда тутилган. Бу эса яқин келажакда юртимизнинг қимматли қоғозлар бозорини дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига етказиш учун туртки берса, ажаб эмас.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда 509,2 млн. долларлик лойиҳаларни молиялаштиришни маъқуллади.

Пандемия ҳали ту-  
гамади, айти пайтда  
дунёнинг ўндан зиёд  
мамлакатида унга қар-  
шли вакцина синови  
ўтказилмоқда. Уларнинг  
аксарияти эса охириги  
синов босқичига етиб  
келган. Жумладан, Ўз-  
бекистонда ҳам Хитой-  
да ишлаб чиқарилган  
вакциналар синови 10  
декабрь куни бошланган  
эди. Клиник синовлар-  
ни ўтказиш учун жами  
5 минг нафар кўнгилли  
танлаб олинган.

Хўш, вакцина синови қандай  
кечяпти? Ножўя таъсирлар се-  
зилмаяптими? Агар синов муваф-  
фақиятли ўтса, қиллар биринчи  
бўлиб эмланади? Айтиш керакки,  
ушбу эмлаш жараёни вакцинанинг  
хавфсиз ва самарали эканини  
аниқлаш ҳамда унинг минтақамиз  
шароитида қандай таъсир этиши-  
ни тадқиқ қилиш мақсадида ўтка-  
зилаёттир. Клиник-синов тарзида  
ўтказилаётган эмлашда 18 ёшдан  
ошган кўнгилли фуқароларимиз  
қатнаша олади.

— Вакцина синовида қатнашаёт-  
ган фуқаро COVID-19 инфекцияси  
билан умуман зарарланмаган  
бўлиши талаб этилади, — дейди  
Санитария-эпидемиологик осой-  
ишталик ва



жамоат сало-  
матлиги хиз-  
мати бошлиғи  
ўринбосари  
Ботиржон Кур-  
банов. — Чунки  
коронавирусга

чалиниб, тузалганлар танасида  
антитаначалар мавжуд бўлиб,  
вакцинанинг организмга қандай  
таъсир қилганини аниқлашга  
халақит беради. Бундан ташқари,  
айни вазиятда коронавирис билан  
оғриган беморларга ҳам вакцина  
қилинмайди. Кўнгилли юртдошлар-  
римиз тиббий кўриқдан ўтказилиб,  
турли сурункали касалликлардан  
холи экани ўрганилади. Сурункали  
касалиги бор ва иситмаляётган,  
қон босими меъёридан юқори,  
қон касалликлари мавжуд, иммун  
танқислиги билан касалланган, са-  
ратонга чалинган беморлар ҳамда  
ҳомилдор ва фарзанд кўриш ис-  
тагидаги аёллар ҳам бу жараёнда  
қатнашиши мумкин эмас.


Эмлашдан олдин кўнгилли  
фуқароларнинг қон таҳлили эксп-  
ресс усулда ўрганилади. Бунда  
организмда инфекцияга қарши  
антитаначалар йўқлиги ҳамда  
коронавирис касаллигига чалин-  
магани аниқланади. Шунингдек,  
бурун ва ҳалқумдан олинган сурт-  
малар ПЗР орқали текширилиб,  
танада COVID-19 вирус йўқлиги-  
га ишонч ҳосил қилинади.

### Қанча кўнгилли эмланди?

22 декабрь санасига кўра, 226

# ВАКЦИНА

## синови ножўя таъсирлардан холи ўтяптими?



### ДАРВОҚЕ...

Молия вазири Тимур  
Ишметовнинг айтишича,  
Ўзбекистонда корона-  
вирисга қарши вакцина  
сотиб олиш ва умумий  
тадбирлар учун 3 трил-  
лион сўм ажратилади.

нафар кўнгилли фуқаро вакцина  
билан эмланди. Юртдошлари-  
мизнинг вакцина тўғрисидаги  
фикр-мулоҳазаларини билдириши  
ҳамда кўнгилли сифатида эмлаш-  
да қатнашиш ниятида мурожаат  
қилиши учун Инновацион ривож-  
ланиш вазирлиги томонидан мах-  
сус сайт яратилмоқда. Айти пайт-  
да назоратта олиш имкони кенг  
бўлгани учун, асосан, пойтахтда  
яшовчи кўнгилли юртдошларимиз  
ушбу вакцина билан эмланмоқда.

— Ҳозирда Тошкент шаҳридаги  
учта поликлиникада вакцина-  
нинг учинчи босқич синовлари



бўлиб ўтмоқ-  
да, — дейди  
Инновацион  
ривожла-  
ниш вазири  
Иброҳим  
Абдурахмо-  
нов. — Учинчи  
босқич си-

новларининг бошида вазирлик  
раҳбарияти, шахсан ўзим мана  
шу вакциналарни бир ой олдин  
эмлаш жараёнини амалга ошир-  
дик. Бир ой ичида биронта ножўя  
таъсирини ўзимизда сезганимиз  
йўқ. Дастлабки натижалар антита-  
началарнинг ҳосил бўлаётганини  
кўрсатапти.

Қайд этиш жоиз, кўнгиллилар  
коронавирисга қарши клиник-си-  
нов тарзда эмланаётган Хитой-  
нинг «Рекомбинат» вакцинаси  
биринчи ва иккинчи клиник-синов  
жараёнларидан муваффақиятли  
ўтган. Шу пайтгача учинчи фаза

клиник-синовлари давомида  
эмланганлар ўртасида ҳам салбий  
асоратлар аниқланмаган. Улар  
доимий равишда шифокорлар  
назоратида бўлиб турибди.

— Вакцина синовида қатна-  
шишни фуқаро сифатида бурчим  
деб биламан, — дейди пойтахт-  
лик Жамолддин Камолов. — Бу  
синов ўзим учун ҳам, яқинларим,  
халқимиз учун ҳам ижобий таъси-  
рини кўрсатади деб умид қила-  
ман. Ўйлайманки, ижобий нати-  
жалар олинса, бу бутун инсоният  
учун ҳам яхши бўлади. Эътибор-  
лиси, поликлиникада ҳар бир  
иштирок этувчи фуқарога алоҳида  
эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир  
босқичда тажрибали мутахассис-  
лар тушунтириш ишларини олиб  
бораётгани ишончимизни ошир-  
моқда. Насиб этса, пандемияга  
қарши курашда биз, кўнгиллилар  
ҳам ўз ҳиссамизни қўлашимиз.

### Кимлар биринчи бўлиб эмланади?

Айтиш керакки, юртимизда  
вакциналар синови ўтказилаётган  
бир пайтда Ўзбекистон корона-  
вирисга қарши эмлаш дастурига  
ҳам қўшилди. Дастур шартларига  
кўра, даромад даражаси юқори  
бўлган давлатлар вакциналар  
қариди учун пул тўлайди ва шу  
тариқа бу соҳадаги молиялашти-  
риладиган давлатларга субсидия  
беради.

Режага кўра, мазкур тизим дои-  
расида 2021 йилнинг охирига қа-  
дар бутун дунё бўйича 2 миллиард  
доза вакцина ишлаб чиқарилиши  
ва тенглик асосида тақсимланиши  
керак. Ушбу дастур доирасида  
иштирок этаётган барча 190 мам-  
лакат, шу қаторда Ўзбекистон ҳам  
2021 йилнинг биринчи ярмидаёқ  
вакцина захирасидан фойдаланиш  
имконига эга бўлади.

— Ўзбекистон COVAX альянси  
орқали 2 млн. доза вакцина сўраб  
мурожаат қилган ва Ўзбекистон-

нинг аризаси қабул қилинган,



— дейди Са-  
нитария-эпи-  
демиологик  
осойишталик  
ва жамоат са-  
ломатлиги хиз-  
мати бошлиғи  
ўринбосари  
Нурмат Отабе-

ков. — Агар қайсидир вакцина Жа-  
ҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти  
томонидан тасдиқланганидан бўл-  
са, у Ўзбекистонга олиб келинади  
ва, биринчи навбатда, 65 ёшдан  
юқори бўлган шахслар, тиббиёт  
ходимлари, ўқитувчилар, богчалар  
тарбиячилари эмланади.

### Дунёдаги вазият қандай?

Нуфузли «Bloomberg» агентлиги  
маълумотига кўра, дунё давлатла-  
ри пандемиядан тезроқ қутулиш  
учун алақачон умумий ҳисобда  
8,2 млрд. доза вакцинага буюртма  
берган. Бу миқдор агарда вакцина  
барча давлатларга тенг тақсимлан-  
са, Ер аҳолисининг ярмини эм-  
лашга етади. Негаки, вакциналаш  
икки босқичда амалга оширилади.

Бугунгача 15 та фармацевтик  
компания вакцина етказиб беришни  
бошлаган. Ҳозирча Буюк Британияда  
ишлаб чиқарилаётган «AstraZeneca  
Plc» вакцинаси энг харидоргир  
препарат бўлиб турибди. Унга 2  
млрд. 947 млн. доза буюртма берил-  
ган. Иккинчи ўриндаги АКШнинг  
«Novavax» вакцинасига 1 млрд. 308  
млн. доза буюртма тушган. Россия-  
нинг Гамалея маркази 698 млн. доза  
вакцинага шартнома тузган. Унинг  
«Спутник V» вакцинасига асосан,  
Ҳиндистон (200 млн.), Россия (160  
млн.), Бразилия (100 млн.), Ўзбеки-  
стон (70 млн.), Мексика (64 млн.),  
Миср (50 млн.), Непаль (50 млн.) ва  
бошқалар (4 млн.) харидор бўлган.

Дарҳақиқат, 4 декабрь куни  
юртимизга айнан «Спутник V»  
вакцинаси намуналари олиб  
келинганди. Улар Ўзбекистон-  
га рўйхатдан ўтказиш олдида  
тегишли синовларни олиб бориш  
ва мамлакатда вакцина ишлаб  
чиқаришга старт бериш учун тақ-  
дим этилган. Яна бир гап: Россия  
Федерациясининг Фавкуллода ва  
мухтор элчиси Владимир Тюр-  
денев йил якуниларига бағишлаб  
ўтказилган матбуот анжуманида  
Ўзбекистон Россияга ишлаш учун  
кейтишни режалаштирган меҳнат  
мигрантлари учун коронавирисга  
қарши 1 миллион доза «Спутник  
V» вакцинасига буюртма бергани-  
ни таъкидлаб ўтди.

Санжар ИСМАТОВ  
тайёрлади.

«TechnoWays» марафонининг навбатдаги мавсуми  
Қорақалпоғистонда ўтказилади.

# КИМ ҲАҚУ, КИМ НОҲАҚ?

Хабарингиз бор, яқинда оммавий ахборот воситаларида Шўрчи тумани «Оққамар» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Абдурахмон Шапахатовнинг видеомурожаати эълон қилинди. Унда маҳалла раиси Чори Жўраев кам таъминланган оиланинг бир ойлик пулини ўзлаштириб юборгани таъкидланади. Шунингдек, мурожаатчи Абдурахмон Шапахатовнинг уйи ҳам жуда аянчли аҳволдалиги кўрсатилиб, оила икки йилдан бери электр ва табиий газсиз яшаётгани билдирилган.

Вазиятга оидинлик киритиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чори Жўраев, Шўрчи тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шерали Сафаров ва мурожаатни ўрганиб чиққан вилоят прокуратураси билан боғландик.


## Маҳалла раисини дейди?

— Бу оила маҳалламизда кам таъминланганлар рўйхатида туради, — дейди Чори Жўраев. — Чиндан ҳам уларнинг яшаш шароити оғир. Шуни ҳисобга олиб, «Темир дафтара»га киритилган. Табиийки, маҳалла томонидан нафақа ёки моддий ёрдамдан ташқари бошқа қўмақлар ҳам кўрсатиб келинади. Мурожаат бўйича фикримни айтсам, мени мутлақо асоссиз айблагпти. Ёрдам пулини қандай қилиб ўзлаштиришим мумкин? Бу ишни туман ва вилоят прокуратураси синчиклаб ўрганган. Қўйилган айб ўз исботини топмаган.

Яшаш уйи масаласида ҳам ноўрин талаб қўйган. Биринчидан, Абдурахмон Шапахатов онаси билан келишиб, ота уйдан ўзига тегишли қисмини олган. Аммо ерни сотиб, машина харид қилган. Кейинроқ машинани ҳам сотиб, пулини ишлаб юборган, ҳеч қандай шароитсиз адирликда ўзига уй қурган. Бу уй эса ўзбошимчалик билан, қонуний тарзда қурилган. Адирликда аҳоли яшамайди, шу сабабли электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви тармоғи тортилмаган.

## Мурожаатчи ноҳақми?

— Мурожаат туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи



ўринбосари А.Эргашев, туман газ вакили Э.Исаев, туман кадастр бўлими ходими О.Нурбобоев, «Оққамар» маҳалла раиси ўринбосари Ж.Жумақуловлардан иборат ишчи гуруҳи томонидан атрофлича ўрганилди, — дейди Шўрчи тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ш.Сафаров. — Маълум бўлишича, бу оилага пандемия даврида икки мартаба — дастлаб 1 млн. 500 минг, кейин 735 минг сўм нақд пул, икки мартаба ҳомийларни жалб қилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари берилган. Уч нафар вояга етмаган фарзандлари учун маҳалла томонидан 14 ёшгача нафақа пули тайинланган. 2019 йил декабрь ойдан белгиланган нафақа пули пандемия сабабли 2020 йил июнь ойдан яна олти ойга узайтирилган. Мурожаатчининг турмуш ўртоғи Гулчехра Акбаева ҳам жамоат ишларига жалб этилиб, май ойида 572449 сўм, июнь ойида 307365 сўм маош тўланган. Электр энергияси, газ муаммосини ҳал этиш мақсадида мутахассислар хонадон ҳужжатларини сўрашганда мурожаатчи ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмади. Маълум бўлишича, бу ерлар аслида туман захирасидаги ерлар бўлиб, уни Абдурахмон Намоз Мамадиевдан сотиб олган. Аммо ҳеч қандай олди-сотди ҳужжатлари расмийлаштирилмаган. Мурожаатчига 2021 йилда 88 нафар уй-жойга муҳтож кам таъминланганларга уй ажратилиши белгиланган бўлиб, у ҳам туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиши тушунтирилди.

## Ўрганиш қандай яқунланди?

Мурожаат бўйича Сурхондарё вилояти прокуратураси ҳам ўрганиш олиб борди. Куни кеча вилоят прокуратураси расмий баёнот берди. Ҳўш, чиндан ҳам, маҳалла раиси нафақа пулини ўзлаштирганмиди? — Аниқланишича, фуқаро А.Шапахатовнинг турмуш ўртоғи Г.Акбаеванинг номига «Оққамар» маҳалла фуқаролар йиғини кенга-

шининг қарорига асосан, 3 нафар фарзандлари моддий таъминоти учун 14 ёшгача болали оилаларга тайинланган нафақа тайинланиб, АТБ «Халқ банки» Шўрчи филиалидан пластик карточкаси очилган, — дейди вилоят прокурорининг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта ёрдамчиси Алишер Бобомуродов. — Ўрганиш давомида Г.Акбаеванинг айтишича, 2019 йил 28 декабрь куни маҳалла раиси Ч.Жўраев унинг яшаш уйига келиб, пластик картасини олиб кетган. Пластигида 352 минг сўм миқдорда пул маблағи бўлган. 2020 йил 6 январь куни Ч.Жўраевдан маҳалла биносида пластик картасини қайтариб олган. Маълум бўлишича, дастлаб 2019 йил 20 декабрда АТБ «Халқ банки» Шўрчи филиали томонидан Г.Акбаеванинг фарзандлари учун тайинланган 334 минг сўм миқдордаги пул маблағи пластик картасига ўтказиб берилган. 23 декабрда «Yuniko plyus» савдо терминали орқали 134 минг сўм, «Shurchi niluf» савдо терминали орқали 132 минг сўм ва 24 декабрда «Osiyo yangi usul» корхонаси терминали орқали 67 минг сўм, жами 333 минг сўм пул маблағлари сарфланган. Г.Акбаеванинг тушунтириш хатида баён қилинган 2019 йил 28 декабрдан 2020 йил 6 январь кунига қадар бўлган саналарда пластик картадан пул маблағлари сарфланмагани аниқланиб, унинг ушбу вазияти рад этилди.

## Раис маъмурий жазога тортилган

— Шунингдек, текшириш натижасига кўра, «Оққамар» маҳалласи томонидан 2019-2020 йилларда 2 та ҳолатда 2 млн. 80 минг сўм миқдордаги нафақа пуллари фуқароларга асоссиз равишда тўлаб берилгани аниқланиб, Ч.Жўраевдан ундирилган, — дейди Алишер Бобомуродов. — Маҳалла раиси томонидан тайинланган нафақа пуллари талон-торож қилганлиги қисман ўз тасдиғини топган.

Бироқ жиноят таркиби аниқланмагани сабабли мазкур ҳолат юзасидан 25 сентябрда МЖТКнинг 61-моддаси 1-қисми (оз миқдорда талон-торож қилиш) билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган. Иш Шўрчи тумани Маъмурий судида кўриб чиқилиб, Ч.Жўраевга нисбатан жарима жазоси тайинланган. Бундан ташқари, А.Шапахатовнинг оиласига пандемия даврида бир дона маиший газ баллони туман газ таъминоти корхонаси томонидан ажратиб берилган. Аниқланишича, фуқаро 2020 йил ёз ойларида «Оққамар» маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ ҳўжалиги харитасининг захира ер майдони ҳудудида ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб яшаб келган. Мазкур уй-жой давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасининг «Оғир ижтимоий вазиятга тулиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш талари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан, А.Шапахатовнинг оиласи туман ҳокимлигининг уй-жойга муҳтож оилалар рўйхатида киритилди.

## Хулоса

Маълумки, ҳуқуқий-демократик жамиятда барча адолат излаб, юқори ташкилотларга мурожаат этишга ҳақли. Маълум бўлганидек, юқоридаги мурожаатда ҳар икки томоннинг ҳам айби бор. Биринчидан, фуқаро билими ёки билмай маҳалла раисини ноҳақ айблаган. Маҳалла шунча эътибор ва ёрдам кўрсатса-да, барибир норози бўлишган. Гуё уларнинг онгида маҳалла оилани тўлиқ таъминлашга мажбурдек тасаввур пайдо бўлиб қолгандек. Иккинчи томондан маҳалла раиси, туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳам иш шу даражага етгунча эътиборсиз бўлишган. Мисол учун шу мурожаатдан кейин А.Шапахатов оиласи туман ҳокимлигининг уй-жойга муҳтожлар рўйхатига киритилди. Ваҳоланки, бу фуқаро неча йилдан бери шу тарзда яшашини маҳалла ҳам, ҳокимлик ҳам билган. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир мурожаат ўз вақтида қонун доирасида кўриб чиқилса, аҳолининг давлатга ва ҳукуматга ишончи ортиб боради.

## Пулли

## «TASHKENT CITY»

Ўтган ҳафтанинг шов-шувли, жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинган воқеаларидан бири — пойтахтимиз марказидаги замонавий архитектуранинг юксак ютуқларидан бири ҳисобланган «Tashkent city» мажмуаси ҳудудига кириш, бу ерда ташкиллаштирилган Янги йил байрами тадбирларини томоша қилиш учун ҳақ тўлаш тизимининг жорий этилгани бўлди. Мантиқан, бу — эндиликда пойтахтнинг қоқ марказига бориш учун ҳар бир шахс 10 минг сўмдан чипта харид қилиши керак, деганидир.


Янгилик халқимизнинг турли қатламлари томонидан кескин танқид остига олинди. Жамоатчилик «инновация»га «одамлар устидан қулиш», «йўқ жойдан пул ундириш», «текинхўрлик» каби номлар бериб улгурди. Бундан ташқари, кўпчилик 2019 йил сентябрда Тошкент шаҳар ҳоқими «Tashkent city» боғини томоша қилиш текин деб эълон қилганини эслади. Мавзу юзасидан билдирилаётган бошқа муносабатлар билан қизиқдик.

## Харажатларни кимдир қоплаши керак

Ҳозирда мажмуа маъмурияти белгиланган тўлов унчалик катта эмаслиги, ҳар қандай инсон бу суммани тўлаш имконига эга эканини айтиб, янгиликни оқлашга уриняпти. Боғдаги харажатларни қоплашга катта маблағ кетаётгани, тушадиган пулга турли байрам тадбирлари, кўнгилочар томошалар ташкил қилиниши режалаштирилгани билдирилди.

— Боғимиз ишга тушганига бир йил бўлди, шу вақт давомида кирувчилардан ҳеч қандай тўлов олинмаган, — дейди «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик маркази дирекцияси раҳбари Баҳром Ризаев. — Лекин биз ҳам бир ташкилотмиз. Бюджетдан пул олмаимиз. Ўзимизнинг харажатларимизни ўзимиз қоплашимиз керак. Ҳозирда ойига ўртача 900 млн. сўмлик харажатларимиз бор. Боғ ҳудудидаги тадбиркорлар бизга ижара пули тўлашади. Лекин бу харажатларимизнинг 30 фоизини қоплайди, холос. Харажатларимизни қоплаш, боғимизни ривожлантириш учун бизга маблағ керак. Байрам арафасида халқимизга чиройли томошалар ўтказишимиз керак. Бунга эса катта маблағ зарур бўлади. Шу сабабли байрам кунларида бу ерга киришни пулли қилдик. Шу пайтгача эса

## одамларни қизиқтира оладими?



инвесторлар тўлаган маблағлар эвазига дирекция ўз харажатларини қоплаб келганди.

Бу харажатлар нималардан иборат, десак, бу боғ ҳудудида меҳнат қилаётган ходимлар иш ҳақи, муסיқали фавворани доимий соз ҳолатда сақлаш, жорий таъмир харажатлари, электр энергияси, сув ва табиий газ учун тўловлар, мавжуд дарахт ва буталарни зараркундалардан сақлаш учун кимёвий ишлов бериш ва бошқа харажатлар эканини айтишди.

## Бунақа фонтаннинг нима кераги бор?

Масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳоқими Жаҳонгир Ортиқхўжаев ҳам деярли юқоридагидек жавоб қайтарди. Унинг фикрича, истироҳат боғларини сақлаб туришнинг бошқача чораси йўқ.

— Мисол учун, шунча дарахтлар экилган, шунча энергия кетади, бошқачасига билмайман, қандай амалга ошириш мумкин, — дейди Ж.Ортиқхўжаев. — Жумладан, мажмуа курилишининг ўзига анча харажат кетган. Буни сақлаб туришнинг ўзи қийин масала. Масалан, бир кунда ҳар битта фонтаннинг отилишига 1 миллион сўм кетади. Бунинг учун бюджетдан пул ажратилмайди. Чунки солиқ тўловчилар кирса-кирмаса, пул тўламайди-ку, тўғрими? Киргани тўласа, шунда адолатли бўлса керак. Яъни бюджет солиқ тўловчиларнинг ҳисобига шаклланади. Одамларда ҳақли равишда савол туғилади: «Умуман «Tashkent city»га кирмасам, нима учун мен тўлаётган солиқдан пул тўлаясизлар?», дейиши мумкин. Шунинг учун ўзини боққани тўғри бўлади, менимча.

## Туризм харажат талаб қилади

Масъуллардан ҳатто Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов ҳам янги тартибни кескин қоралашдан тийилмоқда. Ваҳоланки, бу каби «ташаббусларнинг» оммавий тус олиши ички туризмни ривожлантиришга таъсир ўтказиши мумкин.

— Чиндан ҳам, аввалига бу боғнинг бепул бўлиши ҳақида эълонлар бўлган эди, — дейди Азиз Абдуҳақимов. — Лекин бу — дирекциянинг қарори. Боғнинг кундалик сақлаш харажати, унинг ҳозирги чиройли ҳолатини ушлаб туриш учун харажатлар бўлиши мумкин. Тошкент шаҳридаги бошқа баъзи очик парklar, хусусий парklar ҳам пулли қилиб қўйилган. Қаерга борсангиз ҳам, туризм харажат талаб қилади. Тарихий жой, зиёратгоҳларга бориш, сувенирлар сотиб олишнинг ҳаммаси харажат. Бехаражат туризмнинг ўзи йўқ. Бу бутун дунёда мавжуд вазият. «Диснейленд»га кирмоқчи бўлганлар ҳам пул тўлаб киради. Лекин ҳозирги кунда «Tashkent city» ҳудуди аҳолини ўзига жуда жалб қилаётган эди. Чет элга боришга имқонияти бўлмаган вилоятлардаги аҳоли Тошкентга келиб, шундай кўнгилочар жойларда дам олишарди.

## «Ичанқалъа»га киришни ҳам пулли қилмоқчи бўлишган

Тўғриси, масала юзасидан муносабат билдирган бирор-бир расмий шахс ҳозирча жамоатчилик фикрини қўллаб-қувватлагани йўқ. Улар «Tashkent city» ҳудудига

## ДАРВОҚЕ...

Эндиликда мажмуага фақат 5 ёшгача бўлган болалар бепул қўйиладди, 5-12 ёшли болалар ва пенсионерлар учун чипта нархи 5 минг сўм, 12 ёшдан катталар учун 10 минг сўм, автомобиль билан кириш учун эса 20 минг сўм нарх белгиланган.

кириш пуллик бўлиши тарафдори бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, тўлов унча қиммат эмаслиги ҳам иддао қилиняпти. Аммо бу гап ҳам унчалар асосли эмас. Зеро, бу каби жойларга одатда одамлар оиласи билан 5-6 киши бўлиб бориши ҳаммага аён. Бу ҳолатда тўлов миқдори 50-60 минг сўмга етади.

— Очиги, мен «Tashkent city»ни шаҳримиздаги «Ичанқалъа» мажмуасига ўхшатаман, — дейди Хива шаҳри маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассиси Зулхумор Ибрагимова. — «Ичанқала», бу — қадимги «сити»дир. Бу ерда ҳам ўз даврининг йирик тадбиркорлари, уламолари, турли қатлам одамлари яшаган. Уларнинг авлодлари ҳозир ҳам яшайди. Турли хунармандчилик дуконлари бор. Ресторанлар фаолият юритади. Аммо тарихда ҳеч қачон «Ичанқалъа»га кириш тўлови бўлмаган. Бир неча йил илгари шундай уриниш қилинди. Турникетлар ўрнатилди, «ичкари аҳоли» учун махсус карточкалар тарқатилиб, бепул кириб-чиқиш ташкиллаштирилмоқчи эди. Аммо бу тажриба кутилган самарани бермади. Кўп ҳолларда келган сайёҳлар вазиятдан норозилигини билдириб, ҳатто мажмуага киришдан беш тортган пайтлари бўлди. Натижада бу тажриба тезда ниҳоясига етди. Ҳозирда мажмуанинг ичидаги музейларга кириш учунгина арзимас тўлов олинади.

Бизнингча ҳам, «Tashkent city» — янги Ўзбекистоннинг ўзига хос рамзларидан бири. Юртимиз янги даврга қадам қўйганининг ифодаси, ёриғи. Рамзлар билан ўйнашиш, улардан моддий манфаат учун фойдаланиш эса, юмшоқ қилиб айтганда, ҳеч қачон самара бермаган.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Ўзбекистон Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги мақбарасини таъмирлашда Афғонистонга кўмаклашади.

# «ТОҒ ШАРПАЛАРИ»

## Машғулоти

Армия қудрати фақат жанговар техникалар, қурол-яроғлар билан ўлчанмайди. Балки қўшинлар сафларида хизмат қилаётган интеллектуал салоҳияти юксак, маънавий олами бой, ватанпарвар ҳарбий хизматчилар билан белгиланади.

Ҳамкасбларимиз билан Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар марказига етиб келганимизда бу ерда ҳарбий хизматчилар қояларда, шунингдек, ҳаракатланиш қийин бўлган худудларда ўқув машғулотларни олиб бораётганига гувоҳ бўлдик.

Айтиш керакки, булутлари белида кезиб юрган баланд тоғ чўққиларида қишин-ёзин қизгин машқлар олиб борилади. Машғулот раҳбарларининг таъкидлашича, айниқса, ёнгингарчилик мавсумларида вазибаларни адо этиш бироз мураккаблашади. Бироқ ўз олдига аниқ мақсадлар қўйган, ватан ҳимояси йўлида куну тун сергак турган ўғлонлар барча қийинчиликларни мардонанвор енгиб, малакаларини мустаҳкамлаш баробарида тажрибаларини ҳам ошириб келмоқда.

— Маълумки, мамлакатимиз худудининг 30 фоизини тоғлар ва тоғолди кенгликлари ташкил этади, — дейди Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар маркази, тоғда ҳаракатланиш скель катта йўриқчиси, кичик сержант Хусниддин Бобоҷонов. — Шундай экан, тоғли шароитларда олиб бориладиган ҳар қандай жанговар ҳаракатларнинг муваффақияти кўпроқ шахсий таркибнинг жисмоний ва руҳий ҳолати, қолаверса, табиий қийинчиликларни енгиб ўтиш, юксак касбий тайёргарлик ҳамда экстремал шароитларни тўғри баҳолаётган олиш қобилиятига боғлиқдир. «Тоғ шарпаси» қишки ўқув курсининг асосий мақсади ҳам айнан ҳарбий хизматчиларнинг қийин шароитларда жанг олиб бориш усул ва услубларини қўллаш ва ўзлаштиришга қаратилмоқда.

Маълумки, тоғли худудларда ҳарбий хизматчилар турли тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Ана шундай кезларда йигитларнинг ўқув машғулотларида эгалланган билимлари, малакалари қўл келади. Машғулот иштирокчилари тоғнинг тик қоялари ва тоғ дараларида таранглаштирилган арқон ёрдамида ўтиш усуллари ва техникасини амалий жиҳатдан ўз-

лаштирар экан, машғулот раҳбари кичик сержант Хусниддин Бобоҷонов қайта-қайта тушунтиришдан, бажарилган вазибаларнинг мукамаллигини назорат қилишдан эринмайди. Чунки биргина хатолик юксакликда амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар сабаб қўтилмаган салбий оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Бу эса хушёр ва сергакликни, жамоада мустаҳкам жиқсликни таъминлашни талаб қилади. Шунингдек, курс тингловчилари ярадорга биринчи табиий ёрдам кўрсатиш, беморни эвакуация қилиш машқларида синовдан ўтди.

### Машғулотларда тобланган ирода

Мана бу ўқув жойда ҳарбий хизматчилар Табиий тоғ тўсиқлар йўлагидан ўтиш машқини бажармоқда. Йигитлар дастлаб тик қояга арқон ёрдамида чиқиб-тушади. Шундан сўнг улар ҳаракатда давом этиб, табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтиши лозим. 50 метрли тепаликка югурган ҳолда чиқиб, тушгач охириги тўсиқдан ўтгандан сўнг топшириқ бажарилган ҳисобланади. Юрт ўғлонларининг ҳаракатлари йўриқчилар томонидан назоратга олиниб, баҳоланади. Агарда йўл қўйилган хато ва камчиликлари бўлса, шу жойнинг ўзида ўрганиб чиқилиб, бартараф этилади. Бу каби машқларнинг олиб борилаётгани ҳаракатланиш қийин бўлган худудларда қўйилган топшириқларни тез ва аниқ бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

— Тоғда ҳаракатланиш жараёнида шахсий ва гуруҳ анжомларидан ўринли фойдаланиш, тик қояларга чиқиб-тушиш, тор кўприклардан ўтиш, қоядан-қояга арқонлар ёрдамида кўчиш, тоғ шароитида ярадорларни эвакуация қилиш амалиётларини кузатиш кишини ҳаяжонга солади, — дейди Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар маркази, тоғ тактикаси катта йўриқчиси, биринчи даражали сержант Нажимиддин Келдиёров. — Бу ўғлонлар дастлаб ёзги ўқув курсида тобланди. Назарий ва амалий билимларини оширди. Бугун эса қиш фаслининг ноқулай об-ҳаво шароитларида тоғли худудларда белгиланган мураккаб вазибаларни бажармоқда.

Тоғ тайёргарлигида энг мураккаб жараёнлардан бири, чўққи ва

(репортаж)



қояларга кўтарилишидир. Бунда, биринчи навбатда, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Курс давомида тингловчиларга қояларга кўтарилиш ва тушиш сир-ас-рорлари ҳам пухта ўргатилди.

«Тоғ ўғлонлари» денгиз сатҳидан 2300 метр баландликда белгиланган қуроллардан ўқотиш машғулотларини олиб борди. Бунда ватан ҳимоячилари пастдан телага, тепадан пастдаги нишонларни яқсон этиши керак. Кўзлари чақнаб турган йигитларга топшириқларни бажаришда об-ҳавонинг инжиқлигию табиатнинг қийинчиликлари ҳам тўсиқ бўла олмади.

### Қишки ўқувлар маҳоратни оширади

«Тоғ шарпаси» ўқув машғулотида мард ва жасур ўғлонларимиз қўйилган вазибаларни тўғри ва аниқ бажариб, юқори натижаларни қўлга киритяпти. Шундай қилиб, олиб бориладиган машқлар давомида курс иштирокчилари қўйилган барча топшириқларни адо этиш борасида етарлича салоҳиятга эга экани амалда исботини топди.

— Жанговар биродарлик — армия кучини таъминлайдиган омиллардан бири, — дейди «Тоғ шарпаси» қишки ўқув курси тингловчиси кичик сержант Нуриддин Худойбердиев. — Биз ўқув курси давомида эгаллаган билим ва кўникмаларимиз кейинги фаолиятимизда, тоғли худудларда берилган топшириқларни бажаришда қўл келади. Бугун етарлича тажриба орттирдик. Кўникмаларимиз янада ошди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлик имкониятларини синовдан ўтказиш мақсадида юрт ўғлонлари зиммасига шартли душман жойлашиб олган худудни аниқлаш, жангариларнинг ҳара-

катини бартараф этиш вазифаси юклатилди. Разведка қидирув ишларини олиб борган юрт ҳимоячилари ўзларининг матонатларини намоён этиб, об-ҳавонинг инжиқлигию табиатнинг қийинчиликларига мардонанвор жавоб қайтариб, қўйилган топшириқни адо этишди.

Ҳарбий хизматчиға фаолияти давомида таваккалчилик, хавфу хатар, ностандарт вазиятлар аксарият ҳолларда ҳамроҳ бўлади. Тоғ тайёргарлиги машғулотида эса бу каби мураккабликлар икки ҳисса ортади. Чўққилар, қоялар ва тик тушган адирликлардаги ҳаракатлар давомида Ватан ҳимоячилари яраланиши, жароҳат олиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам тоғда ҳаракатланадиган ҳарбий хизматчиларга табиий билимларни бошқалардан кўра пухта эгаллашлари лозим. Марказ тингловчилари машғулотлар давомида бу борадаги билим ва кўникмаларини ҳам оширдилар. Улар жанговар ва ўқув вазибаларини бажариш вақтида жароҳатланган ҳарбий хизматчиларга биринчи табиий ёрдам бериш усулларини ўзлаштиришди.

### Ватанга чексиз муҳаббат

Қоялар орасидамиз. Битта чўққиға туташган адирлик оппоқ қор билан қопланган бўлса, унинг шундоқ ёнидаги қуёш илтигадиган қоялар қуп-қуруқ. Бир манзарада икки фаслни кўриш мумкин. Қор қоплаган қоялару қуп-қуруқ адирликларда тобланган ҳарбий хизматчилар ҳар қандай вазиятда белгиланган вазифани бекамму кўст бажарадилар.

Дарҳақиқат, миллий армиямиз қалби ўз Ватанига чексиз муҳаббат билан тўлган, доимо изланиш ва ўрганишга интилаётган ўғлонлар билан бутланмоқда. Шу боис ҳам халқимиз, давлатимиз ана шундай мард ва жасур ўғлонлари борлигидан фахрланади, ўз ҳимоясини уларга ишониб топширади.

Мудофаа вазирлигининг Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти билан ҳамкорликда тайёрланди.

Сеулдан Тошкентга инсонпарварлик кўмаги юборилди.

Бу йил коронавирус пандемияси туфайли байрамларни кўпчилик тўпланган ҳолда тантанали нишонлашдан воз кечдик. Лекин кейинги пайтда карантин билан боғлиқ чекловлар енгиллашганиданми, энг юқори кайфият улашувчи байрам бўлган Янги йил базмлари, оммавий тадбирлар ўтказилиш керак, дея тахмин қилаётгандик.

Нихоят Республика махсус комиссиясининг қарори билан фуқароларга янги — 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш тавсия этилиб, вазирлик, давлат идора ва ташкилотларига корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқлангани вазиятга аниқлик киритди.

Аслини олганда, кўплаб давлатларда касаллик тарқалиши кучайгани боис, байрам тадбирларини ўтказиш бекор қилинди. Албатта, ҳозирги шароитда бу — тўғри қарор. Аммо ораимизда «Янги йил нима бўлади?» деб ташвиш чекувчилар кўплаб топилади. Ахир, ҳар йили кўтаринки тарзда нишонлаб ўрганиб қолган, бу гал ҳам айёмни интизорлик билан кутишаётганди. Тўғри, ҳўш, нима бўпти, шу ҳам арийдиган муаммоми, атрофда қанча камчиликлар тиқилиб ётибди, эътиборни уларга қаратиш керак, дейдиганлар ҳам йўқ эмасу, барибир биринчи тоифадаги торозининг посангисини босиб кетади.

Гап байрамда ҳам эмас, ҳар биримиз вазиятни тўғри англаб, соғлигимизга зарар етказмай, ўз навбатида, кайфиятни ҳам туширмай, Янги йилни кўтаринки руҳда, чиройли тарзда кутиб олсак, шунинг ўзи бас. Сабабки, оқибатини ўйлаб ўтирмасдан, кўнгилга келган ишни қилиб, эртага касалликка чалиниб ўтиришимиз ҳеч бир мантиққа сиймайди. Ушбу байрамнинг оммавийлик даражасини ҳисобга оладиган бўлсак, шугина хато касалликка қанчалик йўл очиб беришни тасаввур қилиш мушкул эмас. Шундай экан, Янги йилни нишонлашда қандай тартиб-қоидаларга риоя қилишимиз талаб этилади?

# ОММАВИЙ ЎТИРИШЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ, ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙМИЗ?



## Энг муҳими — тавсияларга риоя қилиш

— Мамлакатимизда карантин талабларининг бироз юмшатилиши, даволашни кўрсаткичларининг 97 фоизга етгани, бу — «биз коронавирусни енгдик» дегани эмас, албатта, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси Эъзозбек Ризаев. — Биз ҳозирча фақатгина бу кўрсаткичларни мўтадиллаштиришга муваффақ бўлдик, ҳолос. Эндликда касалликни тўлиқ енгилу учун огоҳликни йўқотмаслигимиз керак. Бу ишга ҳар биримиз масъулмиз. Юртимиз узра байрам кайфияти аллақачон тарала бошлади.

Байрам чиройли ва хурсандчилик билан ўтишини истаган ҳолда биз, шифокорлар Янги йил байрамини уйда, оила даврасида, ортиқча дабдабасиз ўтказишни маъқул деб биламиз. Ўша кунни меҳмонга бориш ёки меҳмон чақириш тавсия этилмайди. Шунинг учун ҳам Республика махсус комиссияси баёнотида вилоят, туман ва шаҳарлардаги байрам арчаларини очик осмон остида ўрнатиш тавсия этилди.

Байрам корпоратив ўтиришлари, тури хил дискотекалар саломатлигинизга жиддий путур етказиши мумкин. Айнакча, мактабгача таълим

ташкilotлари, мактаблар ҳамда олий ўқув юртларида турли байрам тадбирлари ва кечаларини ташкил этиш ёшлар саломатлигига жиддий хавф солади. Жумладан, ташки муҳитнинг ноқулай бўлиши (ўта совуқ ҳарорат ёки ўта иссиқ), кучли шовқин (музыка оҳанги 80 децибел ва ундан юқори бўлиши), ташки муҳитда кислород миқдорининг камайиши (ёпиқ павильон, тамаки тутуни, инсонлар сонининг кўп бўлиши) инсон иммун тизимининг зўриқишига олиб келади. Натижада касаллик юқтириб олиш ва касалланиш хавфи бир неча баробарга ортади.

Яна бир нарсага эътибор қаратиш керакки, байрам муносабати билан спиртли ичимликлар ичиш ҳолатлари кўп учрайди. Унутмаслик керакки, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини кўп истеъмол қилиш нишон аъзоларимиз — ўпка, жигар ва буйракнинг шикастланишига олиб келади. Бу ҳолат иммун тизимининг сусайиши ва касалликка чалиниши, шунингдек, касалликларнинг тез тарқалиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги дунёдаги эпидемия вазият ҳамон таҳликали бўлиб қолаётганини инобатга олиб, мутахасссларнинг тавсияларига амал қилиш ҳар биримиз учун муҳим эканини эслатиб ўтади. Бундай ҳолатларга йўл қўймастик ҳар биримизнинг ўз қўлимизда.

Асосийси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotининг тавсияларини ҳамда коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда жамоат жойларида никоьдан фойдаланишга жиддий аҳамият бериш лозим. Республика махсус комиссиясининг баёнотида кўзда тутилган Янги йил байрами тадбирларини ўтказиш бўйича тавсияларга амал қилиш ҳар биримизнинг соғлиғимиз учун ниҳоятда муҳимдир.

## Қаерда тадбир ўтказиш мумкин?

Маълумки, мактабгача таълим ташкilotлари, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабалар иштирокида ёпиқ биноларда турли байрам тадбирлари ва кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланди. Аммо бу Янги йил тадбирлари мутлақо ташкил этилмайди дегани эмас. Хусусан, «Президент арчаси» байрами фақат Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун ўтказилиши белгиланди. Бунда тарбияланувчиларнинг биргалликда бир масканда истикомат қилиши инобатга олинган.

Шу билан бирга, корпоративлардан тежаб қолинган маблағларни таълим, соғлиқни сақлаш, Меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилди. Байрам кайфиятини дўстлар, яқинлар билан баҳам қўришда эса меъёрга риоя қилиш лозим бўлади. Хусусан, юқоридаги чеклов ресторан, кафе ва бошқа умумий овқатланиш объектларида 30 кишидан ошмаган ҳамда санитария-гигиена ва карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда байрам тадбирларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

## Оила даврасида касалликка қарши бирлашамиз!

Умуман олганда, Янги йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказган маъқул деб топилмоқда. Буни рағбатлантириш маъносидан, жумладан, вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкilotлари ҳамда ҳўжалик бирлашмаларига байрамни оила аъзолари билан биргалликда кутиб олиши учун ходимларга зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўриш бўйича топшириқ берилди.

Тўғриси ҳам, Янги йил байрами, энг аввало, оилавий байрамдир. Шундай шуқуҳли дамларда энг яқин инсонларимиз билан бир даврада жам бўлиш қандай қувончли. Аслида ҳам ҳар доим шундай бўлади. Бу, бир томондан, оила аъзоларининг биргалликда байрам хурсандчилигини баҳам қўриши бўлса, мажозан олганда, касалликка қарши курашда бирлашишга ҳам ўхшайди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



ТДЮУ талабалари илк маротаба халқаро юридик фирмаларда стажировка ўтайди.

Интернет тармоқлари ва ундаги қулайликлар, кенг имкониятлардан фойдаланишга бўлган талаб пандемия даврида сезиларли даражада ортди. Бойси карантин сабабли асосий иш, ўқиш, ҳаттоки савдо ҳам интернет орқали амалга оширила бошланди. Айниқса, мактаб ва олий таълим тизимида онлайн дарсларнинг ташкил этилиши, ўқувчиларнинг билим олишдан узилиб қолмаслигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Бойси фарзандларимизнинг бугунги таълими эртанги порлоқ келажаги учун қўйиладиган пойдевор.



## УЧУН 10 ТА ХОНАДОН РОЗИЛИГИНИ ОЛИШ КЕРАКМИ?

Бироқ республиканинг барча ҳудудларида ҳам интернет керакли тезликда ишламаслиги, ҳатто айрим жойларда мутлақо фойдаланиб бўлмаслиги сабабли кўтлаб болалар дарсларни ўз вақтида бажара олмади. Ана шундай муаммолар туфайли халқимиз орасида интернетдаги тезликнинг пастлигидан норози бўлиш ҳолатлари кузатилади.

Мазкур муаммо ва камчиликларни ҳал этишда кўтлаб ота-оналар «WiFi» ўрнатишга ҳаракат қилишди. Бироқ бу ҳам яна бир муаммога айланди. Масалан, «WiFi» ўрнатиш учун камида 10 та хонадон биргаликда ариза бериши лозим, ундан кам бўлса ўрнатиб беришмас экан», деган гаплар бўлди. Ҳўш, фарзандининг онлайн ўқишига шароит яратиш истагида бўлган ота-оналар норозилиги қанчалик ўричли?

— **Оптик толали алоқа линияларини қуриш бугунги кунда долзарб мавзу бўлиб келмоқда,**

— дейди «Ўзбектелеком» АК бош директорининг Тижорат масалалари бўйича ўринбосари Алишер Зуфаров. — Айрим

ҳолатларда жойлардаги ходимларимиз томонидан «10 ёки 20 киши бўлсагина мазкур тармоқни қилиб берамиз, 1-2 хонадон учун бунни ўрнатиб бера олмаимиз», деган ҳолатлар бўлганини эшитдик. Бу гаплардан хабардоримиз, айнан шу масала бўйича «Ўзбектелеком»да йиғилиш ҳам ўтказдик. Бир қанча ходимларимизга чора ҳам кўрдик.

Абонент одам топиш ёки одам йиғиш мажбуриятини олмайди. Битта абонент бўлган тақдирда ҳам биз интернетдан фойдаланиш қулайлигини тақдим этамиз ва керакли қурилмани ўрнатиб берамиз. Бунинг учун компаниянинг расмий веб-сайтга онлайн ариза беришлари лозим. Ариза онлайн бўлганлиги бойс, уйдан туриб мурожаат қилишлари мумкин. Келиб тушган аризалар мутахассислар томонидан ўрганилади ва талаб қондирилади.

Мутасаддининг таъкидлашича, компания ходимлари маҳаллаларга бориб, аҳолининг талабини ўрганмоқда. Афсуски, 500-1000 хонадонга эга маҳаллаларда ҳам атиги 50 ёки 30 киши талабгор бўлмоқда. Қолганлар, дастлаб кузатувчи сифатида хоҳиш билдирмаяпти. Кам сонли бўлса ҳам аҳолига интернет тармоғи тақдим этилгач, бошқа фуқароларда ҳам қизиқиш уйғонмоқда.

### Тезкор интернетга бўлган талаб қачон қондирилади?

Бугун интернетга бўлган талаб катта ва ундан фойдаланиш истагидаги аҳоли мурожаатлари ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Баъзан фуқаролар оптик толали алоқа тизимига уланиш учун қилган мурожаатлари вақтида ҳал бўлмаётганидан норози. Яъни талабгор бор, аммо негадир талабни қондириш даражаси бироз суст. Бунинг сабаби нимада? Мазкур муаммо қандай ҳал этилади?

— Бундан икки йил олдин уйма-уй юриб мазкур қулайликдан фойдаланиш таклифини берардик, бироқ унга уланиш истагини билдирадиган фуқаролар кам эди, — дейди Алишер Зуфаров. — Бугун эса оптик толали алоқа линияларини қуришга бўлган эҳтиёж шу қадар юқори-ки, тан олиш керак, баъзан уни амалга оширишга улгурмай қолятимиз. Аммо имкон қадар аризалар ва мурожаатларни кўриб чиқиб, ҳал этишга ҳаракат

қилияпмиз. Бу ишда фақат «Ўзбектелеком» АК эмас, бошқа оператор ва провайдерлар ҳам мавжуд бўлиб, улар билан бевосита ҳамкорлик қилинмоқда. Биргаликда аҳолининг интернетга бўлган талабини қондиришга ҳаракат қилияпмиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бир вақтнинг ўзида барча ҳудудларни оптик толали алоқа линиялари билан таъминлашнинг имкони йўқ. Тўғри, марказий шаҳарларда муаммо камроқ, бироқ чекка ҳудудлар, қишлоқларда анча масалалар ечимини кутмоқда. Аммо республика бўйлаб мазкур муаммолар босқичма-босқич ҳал этилади.

### Янги йилга янада арзон хизматлар

Оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,1 фоизга арзонлаштирилди. Эндиликда хизмат 1 Мбит/с. учун 45 минг сўмни ташкил этмоқда. Келгуси йилда хизматлар бундан арзонлаштирилиши кўзланган. Албатта, мазкур ҳолат фойдаланувчиларга янада қулай ва арзонроқ хизмат кўрсатиш йўлида бир қадам. Бироқ бу фақат Тошкент шаҳри ёки марказий шаҳарлар билан чеклиниб қолмаслиги зарур.

— Оператор ва провайдерларга январь ойидан транспорт хизматини 2 баробарга арзонлаштиришга қарор қилинган, — дейди мутасадди. — Оптик толали алоқа линияларини қуриш бугунги кунда долзарб мавзу бўлиб келмоқда. Бундай алоқа линияларини қуришда

белгиланган режаларнинг барчаси амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда 55,6 минг километр алоқа линияларини ётқизиш режалаштирилган эди ва бу тўлиқ бажарилди. Аммо бу тўлиқ қамраб олиш учун етарли эмас. Аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва барча ҳудудларни қамраб олишда биз яна 200 минг километр узунликда линия қуришимиз керак. Бу бўйича режа ишлаб чиқилган бўлиб, 2021 йилда 80 минг километр, 2022 йилда эса 120 минг километр узунликда оптик толали линиялар қуриб, талабни тўлиқ қондиришга эришамиз.

Бугун фойдаланилаётган оптик толали линияларга барча абонентлар ҳали тўлиқ ўтказилгани йўқ. Бундан кейин соҳани ривожлантириш эмас, ўзимизда бор қурилмалардан унумли фойдаланган ҳолда абонентларга қулайлик яратишга ҳаракат қилинмоқда. Тезликни ошириш орқали сифат билан боғлиқ мурожаатларни камайитишга эришамиз.

### Хулоса ўрнида...

Интернет ҳар жабҳада пешқадамга айланаётгани бойс бу соҳада етарли билимга эга бўлган кадрларга эҳтиёж сезиларли даражада ортди. Мутасаддининг таъкидлашича, ҳар куни айнан кадрлар масаласи билан шуғулланаётган ходимлар мавжуд. Айнан бу борада ўқитиш, кадрларни тайёрлаш йилда ёки ойда бир марта эмас, мунтазам амалга оширилиши керакли ташкилот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган.

Нима бўлганда ҳам интернет ва ундаги кенг имкониятлардан фойдаланиш бугунги «глобал қишлоқ» шароитида катта аҳамиятга эга. Зеро, дунёнинг нариги четига ишни ҳам уйдан чиқмай туриб, онлайн ҳал қилиш мумкин. Биз фақат «амалга оширилаётган ишлар самара берса, аҳолининг интернет билан боғлиқ муаммолари ечим топса», деймиз.



Ноилахон АҲАДОВА  
«Mahalla»



Тошкент вилояти ҳокимига ер ажратишда қонунни бузгани учун хайфсан берилди.

# ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ МАҚСАДЛАР БИЛАН ҚАДАМ ҚЎЯМИЗ

**Б**угуннинг долзарб масалаларидан бири бу ишсизликдир. Ўтиб бораётган 2020 йил кўплаб синовлар билан ҳар биримизни тоблади. Муаммолар, амалга ошириб улгурилмаган ишлар кўпайди. Айниқса, аҳолининг турмуш шароити қийинлашди, камбағаллик даражаси ортди. Ана шундай оғир дамларда фуқаролар орасида ишсизлик ҳам кучайди ва бу ечими кечиктирилмас муаммолардан бири саналади.



**Файрат ДАМИНОВ,**  
Сергели тумани ҳоқими ўринбосари,  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Боиси ишсизлик камбағалликка олиб келувчи бош омил. Бунинг ортидан эса киноятлар сони ҳам ортиши мумкин. Шу сабабли биз бўлимимиз билан, аввало, фуқаролар бандлигини таъминлаш масаласига эътиборни кучайтирдик.

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли рўйхатини шакллантириш баробарида уларни касб-хунарга ўқита бошладик. Шу мақсадда турли тадбирлар ҳам ташкил этдик. Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари негиздаги Касб-хунарга ўқитиш бўлими ўз фаолиятини бошлагани муносабати билан туманимиздаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли касб-хунар ўқитишга жалб қилинди.

Фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди. Туман ҳокимлигида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш мақсадида ташкил этилган тадбир ана шулардан бири бўлиб, олдимишга қўйган мақсадларни амалга оширишда жуда самарали бўлди. Унда тумандаги 50 дан зиёд ишсиз фуқаролар билан учрашиб, ўзаро суҳбат ўтказилди. Жараёнда ҳар бир

фуқаро билан алоҳида-алоҳида суҳбат қилинган фуқароларнинг фикрини ўрганишда кўл келди. Уларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда ҳамкорликда бир тўхтама келиниб, қандай иш кўрилиши келишиб олинди. Шу тариқа аста-секин ишсизликни камайтириб бордик.

Умуман олганда, фуқароларга бирор ишни таклиф қилишдан олдин уларнинг илгариги меҳнат фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим. Шунингдек, турмуш шароити, касбий кўникма ва маълумоти, қайси соҳага қизиқиши ва қобилияти борлигини билиш ҳам муҳим. Ушбу маълумотлар орқали тумандаги корхона, ташкилот, муассаса, жамоат ташкилотлари, хусусий корхоналарда мавжуд бўлган вакант ўринларидан талабларига мосини топиб, иш ҳақида маълумотларни тақдим этиш, муаммони осон ечим топишида кўл келади.

## «Темир дафтар»дан тадбиркорлик сари

Ҳозирда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»ни юритиш билан бирга «Темир дафтар» ҳам юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида шакллантириб борилди. Тегишли ходимлар хонадонма-хонадон юриб, бирма-бир суҳбатлашиб, аҳолининг моддий ҳолатини ўрганиш орқали ушбу дафтарни

йўлга қўйишди. Бу осон ва тезда бажарилиб қолгани йўқ. Анча куч ва вақт сарфланди, машаққат билан кеча-кундуз меҳнат қилинди. Асосийси, қилинаётган ишлар самараси аста-секин юзага чиқа бошлади. Меҳнати оғир, меваси тотли ана шундай ишлар туманимизда ҳам кенг қўламда амалга оширилди.

Туманда «Темир дафтар»га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган фуқаролар, хотин-қизларни рўйхатдан чиқаришда тадбиркорликка йўл очиш фойда берди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур шароит яратиш, имтиёзли кредит ажратилишида кўмак бериш ҳамда касб-хунарга йўналтиришда мутахассислар ўз маслаҳати ва ёрдами аямади. Берилган тушунтиришлар, ташкил этилган ўқув-курсларида иштирок этганларга «Тадбиркор аёллар» уюшмаси томонидан сертификатлар тақдим этилди. Бундан ташқари Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида ташкил этилган ўқув-машғулотида ҳам туман хотин-қизларининг иштироки таъминланди. Марказда олиб борилган машғулотлар хотин-қизларни касбга йўналтиришга ва бу орқали улар бандлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

## Ўтган даврдаги ўрганишлар...

Туман ҳоқими, сектор раҳбарлари, прокурор, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари билан биргаликда жойларда ўрганишлар олиб борилди. Айниқса, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва давлат солиқ инспекцияси ходим-

ларининг иштироки маҳаллалар фаолиятини таҳлил қилиш билан бирга, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш, ўз вақтида ҳал қилиш имконини берди. Биргина «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ўрганишларни мисол қилсак, маҳалланинг иш фаолияти чуқур таҳлил этилганини кўриш мумкин. Қолаверса, ҳудуддаги бўш ётган ерлар, хонадонлар, кўчалар, атроф-муҳит ҳолати билан танишилди. Ушбу жойлардан мақсадли ва унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди. Тегишли кўрсатма ва топшириқларни амалга татбиқ этиш бошлаб юборилди.

Юртбошимиз фармонлари, қабул қилинаётган қарор ва қонунларнинг ижроси бўйича «Шукрона» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ўрганилди. Йиғинда ҳужжатлар билан ишлаш ҳолати кўриб чиқилди. «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги хонадонлар, кўчалар, ҳўжалик субъектларига қарашли бинолар, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнлари, коммунал соҳага оид мавзулар юзасидан амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилди. Очиғи, ана шундай ўрганишлар, ҳар бир маҳалла ходимини ишга масъулият билан ёндашишга ундаёттир. Улар амалга ошираётган ишлар эътибордан ҳам, назоратдан ҳам четда қолмаслигини кўрсатиб бермоқда.

## Ободлик саломатлиқни яхшилашдан бошланади

«Обод маҳалла» ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг хаёлига маҳалла ҳудудини, кўчаларни озода, кўркам кўриниши, хонадонларнинг орасалиғи келади. Аммо фуқароларнинг саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам дастурда белгиланган вазифалар сирасидан. Бўлимимиз йил мобайнида бу борада ҳам кўплаб ишлар қилди, тадбирлар ўтказди, профилактика ишлари кучайтирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, саломатлигини тиклаш лозим бўлган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Хуллас, бу йил қилинган ишлар кўп, камчиликлар йўқ эмас, аммо натижа кишини қувонтирадиган даражада. Биз 2020 йилни ана шундай хайрли, саховатли ишлар билан якунлаб, келгуси йилни янги куч-ғайрат билан бошлаш ниятидамиз. Қиладиган ишлар, олдимишга қўйган мақсадлар, зиммамиздаги вазифалар бисёр. Асосийси, халқимизга беминнат хизмат қилишдир.



Ўзбекистон Киото халқаро конвенциясига қўшилди.



**Т**ахтакўпир тумани — республикамизнинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Туман маркази Нукус шаҳридан 120 км. узоқда жойлашган. Шу боис аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, йўл, транспорт масалалари, коммунал хизмат кўрсатиш, тиббиёт ва таълим соҳаларига катта эътибор қаратиш талаб этилади. Қувонарлиси шундаки, кейинги йилларда олиб борилаётган янгиланишлар шаҳарлар билан бир қаторда, олис маҳалла ва овулларда ҳам бирдек ўз аксини кўрсатяпти. Хусусан, Тахтакўпир туманида ҳам бу борада салмоқли ишлар олиб борилмоқда.



# ИСЛОҲОТЛАР ЭПКИНИ ОЛИС ОВУЛЛАРДА ҲАМ СЕЗИЛИШИ КЕРАК



**Марат ШЕРБЕКОВ,**  
Тахтакўпир тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

## Мурожаатлар билан ишлаш тўғри йўлга қўйилганми?

Асосий вазифаларимиздан бири — аҳоли мурожаатларига эътибор қаратиш, уларнинг ижросини таъминлашдан иборат. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Қолаверса, муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал этилиши фуқаролар кўнглида эртанги кунга ишонччи янада мустаҳкамлайди. Шу боис мурожаатларнинг ижросини таъминлаш борасида тизим-

ли ишлар йўлга қўйилган.

Жумладан, жорий йил давомида Президент қабулхонаси орқали Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига 33 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 21 таси ижобий ҳал қилинди, 12 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Президентнинг тумандаги Халқ қабулхонаси орқали 9 та мурожаат келиб тушган, шундан 6 таси ижобий ҳал қилиниб 3 тасига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Бундан ташқари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига 144 та оғзаки мурожаат келиб тушди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди.

Доимий равишда тумандаги сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда барча маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказилиб, аҳоли мурожаатлари чуқур ўрганилиб, уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўриб келинмоқда.

## Хотин-қизлар муаммоси ҳал этиляптими?

Аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш мақсадида тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб боровчи 25 нафар лидер аёлнинг рўйхати шакллантирилди. Мақсадимиз — уларнинг ёрдамида оғир вазиятдаги, тушкун кайфиятда яшаётган хотин-қизларимизга ҳар жиҳатдан кўмак бериш эди. Шу мақсадда маҳаллалардаги муаммоли оилаларга уйма-уй кириш орқали ёрдам беришни белгилаб олдик. Ўрганиш натижасида 8 та нотинч оиллага фаоллар бириктирилди. Амалга оширилган профилактик ишлар натижасида уларнинг 6 таси нотинч оилалар рўйхатидан чиқарилди. Шунингдек, 53 нафар ногирон фарзанди бўлган аёлларга печь ва тикув машиналари бепул берилди.

Жорий йилда оғир

ижтимоий вазиятга тушиб қолган 21 нафар аёл рўйхатга олинди, улардан 1 нафарига реабилитация ускунаси (эшитиш мосламаси), хомийларни жалб қилган ҳолда 1 нафарининг фарзандини даволатиш учун 8 млн. 200 минг сўм ёрдам пули берилди. Шунингдек, 8 нафар аёлнинг бандлиги таъминланиб, 1 нафарига нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 30 млн. сўм кредит ажратилди. Қолаверса, 21 нафар аёлга 50 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Жорий йилда «Аёллар дафтари»га киритилган 172 нафар ишсиз хотин-қизнинг 164 нафари ишга жойлаштирилди. Тадбиркорликка ўқитилган 12 нафар аёлнинг 5 нафари 206 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, хунармандчилик, қандолат маҳсулотлари, тикувчилик йўналишлари бўйича ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан 10 нафар аёлга 223 млн. сўм кредит ажратилди.

## Бунёдкорлик ишлари қай аҳволда?

Туманимизда бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил давомида аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал этиш ва олдимизга қўйган йиллик режани бажариш мақсадида ижтимоий объектлар билан бир қаторда, Қараой овулида 6,1 млрд. сўмлик футбол стадиони, 3,1 млрд. сўмлик 90 ўринга мўлжалланган боғчанинг янги иморати қуриб битказилди. Бундан ташқари, туман марказида маданият маркази, тиббиёт бирлашмаси, 2-сонли мактабгача таълим муассасаси, 3- ва 6-умумтаълим мактаблари бинослари ва «Нукус — Чимбой — Тахтакўпир» автомагистраль йўлининг 5-114 км. оралигида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Ҳудудда «Обод қишлоқ» дастурига Тахтакўпир, Мулик, Даўқара овул фуқаролар йиғинлари киритилган эди. Ушбу режани амалга

ошириш учун 33,2 млрд. сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари амалга оширилди. Аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Мўлик овулида 2 км., Тахтакўпир овулида 4 км. масофага сув қувурлари тортилиб, сув муаммоси ижобий ҳал қилинди. Шунингдек, аҳоли мурожаатлари асосида Даўқара овулида 2 дона, Мулик овулида 2 дона, Тахтакўпир овулида 1 дона трансформаторни алмаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган 413 та оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан қайта таъмирланди. «Саховат ва кўмак» фондида 186,6 млн. сўмдан ортиқ пуллар келиб тушиб, улар аҳолининг кам таъминланган қатлами аҳолини яхшилашга сарфланди. Ҳомийлар томонидан 960 та кам таъминланган оиллага 240 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шу билан бирга, бу оилаларга кундалик озиқ-овқат ва чорва моллари, дори-дормонлар ва нақд пул кўринишида 2 млрд. 10 млн. сўм маблағ ажратилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

«Темир дафтар»га жами 960 та оила киритилган эди. Ҳозирда уларнинг 860 тасининг оилавий шароити яхшиланиб, «Темир дафтар» ҳисобидан чиқаришга эришилди. Ҳозирги кунда қолган 90 та оилани дафтардан чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил бошидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва фуқаролар йиғинлари томонидан 3 минг 16 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди. Шу каби ишларимиз натижасида одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишонччи янада ортиб, маҳалла тизими, умуман, юртимиздаги ўзгаришлардан мамнун эканини билдириляпти. Бу бизни қувонтириши баробарида зиммамиздаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Шу боис келгуси 2021 йилда бундан-да кўпроқ амалий ишларга қўл уришни ният қилганмиз.

## ДАРВОҚЕ...

Пандемия шароитида оғир аҳволда қолган 94 та оиланинг ҳар бирига биттадан қорамол, 21 оиллага 42 та кўй-эчки, 20 та оиллага 600 та парранда олиб берилди. 246 та оиллага 115,4 млн. сўм маблағ, 51 та оиллага 7,4 млн. сўмлик дори-дармон тарқатилди, 14 та оиллага 31,2 млн. сўмлик иссиқхона қуриб берилиб, 73 та оиланинг 7,7 млн. сўмлик коммунал тўловлари тўлаб берилди.

# МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ЙИГИНЛАР ИШТИРОКИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

**Я**қинда Юртбошимиз тизим фаолиятига тўхталиб, маҳалла бугун ислохотчига айланиши, энг куйи поғонадаги тизимни ҳақиқатда халқпарвар қилишимиз лозимлигини таъкидладилар. Жумладан, маҳалла раисларининг ойлигини кўриб чиқиш, бунда жиноятчилик бўлмаган маҳалла 2 баробар кўп ойлик олиши ҳақидаги хабар барча тизим ходимлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Чиндан ҳам, бугун маҳаллалар том маънода аҳолининг кўмакчисига айланмоқда. Буни туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.



**Зулфия САПАРОВА,**  
Тахياتош тумани ҳокими ўрин-  
босари, Маҳалла ва оилани қўл-  
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

## Оиладаги тотувлик жуда муҳим

Тахياتош туманида 13 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 74 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Замоनावий намунали оила мезонларини ҳаётта жорий этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада психологлар, ҳаётий тажрибага эга, намунали оила бекалари, нуруний онахонларни жалб қилган ҳолда турмуш қуриш оstonасида турган ёшлар билан «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» ишларини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни кенг тарғиб этиш мақсадида «Маҳалла — қадриятлар маскани» ҳафталиклари, «Маънавият — оиладан бошланади» мавзусида маърифий ойликлар ташкил қилиниб келинмоқда. Бунда намунали тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчамлаштириб ўтказиш юзасидан маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Ҳар бир маҳаллада Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари ташкил қилинган.

Маҳаллаларда судгача оилавий низоларнинг олдани олиш ишлари йўлга қўйилиб, шу кунгача ажралиш ёқасига келиб қолган 24 та оила яраштирилди. Низоли хонадонларга борилиб, нуро-

нийларимиз билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўша муҳитда вояга етаётган фарзандлар тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутлади. Чунки оиладаги ҳар қандай жанжал бола психологиясига таъсир этиб, баъзида бир умрга еттулик асоратлар қолдириши мумкин. Шу боис ҳар бир маҳаллада психологларнинг ишлаши, оилалар билан суҳбатлар олиб борилиши ташкил этилган.

## Иссиқхоналар даромад манбаига айланган

Жорий йилда пандемия ҳар бир соҳага ўз таъсирини ўтказгани боис ишсизлик кўпайди. Бу эса жуда кўп оилаларни анча иқтисодий тарафдан толиқтириб қўйди. Шу боис фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда жорий йилнинг 11 ойида бир қанча амалий ишлар қилинди.

Жумладан, 3 минг 903 нафар киши иш билан таъминланиб, тадбиркорликни бошламоқчи ва ўз ишини ривожлантирмоқчи бўлган 116 нафар фуқарога кредит маблағлари ажратилди. Аҳолининг томорқа ерларини самарали фойдаланиши учун 165 млн. сўмлик субсидия ажратилиб, 118 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ўзини ўзи банд қилиш орқали 118 нафар фуқаро ишли бўлди.

Туманимиз аҳолиси ер билан тиллашадиган халқ. Деҳқончилик ортидан ҳар қандай шароитда ҳам унумли фойдаланиб, даромад олиш ҳадисини олишган. Шу боис турли хил маҳсулотлар етиштириладиган замоनावий иссиқхоналар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бу эса аҳоли даромадини ошириш билан бирга, туман экспорт салоҳиятини ҳам юксалтирмоқда. Айни дамда туманда 30 гектар майдонда замоनावий типдаги иссиқхоналар ўз фаолиятини юритиб, халққа арзон ва сифатли

озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Мисол учун, яқинда «Азизбек Агро» МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 10,5 млрд. сўмлик иссиқхона қуриб битказилди. Жами уч гектар майдонда жойлашган иссиқхонада бугунги кунда 40 киши иш билан таъминланган ва юқори навли помидор экини экилмоқда. Бу эса аҳоли дастурхонини қилин-ёзин иссиқхона маҳсулотлари билан тўлдириши мумкин.

Шунингдек, иссиқхона маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, «Найман Агро» МЧЖ томонидан иссиқхонада етиштирилган 30 тонна маҳсулот Россия давлатига экспорт қилинди. Жорий йил туманда 1 млн. 825 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиниши белгиланган эди. Аммо шу кунгача 3 млн. 523 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, йиллик режа 193 фоизга бажарилди.

## Эҳтиёжманд оилаларга ёрдам берилади

Туманимизда сектор штаби аъзолари ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан ҳар бир маҳалла кесимида уйма-уй юриш йўлга қўйилган. Мавжуд маълумотларни ўрганиш асосида таъминолти манбаи бўлмаган ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган, боқувчисидан ажралган, оғир касаллиги бор, кўп болали, ижтимоий нафақаси реал эҳтиёжларини қопламайдиган ва ундан бошқа даромад манбаи бўлмаган оилалар ўрганилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аъзолари бўлган, бироқ ҳеч қаерда ишламайдиган, пандемия сабабли даромадидан вақтинча маҳрум бўлган, бошқа сабабларга кўра муҳтож бўлган жами 1 минг 777 та оила рўйхати маҳаллабай кесимида шакллантирилди ҳамда «Темир дафтар»га киритилди. Мазкур

эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий назорат кўрсатилиши ва бу жараённинг назорат қилинишини таъминлаш мақсадида уларга моддий ёрдам кўрсатиш истагини билдирган 108 нафар саховатпеша тадбиркорлар, 12 нафар хайрихоҳ шахс, 19 та идора (корхона, ташкилот)лар иштирокида асосда бириктирилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш ҳамда «Темир дафтар»дан чиқариш ишлари тизимли амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, жами 1 минг 509 нафар фуқаро (шундан 15 нафари оилавий тадбиркорлик, 1 нафари хунармандчилик, 869 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб этиш, 515 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали, 19 нафар инвестиция лойиҳалари доирасида, 90 нафари кишлоқ хўжалиги соҳасида) ишга жойлаштирилди ҳамда 850 та оилани «Темир дафтар»дан чиқаришга эришилди.

\*\*\*

Бир сўз билан айтганда, маҳалла — меҳр-оқибат, тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашару маъракатларни кўпчилиги билан бамасхалат ўтказиш, яхши ва ёмонда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат, анъаналарга бешик ҳисобланади. Халқимизни маҳалладан, маҳаллани эса халқимиздан айро тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис сўнгги йилларда маҳалла фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни халқчил ва одамларнинг яқин маслакдоши, дарди ва муаммоларига шерик бўладиган ноёб тузилмага айлантиришга катта эътибор берилмоқда. Биз эса бундай ишончли оқлаб, халққа тиргак ҳолда фаолият олиб боришни бош мақсад қилишимиз муҳимдир.

«Ахборот-кутубхона аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилди.

**У**йма-уй юриб, аҳоли муаммоларини аниқлаш, одамлар оғирини енгил қилиш давлат идоралари олдидаги асосий мақсад экани бот-бот айтилмоқда. Бу жараёнда аҳоли учун энг яқин ва уларнинг бор ташвишидан хабардор бўлиб турадиган маскан, бу — албатта, маҳалла идораси. Хўш, маҳаллалар одамлар ҳаётида бугун қанчалик ўрин тутмоқда? Уларнинг аҳоли билан иш олиб боришдаги фаолияти ўзгарадими?



# РАИС ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСА, ОДАМЛАР ЙЎЛИНИ ТОПИШГА ҚИЙНАЛМАЙДИ



**Рустамбек БОЙМИРЗАЕВ,**  
Булоқбоши тумани ҳокими ўрин-  
босари, Маҳалла ва оилани қўл-  
лаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

## Қанча иш ўрни яратилди?

Дарҳақиқат, 37 та фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган булоқбошлиқларнинг тақдири маҳаллаларга пайванд, одамларнинг ташвиши, қувончу шодлиғи маҳалла учун асло бегона эмас. Бугун маҳалла тизими кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Бандлик, тадбиркорлик, ёшлар, хотин-қизлар масаласи бўладими, ижтимоий ҳимоя, камбағалликни камайтириш, нурунийларни қўллаб-қувватлаш соҳаси бўладими, барчасида маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатмоқда.

Хусусан, биргина бандликни таъминлашда фуқаролар йиғинларининг роли ортиб бормоқда. Бу ҳақда сўз борганда, ўтган мuddат ичида туманда маҳаллалар ташаббуси билан 3 минг 884 нафардан зиёд аҳолининг бандлиғи таъминлангани, бу орқали шунча хонадонга ёруғлик киргани, шунча оиланинг рўзғори бут бўлгани, эртанги кунга ишончи орттганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу ўринда, энг аввало, аксарият ишсиз аҳоли бизнес фаолиятини йўлга қўйиш орқали нафақат ўзининг, балки ўнлаб маҳалладошларининг ҳам бандлигини таъминлаётгани эътиборга моликдир. Ўтган давр ичида туманда 757 нафардан зиёд фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани ҳам илғорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик ҳудуд аҳлига хос

фазилатлар сирасидан эканига исботдир. Биргина «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 470 нафар фуқарога 1 млрд. 880 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 757 та (шундан 382 таси камбағал оилалар учун) янги иш ўринлари яратилди.

Бу ўринда аёллар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, хотин-қизлар ишли бўлса, оилалар барқарор даромад манбаига эга бўлади. Шу боис уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 5 млрд. 850 млн. сўмлик маблағи 272 нафар тадбиркор ва тадбиркорлик ниятидаги хотин-қизларга етказиб берилди.

## Туман саноатлашган ҳудудга айланади

Бандлик ҳақида сўз кетганда, чекка ҳудудларда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, бир пайтлар қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Булоқбоши туманида янгидан-янги саноат корхоналарини бунёд этишга киришилган.

Жумладан, «Mundalin tex» МЧЖ ишлаб чиқариш жараёни учун туркиялик инвесторлар томонидан 2,2 млрд. сўм миқдоридagi инвестиция йўналтирилган. Лойиҳа амалга оширилгач, 100 нафар маҳаллий хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлади. Худди шундай, «Vcyuk Turon textile» МЧЖнинг ташкил топиши ҳам эҳтиёжманд оилалар бекалари учун айна мuddа бўлди. Боиси корхона ўз ишини бошлагач, тумандаги «темир дафтар»га киритилган 100 та хонадонда истиқомат қилувчи опа-сингилларимиз ўз даромад манбаига эга бўладилар. Яқинда «Қашқар» маҳалласида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхонадан ишга тушиши билан 200 нафар булоқбошлиқ хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Умуман олганда, келгусида Булоқбоши тумани ҳам саноати ривожланган ҳудудлардан бирига айланади. Бу ерда ишлаб чиқарилган сифатли ва бежирим кийим-кечаклар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорига эга бўлиши кутилмоқда.

## Томорқа — даромад манбаи

Булоқбоши туманида аҳоли зич жойлашган. Шу боис хонадонлардаги томорқа ер майдонларининг бир қаричи ҳам бўш турмайди. Шу боис мавжуд боғлар, тут қаторлар атрофидаги 657 гектар бўш экин ер майдонлари, ғалладан бўшаган 296 гектар майдон экин экишга имконияти бор ва меҳнатта лаёқатли оилаларга 20 сотихдан ажратиб берилди.

Камбағалликдан чиқиш учун кредит беришнинг ўзи камлик қилади. Буни давлатимиз яхши тушунади. Шу боис 120 нафар фуқарога енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун 596 млн. сўм миқдорида мақсадли субсидиялар ажратилди. 103 нафар камбағал фуқаро 1 та қишлоқ хўжалиғи кооперативига аъзоликка қабул қилиниб, кооператив устав фондига улуш сифатида кириш учун уларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 млрд. 500 млн. сўм маблағ ажратилди.

Айтиш керакки, ҳудудда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида 9 та маҳалла боғдорчилик, 21 та маҳалла қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириш, 7 та маҳалла чорвачилик йўналишига ихтисослаштирилган. Йил якунига қадар яна 2 та маҳалла боғдорчилик ва битта маҳалла қишлоқ хўжалиғи экинларига ихтисослаштирилиши режалаштирилган.

Булоқбошида саримсоқпиёз парваришlash учун шароит шаклланиб бормоқда. «Саримсоқпиёз етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси»нинг айнан шу туманда ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Айни пайтда ҳудудда 600 гектар майдонда саримсоқ-

пиёз экинни парваришланмоқда. Туманда маҳсулотларни гидропоника усулида етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Нектар агро" МЧЖда 2,5 гектар майдонда гидропоника усулида иссиқхона ташкил этилган бўлиб, 200 тонна помидор, 100 тонна бодринг етиштирилиши кутилмоқда. Маҳсулотнинг қарийб 75 фоизи кўшн давлатларга экспорт қилинади.

## Нечта йиғин ўз биносига эга бўлди?

Шу ўринда, маҳалла ходимларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тан олиш керак, бугун кўпгина маҳаллалар ўз биносига эга эмас, қайсидир давлат ташкилоти биноларида ижарада фаолият юритмоқда. Айни ҳолат атрофида ўрганилиб, манзилли дастурга кўра, 2020-2021 йилларда 19 та маҳалла биноларини қуриш ва таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Шу кунга қадар туман бўйича жами 4 та маҳалла биноси қуриб, фойдаланишга топширилди, 9 та маҳаллада қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 7 та маҳалла биноси жорий таъмирдан чиқарилди. Йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 37 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчаси компьютер жамланмаси билан таъминланган.


\*\*\*

Қайси ҳудудда иш тўғри ташкил этилган, ҳар бир фуқаро билан яқин ижтимоий ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлаш муҳити қарор топади. Нохуш ва кўнглисиз ҳолатларга йўл қўйилмайди. Булоқбоши маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад ҳам шу — одамлар ишончини оқлаш, халқ розилигига эришиш. Буни бугун ҳар бир маҳалла раиси тушуниб етган ва фаолиятида ҳаётнинг ана шундай қондасига амал қилмоқда.

**Хукумат қарори билан «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти» тасдиқланди.**

# ЁШЛАР ТАҚДИРИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**А**йни кунда туманда 18-30 ёшгача бўлган йигит-қиз сони 37 минг 699 нафарни ташкил қилаётган бўлса, улардан имконияти чекланганлар сони 54 нафарни, умумтаълим мактаблари битирувчилари сони 2 минг 624 нафарни, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар сони 127 нафарни ташкил қилмоқда. Афсуски, ҳудудда истиқомат қилаётган ёшлар орасида ўнлаб ишсизлари ва ҳатто, жазони ижро этиш муассасасидан қайтганлари бор. Демак, улар билан ишлаш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамиятга эга, албатта.



**Садрриддин РАҲМОНОВ,**  
Қоракўл тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Шу мақсадда тегишли ташкилотлар, жумладан, Ёшлар агентлиги, Бандликка кўмаклашиш маркази, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий тузилмалари билан ҳамкорликда даромадсиз қолган, ишсиз йигит-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган манзилли «Йўл хариталари» ишлаб чиқилмоқда.

Ҳудуддаги 17-умумтаълим мактаби битирувчиси Иззат Ибрагимов ҳам яхши ниятда бултур олий ўқув юртига ҳужжат топширган, аммо омади чопмаганлардан. Маҳалланинг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалари сафида бўлган бу хонадонда вояга етган Иззат туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тақлиф қилинган бир нечта иш ўрнидан бирини танлайдиган бўлди.

Худди шундай, Қоракўл қишлоғида яшовчи Ҳасан Жўраев умумтаълим мактабини битириб, ҳунар ўрганишни астойдил ният қилган. Ҳасан ва унинг оила аъзоларига Қоракўл касб-ҳунарга ўқитиш марказида ташкил этилган тўғараклар ҳақида тушунтириш берилиб, қизиқишлари бўйича касб-ҳунар ўрганишга йўлланма берилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги Қоракўл касб-ҳунарга ўқитиш марказида ишсиз фуқаролар учун меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 29 турдаги касб-ҳунар ва мутахассисликлар жорий этилган. Бу ерда олти ой ўқиб, амалий машғулот-

ларни ўзлаштириб, ҳунар эгаллайдиган ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг энг кам миқдорида стипендия тайинланган.

Шунингдек, янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Болалар учун кийим-кечак тикиб тайёрланаётган «Муҳаммадали текс» МЧЖда меҳнат қилаётган хотин-қиз сони 100 нафарга етказилган бўлиб, ички имкониятларни ошириш ҳисобидан улар сафини кенгайтириш чора-тадбири қўрилмоқда. Бу ҳам хатловга тушган, яъни ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг меҳнатга лаёқатли фарзандлари учун бир имконият.

## Кам таъминотли оилалар – доимий эътиборда

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Темир дафтар»га тушган оилаларнинг 975 тасига 1 миллиард 100 миллион сўмлик 13 турдаги маҳсулотлар тарқатилди. Шунингдек, кейинги уч ой мобайнида республика «Қишлоқ қурилиш Инвест» корхонаси томонидан 500 та оиланинг ҳар бирига 1 миллион сўмдан ажратилиб, 1,5 миллиард сўм маблағ уларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилди.

11 та ижтимоий ҳимояга муҳтож, яшаш шароити оғир бўлган хонадонларнинг яшаб турган уйлари бузилиб, ўрнида 500 миллион сўм маблағ эвазига янгидан уйлар қуриб беришга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, камбағал, боқувчисини йўқотган, уйсиз аёллар учун 50 та ижтимоий уй қурилаётган. Яқин орада фойдаланишга топшириладиган бу объектларни барпо этишга 3,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Бу эса давлатимизнинг кучли ижтимоий сиеъсатининг олий намунасидир.

Пандемия даврида иш ўринларини йўқотган кам таъминланган фуқароларни иш билан банд қилиш мақсадида 64 нафар фуқарога 3 сотихдан иссиқхона қуриб берилди. Шунингдек, 413 нафар фуқаронинг

ўз уйида иш билан шуғулланишига имконият яратилди. 119 та хонадон иссиқхонали бўлди.

– *Томорқа еридан самарали фойдаланиш учун иссиқхонам бўлишини орзу қилардим, – дейди «Оқ олтин» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Элмурод Ширинов.* – Аммо қўл калта эди. Туман ҳокимлигининг ёрдами билан масала ҳал бўлди. Хонадонимда бир сотихли иссиқхона қуриб берилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида яна қатор ишлар қилинди. Масалан, 100 та хонадонга 5 кўтидан асалари уяси, 50 та хонадонга тикувчилик машиналари, 14 та хонадонга қорамол олиб берилиб, улардаги фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

## Маҳалладаги барқарорлик таълим сифатига ҳам боғлиқ

Маҳалла ва таълим. Бу икки тушунча бир-бирдан айро эмас. Таълим босқичида ўрганилган илм кишининг келажақда касб, муайян иш эгасига айлантириши, бу орқали рўзғори бутлиги, моддий жиҳатдан ҳеч кимга қарам бўлмастлигини таъминлайди. Бу орқали маҳалланинг ижтимоий ҳимоя борасидаги ишлари енгиллашади.

Таълим жараёнидаги тўғри тарбия эса келгусида маҳалладаги барқарор маънавий муҳит кафолатидир. Шу боис ҳудудда сўнгги йилларда таълим сифати самарадорлигини оширишда маҳалла фаоллари ҳам жамоатчилик назорати орқали ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Бунинг натижасини эса биргина Қоракўл халқаро математика мактаби мисолида кўриш мумкин. Нафақат, туман ёки вилоят, балки бутун республикага машҳур, жаҳон таълимида ўз ўрнига эга бўлган бу илм масканида 420 нафар иқтидорли ўқувчи таҳсил олмақда. Юксак илму салоҳиятли, тажрибали муаллимларнинг таъаббускорлиги ва изланишлари натижаси ўқувчилар қўлга киритаётган муваффақият

марраларида ўз ифодасини кўрсатмоқда.

Бугунга қадар мактаб ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 4 та олтин, 7 та кумуш, 5 та бронза медалларини қўлга киритишган. 2 нафар ўқувчи Зулфия номидаги Давлат мукофоти, яна бир нафари «Мард ўғлон» Давлат мукофоти билан тақдирланган.

## Сифатли иш учун сифатли шароит керак


Бугун ўз ишини янги-чак таллаблар ва ёндашувлар асосида ташкил этаётган маҳалла тизими фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг моддий-техника базаси, соҳа ходимларига яратилган шарт-шароитлар даражасига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан барпо этилаётган «Маҳалла комплекслари» соҳа ходимлари учун эътибор ва ғамхўрликнинг олий намунаси бўлмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида туман бўйича 3 та маҳалла биноси намунавий талаблар асосида янгидан қурилиб, 4 таси реконструкция қилинди. 8 та фуқаролар йиғини биналари эса жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, ўтган йилда туман марказида янгидан барпо этилган «Маҳалла маркази» биноси давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимларига нисбатан эътиборининг ўзига хос намунаси бўлди.

Куни кеча эса замонавий лойиҳа асосида туман марказига туташ «Эскиқалъа» маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 768 та оила истиқомат қилаётган маҳалланинг янги биносида маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари учун алоҳида иш хоналари, мажлислар зали ҳозирлангани айтиш мумкин. Келгуси йилда эса туманимизда яна тўртта маҳалла биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**Аграр соҳадаги бизнес-стартап лойиҳалар бўйича инновацион ташкилотлар ташкил этилади.**

**Б**ухоро деганда, кўз ўнгимизга қадимий обидалари билан тилга тушган кўҳна шаҳар келади. Йил бўйи сайёҳлар оқими узилмайдиган вилоятнинг деярли барча маҳалларида ажодларимиздан бизга қадар етиб келган осори-атиқалар, моддий маданий мерос объектларини учратиш мумкин. Шаҳарликлар ўз туғилиб ўсган масканининг айнан шу жиҳати билан фахрланишга тўла маънода ҳақлидир.



# ТАРИХИЙ ШАҲАРНИ ТУРИЗМ РИВОЖЛАНТИРАДИ



**Ботир ИНОЯТОВ,**  
Бухоро шаҳар ҳоқими ўринбосари,  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Сўнгги 25 аср ичида Бухоро бешта хонлик ва битта республиканинг пойтахти бўлишга улгурган. Унга машҳур сайёҳ Марко Поло қойил қолган экан. Рубоийнавис шоир Умар Ҳайём завқланган. Буюк соҳибқирон Амир Темур эса унга «Бухорои шариф» унвонини берган. Қадимий шаҳарнинг барча меъморий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон инсоният мероси рўйхатида киритилган. 2020 йилда Бухоро расман Ислом маданияти маркази сифатида тан олинди.

## Маҳалла маркази янгиланмоқда

Шаҳар маҳалларини кезган киши ажодлар қадами теккан тупроқни кўзига тўтиёй айлагиси келади. Вилоят марказига ташриф буюрган сайёҳ зоти борки, маҳалла ободми, кўча саранжом-сарихтами, ҳудуднинг экологик муҳити қандайлигига эътибор қаратади. Меҳмонлар таассуроти ижобий бўлиши учун эса ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини биноси кўркам, замонавий кўнрақ бунёд этилиши, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига мос бўлиши керак.

Шаҳар ҳокимлиги кўрсатмасига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан барча маҳалла бинолари хатловдан ўтказилди. Шундан 22 таси намунали, 36 таси ўртача бўлиб, 7 таси таъмирталаб экани аён бўлди. Мактаб биноларида 18 та, коллежлар балансида 4 та, мактабгача таълим муассасаларида 3 та, нотузаржой биноларида 3 та маҳалла фуқаролар йиғини биносининг жойлашгани бу масалага

жиддий эътибор қаратиш зарурлигидан далолат беради. Шу боис биргина жорий йилда 7 та маҳалла биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла марказларини янгилаш жараёни 2022 йилда якунланади.

## Барча сайёҳлар учун қулайлик

Миср, Италия, Греция, Туркия каби кўп асрлик тарихий йўлни босиб ўтган давлатларда зиёрат туризми анча ривожланган. Мазкур қитъаларда туризм соҳасига жорий қилинган замонавий технологиялар Бухоро шаҳрига ҳам хос бўлиб бораётгани қувонардир.

Етти пир яшаб ўтган Бухоро зиёратгоҳларига борган киши яратилган қулайлик ва афзалликдан мамнун бўлмай иложи йўқ. Меҳмонлар жойлашиши мумкин бўлган 320 та маскандан 137 таси меҳмонхона, 156 таси оилавий меҳмон уйи, 27 таси ҳостел ҳисобланади. Жорий йилда 12 та меҳмонхона янгидан очилди. Фаолиятини 20 йилдан бери тўхтатиб қўйган «Зарафшон» меҳмонхонасининг ўз ишини тиклагани қувонардир.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 январда қабул қилинган «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шаҳримиздаги «Гавкушон» ансамбли, «Чашмаи Аюб» ва «Саид Банди Кушо» мавзолейлари, «Чор Минор» мажмуаси, Варахша керамикаси ва «Бухоро тарихи» кўрғазмаси, Сув таъминоти тарихи музейи, Имом ал-Бухорий мемориал музейи, вилоят мусиқали драма театри каби жами 8 та маданият объектида QR-code тизими жорий қилинди. Келиб-кетувчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланишини яхшилаш мақсадида шаҳримиз ва унинг атрофида жойлашган маҳалла ҳудудларига 669,2 км. оптик толали алоқа кабели ўрнатилгани жуда катта ўзгариш бўлди.

Меҳмонлар энг кўп айланадиган шаҳар кўчаларида 8 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 15 та Wi-Fi зонаси ташкил қилинди. Ара-

бон кўчасида 6 та йўл кўрсаткичи ўрнатилган бўлиб, 2 таси қадимий кўча руҳиятини беради. Шунингдек, Ҳақиқат кўчасида 2 та, Арабон кўчасида 1 та, М.Анбар кўчасида 2 та туризм ахборот маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ана шу зиёратгоҳ масканлар жойлашган маҳаллалар аҳолиси ҳам бу имкониятлардан баҳраманд бўляпти.

## Қайси маҳаллада туризмни ривожлантириш мумкин?

Сайёҳлик ривожланган жойда аҳолининг реал даромадлари ошади. Шаҳримизнинг мавжуд барча маҳалларида хорижлик ва маҳаллий сайёҳларни ўзига ром этадиган муҳит бор. Аммо уларни бир-бирига солиштирганимизда,

## Мавзуга оид маълумот:

**Вазирлар Маҳкамасининг «Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи 100 нафар кекса ва фахрий етти пир зиёратгоҳига юборилди.**

Жалол Икромий ва Туркий Жандий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари «Туризм маҳалласи» мақомига ҳар томонлама муносиб экани аёнлашади. Шаҳар ҳокимининг жорий йил бошида ижрога йўналтирилган 11 банддан иборат «Йўл харитаси»да ҳар ихтисос маҳалланинг 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйи бўлиши зарурлиги қайд этилган.

Бу уйда сайёҳ учун камида 5 та хизмат тури кўрсатилиши керак. Жорий йилда кенг тарқалган пандемия оқибатида белгиланган вазифалар охиригача адо этилмади. Аммо иккита маҳалладан ташқари, «Туризм қишлоғи», «Туризм овули» мақомига лойиқ топилган

жойларни янада кўпайтириб боришимиз керак.

Бундан ташқари, шаҳримизнинг катта майдонни ишғол этган бир талай кўчаларида ҳам сайёҳлар оқимини кўпайтириш мумкин. Ҳақиқат, Арабон, Мехтар Анбар ва Гавкушон кўчалари шаҳар Бош режасига киритилган бўлиб, паспорт лойиҳаси тайёрланди. Катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари адо этилгач, мазкур кўчалар инфратузилмаси кескин ўзгаради.

## Сайёҳликни хунармандчилик ҳам ривожлантиради

Чет эллик бўладими ёки ўз ватандошларимизми, зиёратга келса, Бухоро хунармандлари кўл маҳсулотига катта қизиқиш билан қарайдилар ва, албатта, совға харид қилишади. Меҳмонларга кўшимча хизмат кўрсатаётган савдо дўконлари ва хунармандчилик марказлари ҳамини гавжум. «Жўрабек карвонсаройи» маданий мерос объектида Бухоро миниатюра мактаби очилган.

Номоддий маданий меросни қайта тиклаш марказида «Устоз-шогирд» миниатюра санъати мактаби, Мағоки қасаначилик мажмуасида «Бухоро Найс Карпет» МЧЖнинг фаолият кўрсатиши шаҳар хунармандларининг сайёҳликни ривожлантиришга ҳисса қўшаётганидан далолат беради. Хунарманд Бахтиёр Кенжаев «Кулита» карвонсаройида тилам тўқиш цехини ишга туширди. Ушбу манзилларда бўлган сайёҳ хунармандларимиз иши билан танишибгина қолмай, турли кўрғазма заллари бўйлаб айланиши мумкин.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» деган шиор жуда мазмунли ва қулоққа хуш ёқади. Юртимизнинг олис-яқин жойларида бўлган киши бу ҳаётий шиорнинг нақадар ҳаққоний эканини эътироф этади. Ахир, саёҳатта чиққан кишининг тасавури қанчалар кенгайди? «Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал!» дейдилар. Бухорои шарифга ташриф буюринг ва маҳалларимизга кўрк, жозиба бағишлаб турган зиёратгоҳларини айланиб кетинг.

# ҲАЁТНИНГ ҚАЙНОҚ ЖАБҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТЯПМИЗ

**А**ҳолининг яхши ва ёмон кунларида елкадош бўлаётган маҳалла фуқаролар йиғинига бўлган эътибор ва ғамхўрлик кўлами кенгайди, ҳуқуқ ва манфаатлари ошди. Бу маҳалланинг оилалар кундалик ҳаёт тарзида ҳар жабҳасида фаол бўлган ишончли тузилмага айлантириш имкониятини берди. Маҳалла кириб бормаган хонадон, соҳа йўқ. Чунки ҳаётнинг қайноқ жабҳаси бевосита маҳалла ҳаёт тарзи билан боғлиқ. Яқунланиб бораётган йилда Бағдод тумани маҳаллаларида ҳам ўзига хос ишлар амалга оширилмоқда.



Бағдод тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи **Дилфузаҳон КАРИМОВА** билан тизимда амалга оширилган

ишлар, ютуқ ва муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз Президенти Хоразм вилоятига қилган ташрифи чоғида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай масала «маҳаллабай» асосида кўриб чиқилиши, маҳалла раиси ислохотчи бўлиши кераклиги ҳақида айтган тақдирлари бу ижтимоий тузилмага бўлган эътиборни янада оширди, янги имкониятлар яратди, — **дейди Дилфузаҳон Каримова.** — Кейинги йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, оғир турмуш шароитида яшаётганларни моддий, маънавий, психологик ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан «Аёллар дафтари»га киритилган 845 нафар эҳтиёманд хотин-қизларга ижтимоий кўмак бериш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, меҳнатга лаёқатлиларнинг 125 нафари жамоатчилик асосида, 22 нафари тадбиркорлик тармоғида, 160 нафари ўзини ўзи банд қилиш, 112 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ва 166 нафари бошқа йўналишларда ишга жойланди. Ҳозирги кунда хатлов асосида уйма-уй юриб, сўровнома орқали асосий мезонда 6 ой давомида даромад олмаган, эгаллигида кўчмас мулк ёки транспорт воситаси бўлмаган, муқаддам судланганлар ва пробация ҳисобида турувчи, гиёҳванд ва спиртли ичимликларга ружу қўйган, ноғиронлиги ёки ноғирон фарзанди бор аёллар, руҳий касаллар, боқувчиси йўқ ёки миграциядаги ва ёлғиз аёллар, узоқ муддат чет элда бўлиб қайтганлар, одам савдоси

қурбони бўлганлар, ажрашган ёки ажрим арафасидагилар, оилавий зўравонлик қурбони бўлган аёллар, суицид содир этишга ҳаракат қилган аёллар ва ИИО махсус ҳисобда турувчи аёллар тоифаси ўрганилиб, мавжуд муаммолар юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

— **Томорқа даромад, фаровонлик манбаи ҳисобланади. Бу борада маҳаллаларда қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Бугунги кунда туман деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ерлардан самарали фойдаланиш, уй шароитида парранда, чорва моллари парваришлашни кўпайтириш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш орқали томорқа ер эгаларининг даромад манбаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда 56 та маҳалла фуқаролар йиғини 38455 та хонадонлардаги томорқа ер эгалари ва 118 та деҳқон хўжаликлари қайта хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасига кўра, 1455 гектар тўқсонбости экинлари экилди. Бу кеч куз ва эрта баҳорда аҳоли дастурхони учун керакли бўлган сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш имкониятини беради. Шу кунгача иссиқхоналар қуриш, асаларчилик, паррандачилик тармоқларини ривожлантириш учун 465 млн. сўм банк кредитлари ажратилди. Натижада 51 та 4-5 қаватли янги уй-жойлар қурилиши бошланган. Туман марказидан бироз олис ҳудудда амалга оширилаётган янги лойиҳалар дашт ерларни

— **Бағдодда йўлдош шаҳарча қуриляптими?**

— Дарҳақиқат, шундай. «Муруват» маҳалла фуқаролар йиғинида Гулистон йўлдош шаҳарчаси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу ерда 15 та 4-5 қаватли янги уй-жойлар қурилиши бошланган. Туман марказидан бироз олис ҳудудда амалга оширилаётган янги лойиҳалар дашт ерларни

чинакам гулистонга айлантиради. Айни кунда мазкур уй-жойда яшаш истагида бўлган фуқаролар кундалик ҳаёт тарзи учун керакли бўлган йўл, сув, электр энергияси, табиий газ таъминоти билан боғлиқ бўлган инфратузилмалар етказиб берилди. Янги пайдо бўладиган мавзенинг ўзига хос жиҳати бор. Умумий майдони 14.3 гектар бўлган sanoat зонасида бугунги кунда 50 тадан ортиқ ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қисқа фурсатда бу ерда мебелсозлик, тикувчилик, тунукасозлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларида янги корхоналар қурилади. Бу яқин келажақда 1000 нафардан ортиқ янги иш ўринлари яратилади деганидир.

— **Маҳалла фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини яхшилаш борасида қандай ишлар қилинди?**

— Туманимиздаги 56 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 52 таси ўз хизмат биноси ва кадастр ҳужжатига эга. Шу кунга қадар «Амиробод», «Шуроқер», «Хитой», «Қўғоли», «Наврўз», «Чўл-Юнус» ва Каримбобо маҳаллалари биноси жорий, «Чексарой», «Ирғоли», «Бекобод» ва «Зафаробод» маҳаллалари биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Хизмат биноси кадастр қилинмаган «Обод юрт», «Мирзаобод», «Юксалиш» ва «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинларига бино қуриш учун ер майдони ажратилди. Айни кунда 5 та маҳалла фуқаролар йиғинларида давлат-хусусий шериклик асосида янги бино қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Асосий мақсад — нафақат йиғин фаоллари, балки аҳолига қулай шароит ва имкониятлар яратиш.

— **Аҳоли ўртасида оммавий спорт турларини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталсангиз.**

— Туманда оммавий спорт билан шуғулланувчиларни кўпайтириб бориш бўйича аниқ режалар


ишлаб чиқилган. Айни кунда туман марказидаги Бирдамлик кўчасида жойлашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида хотин-қизларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида замонавий спорт мажмуаси қурилиши бошланди. Бу ерда хотин-қизларнинг спорт машғулотларида чинқишлари, дам олиб саломатликларини тиклашлари билан боғлиқ шароитлар яратилади. Келгуси 5 йилда «Ўзбекистон» ва Муқимий номи маҳаллаларда узунлиги 3-5 км. бўлган «Саломатлик йўлакчари», «Хўжақишлоқ» ва «Намуна» маҳаллаларида велойўлакчалар барпо этилади. Бундан ташқари, 25 та маҳаллада волейбол, 30 та маҳаллада бадминтон, 30 та маҳаллада стритбол майдончалари, мавжуд 56 та маҳаллада «Workout» (кўча фитнеси) ташкил этилади. 2021 йил Инвестиция дастурига кўра, спорт мактабида сунъий қопламали мини футбол, баскетбол, волейбол майдонлари ҳамда югуриш йўлакчаларини барпо этиш режалаштирилган.

— **Ажралишлар сонини қаматириш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилди?**

— Ажралишларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш мақсадида шу кунга қадар туман ишчи гуруҳи томонидан 152 та оила яраштирилиб, ўзаро келишмовчиликлар бартараф этилди. Туманда 30 нафар фаол, педагог, хамшира, ҳуқуқбузарлик ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, улар хотин-қизлар ўртасида оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан бирга, оғир ижтимоий ҳимояга муҳтож 49 нафар фуқарога психологик, маънавий ва моддий кўмак беришди. Бундан ташқари, 36855 нафар туғиш ёшдаги хотин-қизларнинг 16658 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Албатта, бу бизда ҳамма ишлар рисоладагидек деган хулосани бермайди. Ҳали олдимизда қилиниши керак бўлган ишларимиз кўп.

Суҳбатдош:  
Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

**З**омин ўзининг бетакрор табиати, зилло сувлари, ўзига хос миллий таомлари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижий меҳмонларнинг ҳам меҳрини қозонмоқда. Бевосита Президентимизнинг мамлакатимизда халқаро ва ички туризмни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, фармон ва қарорлари натижасида Зомин ҳам туризмнинг барча турлари ривожланган ҳудудга, энг замонавий дам олиш масканларига эга мафтункор гўшага айланмоқда.



## ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК



**Бахтиёр ЖОНТУРСУНОВ,**  
Зомин тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Айниқса, зоминликларнинг меҳмондўстлиги, мардлиги шижоати, меҳр-оқибатига тан берасиз. Буларнинг барчаси – қадимий қадриятимиз бўлган маҳалла бағрида шаклланган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган эътибор янада кучайди. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш каби долзарб масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Зомин тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тумандаги 37 та фуқаролар йиғинининг

фаолиятини мувофиқлаштириб бориб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда. Маҳаллалар билан ишлаш тизимини энгиллаштириш мақсадида 4 сектордаги 37 та фуқаролар йиғинлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғининг ўринбосарларига минисектор сифатида бўлиб берилган. Бошлик ўринбосарлари ўзларига тегишли маҳаллаларнинг «иссиқ-совуғи»га тўлиқ масъулдирлар.

Маҳаллада жиноят, ҳуқуқбузарлик, оилавий ажримларнинг олдини олиш, кам таъминланган оилалар билан ишлаш, эҳтиёманд оилаларни камбағалликдан чиқариш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга бош-қош бўлаётир.

### Саховатпешалик халқимизга хос

Коронавирус пандемияси сабабли карантин даврида туманимиздаги маҳаллаларда фаолият кўрсатувчи 125 нафар ходимлар ҳам тиббиётчилардан, ички ишлар органи ходимларидан кам меҳнат қилишмади. Пандемия авжига чиққан, бир кунда юзлаб одамлар бу касалликка чалинаётган вақтда маҳалла раиси, унинг ўринбосарлари, жамоатчилар ҳар бир оила-

ни ўрганиб, у ердаги аҳвол билан яқиндан танишдилар ва зарур ҳолларда муаммоларни ҳал қилиш бўйича туман штабига маълумотлар бериб туришди.

Аҳолини карантин пайтида қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилда туманимиз аҳолисига саховатпеша инсонлар томонидан 1430 та оилаларга ўртача 268 миллион 710 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ҳар бир маҳалла кесимида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, бу масалада юзага келган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш туман бўлимиимизнинг марказий эътиборида бўлди. Бундан ташқари, тумандаги меҳр-саховатли инсонлар томонидан Сардоба туманидан келган фуқароларга 15 бош қорамол, 50 бош қўй сўйиб гўштлари тарқатилди. 30 миллион сўмга яқин нақд пул кўринишда маблағлар берилди. Туманимиздаги маҳалла ходимларининг карантин вақтидаги меҳнатлари унутилмади. Зомин туманидаги 64 та маҳалла раислари ва ўринбосарларига Президентимиз томонидан таъсис этилган «Саховат ва кўмак» кўкрак нишони топширилди.

### Томорқа — даромад манбаи


Туманимизда аҳоли хонадонларидаги томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишларини ташкил этиш учун ҳар бир секторда Ишчи гуруҳлари тузилган. Ишчи гуруҳлар томонидан 23967 та томорқа майдони бор аҳоли хонадонларида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўрганиш даврида томорқасидан қўнқарсиз фойдаланаётгани аниқланган 52 нафар фуқарога

огоҳлантириш хати берилди ва 52 та ночор оилалар аниқланиб, кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилди.

Туман аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бир вақтда «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойлига ихтисослашган маҳаллалар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, туманимиздаги Фаллакор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сурхонобод, Ҳулқар қишлоқлари, «Қўштол», «Тўрттом», «Мустақиллик», «Истиқлол», «Навоий» фуқаролар йиғинлари фикримизга мисол бўлади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, оилаларни камбағалликдан чиқариш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 8 та маҳаллада яшовчи 45 нафар ёшга доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан Шириш СИУ ҳудудидан 0,35 сотихдан ер майдони ажратиб берилди. Шуниингдек, доимий иш жойига эга бўлмаган, чет элларда ишлаб қайтган 805 та фуқаронинг рўйхатлари шакллантирилди ва уларга ҳам 1 гектардан ер майдони ажратиб берилди. Ана шундан кўриб чиқилмоқда. Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича кам таъминланган оилалардан 482 та иссиқхона қуриш учун тақлифлар тушган. Уларнинг ҳужжатлари туман тижорат банкларига тақдим этилди ва ҳозирги вақтда уларни расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз ташаббуси билан маҳалла тизимининг такомиллаштирилганлиги халқимиз фаровонлигига, юртимиз, маҳаллаларимиз, кўча ва хонадонларимизнинг обод бўлишига қаратилган қатта эътибори белгисидир. Биз ҳаммамиз бугунги кунда ҳамжиҳатликда меҳнат қилишимиз, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда адолат тамойилларига тўлиқ амал қилишимиз керак бўлади. Ана шундангина маҳалла ҳақиқатан ҳам, бағрикенглик масканига айланиб қолиши шубҳасиздир.



**Судья лавозимида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисобга олишда ўзгартиришлар киритилди.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛЯПМИЗМИ?



**Ё**рдамга муҳтож ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш амалиёти, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолиятни янада самарали йўлга қўйиш лозим. Шундагина аёллар ўртасида меҳнат миграцияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалар мустақамлигини таъминлашга эришамиз.

Хива шаҳри Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳам бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу ўринда кейинги йилларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар янги имкониятларни яратётганини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни тизимли ташкил қилиш мақсадида Хива шаҳрида алоҳида штаб ташкил этилган. Ишчи гуруҳ аъзолари туманда мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда ўринбосарлари иштирокида ўқув-семинари ўтказди. Унда маҳаллаларда ишчи гуруҳини шакллантириш тартиби ва унинг фаолияти қандай ташкиллаштирилиши лозимлиги юзасидан маълумотлар берилди.

## Бандлик — қўллаб муаммоларнинг олдини олади

Аҳолининг бандлигини таъминлаш асосий вазифалардан экани шубҳасиз. Зеро, оилалар, маҳаллаларнинг тинч-тотувлиги учун одамлар барқарор даромад манбаларига эга бўлиши керак. Таҳлиллар оилалардаги муаммолар, ажралиш, жиноятчилик, жанжалларнинг асосий қисмига айнан ишсизлик, бекорчилик сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Шу боис Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бу масалага алоҳида эътибор қаратган.

Жорий йил барчамиз учун оғир келгани, пандемия сабаб қўллаб қорхона-ташкilotлар вақтинча фаолиятини тўхтатиб турганига қарамай, шаҳримизда ўтган давр мобайнида 1 минг 627 нафар аёл бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг 638 нафари доимий, яъни мактаб, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар, ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритишяпти. Улар

Меҳнат кодекси, жамоа шартномаларида назарда тутилган барча имтиёزلардан самарали фойдаланмоқдалар.

Бундан ташқари, 95 нафар қизимиз касбга қайта ўқитилди. Қолганлари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ва тадбиркорликка жалб қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган 21 нафар хотин-қизга «Хотин-қизлар жамоат фонди» томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 51 та лойиҳа айнан хотин-қизлар томонидан амалга оширилиб, 120 та иш ўрни яратилишига эришилди.

## Хунармандчилик — бандликни таъминлашда муҳим соҳа

Маълумки, Хоразм, айниқса, Хива шаҳри муҳим сайёҳлик марказларидан биридир. Шу боис шаҳримизда хунармандчиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Айни ҳолат ҳисобга олиниб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими аёллар ўртасида тадбиркорликнинг мазкур йўналишини тарғиб қилишга катта аҳамият бериб келади.

Биз Хоразм минтақасига хос эсдалик совғалари, чўғирма, гиламлар, миллий аёллар либослари тикишга, шунингдек, пазандалик,

қандолатчилик соҳасини ривожлантиришга бел боғлаганмиз. Зеро, бу маҳсулотларнинг ҳамиша харидори топилади. Шаҳримизда 272 хунармандчилик субъекти фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг 175 нафари аёллардир. Кредитлар бериш ҳисобига уларнинг сони мунтазам ортиб бормоқда.

Мисол учун, жорий йилда 50 нафар аёлга имтиёзли кредитлар ажратилиб, хунармандчилик фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, бизнес-режалар таҳлили кредит маблағларига даъвогар бўлган аёлларнинг бевосита иштирокида ўтказилиб, эътироз ва таклифларнинг шаффофлиги таъминланмоқда.

## Аёллар жиноятга қўл урмаслиги керак

Аёл — нозик хилқат. Аслида жиноят ва аёл сўзларини бирга ишлатишнинг ўзи инсонда қандайдир салбий туйғуларни уйғотади. Аммо олиб борилаётган тарғибот ишлари, профилактик амалиётларга қарамай, ҳали-ҳануз турли сабабларга кўра жиноят содир этаётган хотин-қизларимиз учраб турибди. Жорий йил 12 нафар хотин-қиз профилактик ҳисобга олинди. Бу — ўтган йилга нисбатан икки баробар камдир.

Пандемия шароитида аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сони 7 тани ташкил қилди. Улар тегишли жазога тортилди. Бироқ бунда фақатгина шу аёлларнинг ўзларини айбдор, деб бўлмади. Барчамиз, кенг жамоатчилик, қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг

**Ботир ДАВЛЕТОВ,**  
Хива шаҳри ҳоқими  
ўринбосари, Маҳалла ва оилани  
қўллаб-қувватлаш бўлими  
бошлиғи.

эътиборсизлиги шундай оқибатни келтириб чиқарган. Келгусида мазкур ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса соҳада янада қатъий ҳаракатларни амалга оширишимиз лозим.

Шаҳримизда 156 та оила кам таъминланган оилалар рўйхати-га киритилган бўлиб, улардаги хотин-қизлар сони 615 нафарни ташкил қилади. 53 нафар хотин-қиз нотинч оилаларда яшаб келмоқда. Нотинч оилаларнинг барчаси ҳудуддаги обрў-эътиборли кексалар, нуронийларга бириктирилган. Улар оилаларнинг бутлигини сақлашга ўз насихатлари, пандлари билан кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, меҳнатга йўналтириш бўйича маҳалла раисларига маслаҳатлар бериб келишяпти.

Шу йўл билан ажралиш арафасига келиб қолган 63 та оиланинг бутлиги сақлаб қолинди. Аммо 60 та ҳолатда вазият тубдан издан чиққани, муросанинг имкони қолмагани боис оилаларни сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.

Шу билан бирга, 10 нафар хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшаб келмоқда. Улардан 2 нафарининг ногиронлиги бор, 3 нафари кам таъминланган. Ходимларимиз, маҳалла раислари уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туришди. Барча байрамларда моддий ёрдамлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади.

\*\*\*

Шубҳасиз, маҳалла аҳоли ва давлат ўртасидаги кўприк саналади. Биз аҳолини қийнаётган муаммолар, уларнинг дарду қувончлари ичидамиз. Буни керакли ташкilotлар, вазирликлар эътиборига ҳавола қилиш бевосита бурчимиздир. Шунингдек, давлат сиёсати, ислохотларнинг мақсади, танлаган йўлимиз қандай эканини ҳам яхши тушунамиз. Буни аҳолига тушунтириш юрт тараққиёти йўлида бирдамликни шакллантириш асосий вазифамиз бўлиши лозим. Мазкур масъулиятли вазифани шараф билан удалаймиз.



**Чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими жорий этилади.**



**К**изилкум бағрида жойлашган, Навоий вилоятининг энг олис ва чекка ҳудуди — Томди туманида 7 та овул фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, у ерда истиқомат қилувчи 14 минг 675 нафар аҳолининг ўзига хос ҳаёт тарзи мавжуд. Ёз жазира-масида куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган, қаҳратон қишда ён-атрофи муз қотадиган бу маконда ҳақиқий матонатли инсонлар яшайди, аслида. Киндик қони тўкилган бу тупроқни кўзга тўтиё билиб, ёзини ёз, қишини қиш демай яшашнинг ўзи ватанпарварликдан нишона.



## ЯНГИЛАНИШ ЭПКИНИ ТОМДИЛИКЛАР ҲАЁТИДА ҚАНДАЙ АКС ЭТЯПТИ?



**Амангелди ЖУЗГЕНОВ,**  
Томди тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари.

Овуллар ёнма-ён эмас, ҳар қаерда, тарқоқ жойлашган. Аҳолининг асосий тирикчилиги чорвадан, шу боис ҳар бир уй этагида кўй-кўзилар учун қурилган қўралар кўзга ташланади. Мухташам бинолар, хиёбону боғлар қайда? Аммо чўлда умргузаронлик қилаётган ҳалқнинг кўнгли ҳам далаю дашт каби кенг.

### Қумли барханлар ободликка юз тутди

Кейинги йилларда томдилликлар ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. «Обод қишлоқ» дастури асосида аҳоли учун муносиб турмуш шартини яратишга киришилгани йиллар давомида эътибордан четда қолган чўл ҳудудларини ҳам янгича қиёфага олиб келмоқда.

Жумладан, Утемурад овули вилоят марказидан 390 км, туман марказидан 143 км. узоқликда жойлашган бўлиб, овулдаги 217 та хонадонда 1 минг 660 нафар фуқаро истиқомат қилади. «Обод қишлоқ» дастури асосида овулдаги 110 та уй-жой таъмирланди, 1,6 км. йўлга асфальт ётқизилди, 20 км. масофага тортилган электр линияси назоратдан ўтказилиб, 5 та трансформатор таъмирланди. Мактаб, мактабгача таълим ташкилоти ҳамда қишлоқ врачлик пункти ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва овул фуқаролар йиғини биноси янгидан қуриб битказилди. Мухтасар айтганда, дастур асосида 7 миллиард сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилди.

Сукетти, Аяққудуқ ва Томдибулоқ овул фуқаролар йиғинлари ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Чўл шароитида яшаётган жумлар инсонлар турмуш даражаси юксалиб, ҳаёти янгича мазмун

касб этаётганидан мамнун. Президентимизнинг 2017 йил 25 апрелдаги «Навоий вилоятининг олис чўл туманларида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам бу борада муҳим дастуриламал бўляпти.

### Чўл аёли — жасорат ва садоқат тимсоли

Юртбошимизнинг йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқиб белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи аъзолари Томди туманида ҳам хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масалаларини чуқур ўрганишди. Таҳлилга мувофиқ тасдиқланган «Томди туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастури»да биз, маҳалла тизими ходимларининг ҳам йил давомида амалга ошириши лозим бўлган вазифалари белгилаб берилди.

Дастурга мувофиқ, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ва оиладаги ролини ошириш мақсадида 18 нафар лидер аёл рўйхати шакллантирилди. Улар оддий аҳоли вакиллари орасида бўлиб, ўз назарий билим, амалий кўникма, ҳаётий тажрибасини давра суҳбати, очиқ мулоқот ва учрашув орқали тингловчига улашмоқда. Оғир шароитда яшаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ва қарамоғида бемори бўлган хотин-қизларни аниқлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи аъзолари овулларга боришяпти. Хонадон-хонадон кирилиб, чўл шароитида яшаётган хотин-қизлар билан нафақат юзма-юз мулоқот ўтказил-япти, балки улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, 3 нафар аёлга соғлигини тиклаши учун 12 миллион сўм маблағ ажратилди. Кам таъминланган, доимий даромади

бўлмаган, коммунал тўловдан қарздорлиги бор 10 нафар хотин-қизга ёрдам кўрсатилди. Ишсиз, кам таъминланган ва ногирон фарзанди бўлган 15 нафар аёл уй шароитида меҳнат қилиб, даромад топиши учун тикув дастгоҳи, электропеч билан таъминланди.

Уйма-уй юриш одамларнинг яшаш тарзи билан танишиш имкониятини яратади. Туман бўйича жами 25 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қиз аниқланиб, овул фуқаролар йиғини ва секторлар кесимида уларнинг рўйхати шакллантирилди. Шундан 10 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига, 3 нафари норасмий банд-

этишди. Гарчи COVID 19 инфекцияси чўл аҳолиси ҳаётига катта хавф солмаган бўлса-да, карантин чекловлари туфайли юзага келган айрим қийинчиликлар уларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти.

Кенг далалар қўйнида бир-бирига енг-ёқа бўлиб яшаб келган, «Уйда қолинг!» талаби кучайган пайтда анчайин зериккан аҳоли ўзи яшаётган ҳудудни обод қилишга астойдил киришди. Бу хайрли саъй-ҳаракатлар натижаси «Намунали овул», «Намунали кўча», «Намунали хонадон» кўрик-танловларда аниқланиб, ғолиб ва фаол иштирокчилар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

### Мавзуга оид маълумот:

**Томдиллик 3 нафар фуқарога «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида ажратилган кредит маблағи эвазига 7 та янги оилавий корхона ташкил этилиб, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга асос солинди.**

лик асосида ишга жалб этилди. 4 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизга реабилитация воситалари — 2 та махсус аравача, 1 та эшитиш мосламаси, 1 та ҳасса олиб берилди. 7 нафар аёлга эса турмуш шартини яхшилаши ва фарзандини даволатиши учун 14 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

### «Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!»

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ҳаракатлар режаси асосида жорий йилнинг июнь-август ойларида юртимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб мазкур шиор остида ташкил этилган хонадон, кўча ва маҳаллаларни обод қилишдек хайрли ташаббусда томдилликлар ҳам фаол иштирок

### «Маърифат қарвони» ташкил этилди

Карантин чекловлари кучайган пайтда вилоят ҳокимлиги, маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлими томонидан Томди овуллари бўйлаб «Маърифат қарвони» ташкил этилди. Китобхон оилалар ҳам бисёр экан. Китобсевар ёшларнинг мутолаага чанқоқлиги-чи? Бадиий китоблар жамланмаси тарқатилганда, уларнинг юз-кўзи чақнаб кетди, гўёки. Тан олиш керак, чўл шароитида ўқувчилар онлайн ўқий олмайди. У ёқларга интернет етиб боргунча, эҳ-хе, ҳали анча йиллар керак. Оилаларни фақат китоб тарқатибгина, ёшларни мутолаага ундабгина илм-маърифатли қилиш мумкин.

Янги Ўзбекистон барпо этилмоқда. Аслида дунёни, ҳаётни, юртни янгилаш учун инсоннинг дунёқараши ўзгариши, маънавияти бойиши лозим. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, маънавият энг қудратли ва таъсирчан қуролимиз бўлиб қолиши керак. Халқи, эли маънавиятли юрт, албатта, тараққий этади. Томди аҳолиси худди шундай хислатлар соҳибидир, ишонаверинг.

**«Mahalla» мухбири  
Холбиби САФАРОВА ёзиб олди.**

**У**зга юртларда оиладан кейин тўғридан-тўғри жамият бошланса, бизда эса орада бир қудратли тузилма бор. Уни, агар таъбир жоиз бўлса, йирик бир оила, дейиш мумкин.

Англаганингиздек, бу, қувончимиз ҳам, ташвишимиз ҳам ўртада бўладиган маҳалламиз. Тўрақўрғон туманида 68 та маҳалла бор. Кейинги йилларда обод бўлаётган ҳудудлар, фаровонлиги ортаётган оилаларни кўриб, шукроналик билдирасан киши.



## МАҚСАД —

# АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ

### Сувсизлик муаммоси ҳал этилди

Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразақов туманимизга ташрифи чоғида қатор маҳаллаларда бўлиб, фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мавзусидаги муурожаатларини тинглади. Қувонарлиси, муурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши учун давлат бюджетидан маблағ ажратилди. Жумладан, секторлар ҳудудидаги бир неча маҳаллага сув тармоғи тортиш учун давлат хазинасидан 1 миллиард 333 миллион сўм сарфланди. Ана шундай имкониятга эга бўлган Сирожиддин Кўзиёв раислигидаги «Куймозор» маҳалласи одамлари вилоят раҳбарининг қўллаб-қувватловидан қувонишди.

547 хонадонли «Порлоқ» маҳалласи аҳли ҳам неча йилдири, ичимлик суви муаммосидан қийналарди. Яқинда маҳаллага ҳашар йўли билан ичимлик сув тармоғи тортилди. Пировардида, Косонсой, Хуррият, Гулшан кўчаларидаги 189 та хонадон қаторида маҳалла болалари таълим оладиган 56-мактаб ҳам сув билан таъминланди. Айни кунда Мустақиллик кўчасига сув келтириш ишлари давом этмоқда.

Эътиборлиси, «Порлоқ»даги хайрли ишлар шугина эмас. Саховатли инсонлар Нигора Нур-

қулова, Баҳодир Раззоқов, Саёҳат Абдумажидовалар яшайдиган кўчалари шағалланишига ҳомилик қилишди. Тадбиркор Содикжон Йўлдошев эса ўз ҳисобидан маҳалла идораси қуряпти.

### Хайрли ташаббус

Халима Абдурахмонова раислигидаги «Ёртепа» маҳалласида ҳам ҳашар йўли билан 5 километрга ичимлик сув тармоғи тортилди. Хайрли ишни бошлаган тадбиркор Жавлонбек Жўраев ўзи яшайдиган кўчага ўз маблағидан сув қувури тортиб берди. Ўртача 300 мингдан, жами 32 миллион сўм маблағини шу ишга сарфлаган ёртепаликлар 800 хонадонга тоза сув етиб борганидан мамнун. Баҳор фаслида маҳалланинг солиқ мактаб биносини нурунийлар хонаси, кутубхона, ўқув марказига айлантириш ҳам ёртепаликлар аҳилилиги тўғриси бўлди.

Ички имкониятларидан фойдаланиб, «Кужрон» маҳалласининг Ўзбекистон, Пахтакор, Мустақиллик, Гулзор кўчаларидаги 428 та хонадонга тоза ичимлик суви етиб борди. Тез кунларда охириги кўчадаги ишлар ҳам якунланади.

Шундай хайрли ишлар туман ҳокимлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Ўз биносига эга бўлмаган 17 та маҳалла фуқаролар йиғини учун давлат-шерикчилик

асосида замонавий биналар қуриб берилмоқда. Ҳозиргача уларнинг 6 таси фойдаланишга топширилди. «Кумидон», «Порлоқ» маҳалласи гузарларида энди тадбирлар ўтказишга мажмуа, кутубхона, ёшларнинг 5 ташаббус бўйича шугулланишлари учун тўғарақларга шароит бор.

### Сарҳисобдаги натижалари қувонарли

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида туман ҳокими Зулхайо Маҳкамова халққа муурожаатномасида шуларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Маҳаллий бюджетимизнинг орттириб бажарилган қисмидан ички йўллар, электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти ҳамда аҳолини қийнаб келаётган бошқа масалалар учун секторларга жами 149,1 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ушбу таъминоти эъзига бугунги кунгача 11,3 км. йўлларда 1,2 млрд. сўмлик асфальт қоплама ишлари ҳамда 30,2 км. йўлларда 1,4 млрд. сўмлик шағаллаш ишлари бажарилди.

Аҳолининг электр таъминотини яхшилаш мақсадида 41 та трансформатор пунктлари ҳамда 72,9 км. электр тармоқлари 430 млн. сўм маблағ эъзига мукамал таъминланди. Бу бажарилган ишлар ўтган йилгига нисбатан 2 баробар кўпроқни ташкил қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2 та сув иншооти ўрнатилиб, 1,345 млрд. сўм сарфланиши ҳисобига 22 км. сув тармоқлари тортилгани ичимлик суви етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни кескин камайтирди.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида эса 72 та хонадонлардан иборат 3 та кўп қаватли тураржой биналари қуриб битказилди. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 70 та субсидия ажратиб берилди.

Жорий йил давомида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 2228 нафар миждозга 42 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига 2850 та янги иш ўринлари яратилди. Ишсизлар-

**Ҳаётхон МАҲМУДОВА,**  
Тўрақўрғон тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари.

ни тадбиркорликка жалб қилиш, меҳнат фаоллигини ошириш учун 7 та маҳаллаларда ўқув масканлари ташкиллаштирилиб, 280,0 млн. сўмлик 70 дона тикув машиналари билан жиҳозланди.

### Эҳтиёжманд оилалар — эътиборда

Туман бўйича 1823 та эҳтиёжманд оиладаги 2269 нафар меҳнатга лаёқатли ишсизлар «темир дафттар» рўйхатига олинган эди. Ҳозирда уларнинг 91 фоизи халқ депутатлари туман Кенгаши қарори асосида рўйхатдан чиқарилди. Бугунги кунгача 1823 та оиладаги 2269 нафар фуқаро 100 фоиз ишга жойлаштирилди. Шунингдек, «темир дафттар»даги оилаларга 2,3 млрд. сўмлик моддий ёрдам пуллари ва зарур маҳсулотлар тарқатилди. Жумладан, «Саховат ва кўмак» хайрия ҳаракати доирасида 191 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд, ногирон ва кекса ёшдаги аҳоли вакиллари қўллаб-қувватлаш мақсадида 802 оилага 802 млн. сўм, 976 та оиланинг 3919 нафар аъзосига 862 млн. сўм, 616 та оиланинг 1252 нафар 16 ёшга тўлмаган фарзандларига 626 млн. сўм бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди.

«Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган 993 нафар ишсиз аёлларнинг 100 нафари тикувчиликка, 483 нафари тадбиркорликка, 104 нафари оилавий тадбиркорликка жалб этилади, 162 нафарини эса касб-хунарга ўқитиш йўли билан ижтимоий қўллаб-қувватлаш белгилаб олинди.

2021 йилда юқоридаги эзгу ҳаракатларнинг кўлами янада кенгайди. ижобий натижалар салмоғи ортади. Энг муҳими, аҳолининг ўзи турмуш даражасини яхшилашга интилиб яшамоқда.



**Одил Аҳмедов ЎЗМУДА ўз футбол академиясини очди.**

# ТАДБИРКОРЛИК КАЙФИЯТИ БОР ЖОЙДА КАМБАҒАЛЛИК БЎЛМАЙДИ

**П**резидентимизнинг Олий Мажлиси йўллаган Мурожаатномасида илк бор мамлакатда камбағал қатлам борлиги ҳақида сўз очиб, унга қандай барҳам бериш мумкинлиги бўйича зарур таклифларни ўртага ташланганди.



**Шавкат БЕКМУРЗАЕВ,**  
Қамаши тумани ҳоқими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Туманимизда «темир дафтар»га киритилган оилалар 4873 тани ташкил қилади. Улардан 4419 таси меҳнатта лаёқатли ишсиз фуқаролардир. Бу фуқароларимизнинг турмуш тарзи, яшаш шароити ва оилавий бюджетини яхшилаш мақсадида жорий йилда 1360 та иссиқхона қуриб берилди.

Ҳозирга қадар бандлиги таъминланган, даромад манбаи яратилган сабабли халқ депутатлари Кенгашлари қарори ва фуқароларнинг шахсий мурожаатига асосан, туман бўйича 2 мингдан зиёд оила «темир дафтар»дан чиқарилди.

## Бунга қандай эришилди?

Биргина «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини мисолида оладиган бўлсак, маҳаллада 363 та хонадонда 3705 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳалладаги 59 та оила «темир дафтар»га киритилганди. Халқимизда «Қўлдан берганга қўш тўймайди» деган нақл бор. Шу боис камбағал, кам таъминланган оилага пул эмас, балки пул топиш имкониятини яратиб беришга ҳаракат қилдик. 15 та оиланинг шахсий томорқаларида субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. 20 та оилага имтиёзли кредит эвазига, 10 та оилага 1 миллион сўмдан моддий ёрдам берилиб, кооператив асосида фермер хўжаликларига бириктирилди. Қолган оила вакиллари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, барчаси «темир дафтар»дан чиқарилди.

Шунингдек, «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида «Соҳибкор» маҳалла фуқароларига имтиёзли кредит асосида 1000 та иссиқхона қуриб берилди. Бир сўз

билан айтганда, «Соҳибкор» маҳалласида камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилган ишлар самара беришни бошлади. Эплагани нафақат камбағалликдан чиқяпти, балки оиласи учун барқарор сармоя келтирадиган имкониятга эга бўляпти. Шу орқали доим рўзғорига барака киритяпти. Муҳими ҳам ана шу.

## Кичик саноат зонасида янги ташаббуслар

Тадбиркорнинг бирор-бир фаолиятни йўлга қўйиши, янги қувватни ишга тушириши учун унда табиийки, электр энергияси, табиий газ ва сув таъминоти тизимлари, йўл ва бошқа шу каби инфратузилма тармоқларига эҳтиёж туғилади. Уларнинг барчасини бирваракайига мустақил равишда барпо қилиш эса осон иш эмас. Бу кўп маблағ, вақт ва югур-югурларни талаб этади. Оқибатда шу каби юмушларга ўралашиб қолган ташаббускор ишни охиригача етказ олмаслиги, лойиҳадан қўли совуши мумкин.

Агар унинг фаолият бошлаши учун зарур таъминот воситалари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд, барча шарт-шароитларга эга жой бўлса, лойиҳани амалга ошириш осон кечади, ортиқча оворагарчиликларга ҳожат қолмайди. Сўнгги йилларда кичик саноат зоналарини барпо этиш бўйича олиб борилган ишлар ана шунга қаратилган билан эътиборга молик.

Қамаши кичик саноат зонасида 6 нафар тадбиркорнинг 10 та лойиҳаси рўёбга чиқарилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг иккитаси ёшлигидан темирчилик хунарини эгаллаб, ясаган буюмлари билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган, энди эса расман тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолиятини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаётган Асқар Тошев томонидан амалга оширилмоқда.

Ҳозир Асқар Тошев раҳбарлик қилаётган корхонада енгил автомобиллар учун юк қўйиш мосламаси (багаж), кийим илгак (вешалка), темир эшик, ошхона жиҳозлари ва шу каби ўндан ортиқ металл буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.



Тайёр маҳсулот буюртма асосида ички бозорга етказиб берилляпти. Эътиборли томони, мана шу фаолият ортидан 8 кишининг бандлиги таъминланган. Муваффақиятдан руҳланган тадбиркор эса бу орада яна бир лойиҳани йўлга қўйишга улгурди.

Кичик саноат зонасида ишга туширилган йирик қувватлардан яна бири «Алпино» масъулияти чекланган жамияти мулкдорлари томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган профнастил ва брусчатка ишлаб чиқариш лойиҳасидир.

## 2 минг 192 та янги иш ўрни яратилди

Кейинги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнеснинг ушбу шакли билан шугулланаётганларга қўллаб-имтиёз ҳамда имкониятларни яратиб бериш мақсадида барча куч сафарбар этилди. Солиқдан озод этиш бўладими, энергия ресурслари тўловидаги имтиёзларми, маҳсулотни сотишдаги эркинликми, хуллас, ҳамма шароит муҳайё қилинди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўрол Тоғаев фарзандлари билан биргаликда тадбиркорликка қўл урди. «Асила Нуралиевна» МЧЖнинг фаолиятига ҳали кўп бўлган йўқ, МЧЖ тасарруфида 11 нафар фуқаро иш билан таъминланди ҳамда «Ҳаёт қурилиш моллари» дўкони ўз ишине бошлади.

Жорий йилда туманда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 36 миллиард 957 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, маблағ 1370 та лойиҳага сарфланган. Натижада 2 минг 192 та янги иш ўрни яратилди.

«Чим» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган «Томорқа хизмати» МЧЖга Дилшод Бекмуродов раҳбарлик қилади. Мазкур жамиятга 3 гектар ер ажратилган бўлиб, шундан 1 гектарига иссиқхона барпо этилган. Айни пайтда иссиқхонада поми-

дор, бодринг, булғор қалампери ва бошқа маҳсулотлар етиштирилмоқда.

## 30 мингта қуён етиштирилиб, йилига 120 тонна гўшт ва 40 минг дона тери тайёрланади

Туманимиз аҳолиси курка боқиш ва парҳез парранда гўшти етиштириш борасида катта тажрибага эга. Шунинг билан олиб, қолаверса, Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида ушбу масала бўйича берган тавсиялари асосида куркачиликни ривожлантириш мақсадида «Мароқанд парранда» МЧЖ қошида «А33А парранда» МЧЖ ташкил этилди. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ, замонавий куркачилик комплексининг бино ҳамда иншоотларини барпо этиш, озуқа етиштириш, курка боқиш учун жами 335,04 гектар ер ажратилди.

Шу билан бирга, ҳудудимизда қуёнчиликни саноат усулида ривожлантириш лойиҳаси ҳам амалга оширилди. «Микрокредитбанк», «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда рўёбга чиқарилган лойиҳа учун «Қамаши момик қуёнлари» агрофирмасига қуёнхона қуриш ҳамда озуқа етиштириш учун 131 гектар ер берилди. Ушбу лойиҳа самарасида 30 мингта қуён етиштирилиб, йилига 120 тонна гўшт ва 40 минг дона тери тайёрланади. Ҳўжаликда 30 киши ишлайди. Бундан ташқари, қуёнлар 500 хонадонга тарқатилди. Аҳоли парҳез гўшт ва қўшимча даромад билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, туманимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва ижроси замирида халқ манфаати ҳамда фаровонлиги устувор эканлиги амалий ишларда яққол намоён бўлмоқда.



**Пойтахтимизда янгиланган йўл ўтказгич ишга тушди.**

# ФАОЛИЯТИМИЗГА ЭНГ ОДИЛ БАҲОНИ

## Ю ОДАМЛАР БЕРАДИ

Юртимизда маҳалла тизимида кун сайин янги ёндашувлар пайдо бўлаётгани сир эмас. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам маҳаллада юзага келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш кўпроқ маҳалла раисининг савияси, маданияти, дунёқарашига боғлиқ. Сухбатдошимиз — Оқдарё тумани ҳоқими ўринбосари,



Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими Юлдуз

ЎРОҚОВАнинг фикрича, йиғин раиси фаолиятига энг одил баҳони одамлар беради.

— Раҳбарга одамларнинг баҳо бериши турган гап. Аммо гоҳида маҳалла раҳбарлари ҳам ўз-ўзига баҳо бериши керак эмасми? Тумандаги йиғин раисларининг фаолияти сизни қониқтиряптими?

— Нима десам экан, баъзан қониқтиради, гоҳида эса йўқ. Негаки, маҳалла раислари турли соҳалар вакиллари, айримлари нафақадати одамлар. Аммо барчаси билан тил топиб ишлашга ҳаракат қиляпман. Мақтаниш эмасу, йиғин раҳбарлари орасида ўз ишининг билимдонлари, одамларнинг меҳрини қозо-



наётган фидойилари ҳам талайгина. Масалан, «Бозоржой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шаҳодат Бобомуродовани олинг. Йиғин бошланасиз қолганида, пандемия шароитида у ўзининг уйдан ходимлари учун хона ажратиш, уларга иш шароитини яратиш берди.

Шундай фидойи, жонкуяр раисларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан шу кунга қадар туманимиз бўйича меҳнатга лаёқатли 2 минг 299 нафар камбағал оила аъзолари доимий даромад манбаи билан таъминланди. Бундан ташқари, 421 та оилага ғалладан бўшаган майдонлардан 629 гектар ер такрорий экин экиш учун ажратиш берилди. Ушбу оилаларга шу вақтга қадар жами 2,1 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Жумладан, уларга 128 миллион сўмлик чорва моллари, 32 миллион сўмлик парранда тарқатилиб, 220 миллион сўмлик субсидия асосида иссиқхоналар қуриб берилди.

— Туманда хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этиш борасида нималар қилиняпти?

— Оқдарё туманида 80 минг 161 нафар хотин-қиз истиқомат қилишади. Бу аёллар билан тизимли равишда ишлаш учун 54 нафар лидер аёллардан иборат кадрлар захираси шакллантирилиб, улар тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасаларга бириктирилган. Шунингдек, 9 нафар депутат аелимиз 35 та маҳаллага бириктирилган. Улар аниқланган муаммоларни халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида муҳокама қилиб, ечим топиб бормоқда.

Қолаверса, таълим муассасалари ва маҳалларда «Қизларжон» клублари фаолияти йўлга

қўйилган. Бунда хотин-қизларни касбга ўргатиш, хунармандчилик фаолиятига кенг жалб этиш, уларда етакчилик, раҳбарлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқувлар, машғулотлар ташкил этиш соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги 203 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шундан 57 нафари ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий аҳоли назорат остига олинди ва 20 нафар хотин-қизлар уй-жой билан таъминланиши режалаштирилди. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган 50 нафар хотин-қиз «Даҳбед» йиғинида ташкил этилган «Ижтимоий мослашув маркази»да вақтинчалик тураржой билан таъминланди.

Бундан ташқари, 24 нафар якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган аёлларга маҳалла мутахассислари ва ижтимоий ходимлар, патронаж ҳамширалар бириктирилиб, уларнинг ҳолидан доимий хабар олинмоқда, 18 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ойма-ой таъминланмоқда. Натижада ҳудудимизда 2020 йил бошида аниқланган ишсиз хотин-қизлар 2 минг 943 нафарни ташкил этган бўлса, кўрилган чора-тадбирлар натижасида улардан 2 минг 799 нафари ишга жойлаштирилди.

— Оилавий низолар ва ажралишлар масаласида туманда вазият қандай?

— Оилавий ажралишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга, ФХДЁ бўлимларига қилинган ҳар бир муурожаат маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама қилиниб, ажралиш ёқасидаги 9 та оила яраштиришга эришилди. 35 та маҳалла фуқаролар йиғинида намунали, ихчам, кам харажатли тўйлар ташкил этилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, ноқонуний никоҳ асосида яшаётган 34 оиланинг ни-

коҳи қонуний расмийлаштирилди.

Маҳалларда «Ота-оналар университети» фаолиятининг иш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда, тузилма томонидан қизларни оилавий ҳаётга кўникма ҳосил қилишда, оилавий ажралишларнинг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, маҳалларда ҳар пайшанба «Профилактика куни» муносабати билан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Туманда нуронийлар, меҳнат фахрийларига эътибор қай даражада?

— Ҳозирги кунда туманимизда 1 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 80 нафар уруш йилларида фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, 39 нафар 90 ёшдан ошган отахону онахонлар яшаб келмоқда. Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини тиклаш мақсадида меҳнат фахрийларининг 236 нафари тиббий



кўриқдан ўтказилди, 73 нафари шифохоналарда даволанди, 29 нафари эса республика сихаттоҳларида дам олиб қайтишди. Нуронийларимиздан 146 нафари мамлакатимиз шаҳарларида зиёрат ва саёҳатларда бўлдилар.

Кекса авлод вакиллари жамоат ишларида ҳам жуда фаол. Ҳар бир маҳалла ва таълим муассасасига 75 нафар масъул нуроний бириктирилиб, улар ёшлар ўртасида тарбиявий тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Отахонлар «Ибратли бува мактаби»ни йўлга қўйган бўлса, онахонларимиз «Бувижонлар», «Анзират буви» мактабларини юритиб, ёшларга тарбиявий сабоқ беришяпти. Фахрийларимиз мактабларда ёшлар даврасида бўлишиб, уларнинг ижодкорлиги, китобхонлиги ҳамда спорт ютуқлари билан танишиб бормоқдалар.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

«Mahalla» мухбири  
Ёрмат РУСТАМОВ  
суҳбатлашди.

### Мавзуга оид маълумот:

Оқдарё туманида 35 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, жами 35 минг 158 та оила бор. Уларда 159 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Дастлабки ўрганишлар давомида 1 минг 845 та оила «Темир дафтар»га киритилди, шундан 876 та оила кўрсатилган моддий ва маънавий кўмаклар ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлгани сабабли халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорлари билан камбағаллик рўйхатидан чиқарилди.

Ўзбекистон ва Швейцария олимлари Ўзбекистонда қор кўчиш хавфини баҳолашади.

**Ш**аҳардаги хотин-қизларнинг оилавий шароитлари ўрганилганда 1 минг 410 нафарнинг оилавий шароити қониқарсизлиги маълум бўлди. 2 минг 745 нафар аёлдан 627 нафари тикувчилик, 2 минг 118 нафари тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда ишлаш истаги борлигини билдирди. Бундан ташқари, 1 минг 756 нафари кредит олиш, 189 нафари «устоз-шогирд» асосида фаолият юритиш, 531 нафари касб-хунарга ўқишини айтди.



## ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?



**Раҳмонқул НАЗИРҚУЛОВ,**  
Янгиер шаҳар ҳокими ўринбосари,  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Таклиф ва истақлардан келиб чиққан ҳолда 45 нафар хотин-қиз «устоз-шогирд» анъанаси бўйича ўқитилиб, сертификат ва ўзини ўзи банд қилиш гувоҳномалари берилди. 4 нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилиб, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича бир нафарига 10 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Тўрт нафар оғир турмуш шароитидаги аёлга эса уй-жой учун бошланғич тўловлари тўлаб берилди.

Шунингдек, 424 нафар хотин-қиз ўзини ўзи банд қилиш бўйича рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг бандлиги таъминланди. 26 нафар хотин-қизга Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан 306 млн. сўм ажратилиб, 26 нафар хотин-қиздан 8 нафари қандолатчилик, 15 нафарига тикувчилик, бир нафарига сартарошлик, яна бир нафарига иссиқхона қуриш учун бинолар ажратилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ва ҳаракатланиш реабилитация воситалари чоракма-чорак етказиб берилмоқда. 32 нафар хотин-қизнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадида 48 млн. сўм пул маблағи ажратилди ва улар дори-дармон

билан таъминланди ҳамда довланиши учун қўмақлашилди.

Шаҳардаги «NAZAR», «Intex mega», «YANGIYER TEXNO AL FAYZ», «Голд Марҳамат», «КАА SOCKS» каби корхоналарининг ишга туширилиши натижасида қўшимча 313 нафар аёл ишли бўлди. «Элегант Фибер Текстил» текстил корхонаси ҳамда «Эко Продукт Трейдинг» замонавий гидропоника иссиқхонаси орқали яна 50 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланди.

«Аёллар дафтари» бўйича сўровнома натижасига кўра, 8 та маҳалла кесимида касб-хунарга ўқиш истагини билдирган 531 нафар хотин-қиз рўйхати шакллантирилди.

### «Обод ва хавфсиз» маҳалла тамойили амалда

Ушбу тамойил асосида Янгиер шаҳридаги мавжуд 8 та маҳаллада жиноят камайишига эришилмоқда. Жиноятчиликнинг содир этилишига асосий сабаб, бошқа вилоятлардан ҳамда кўшни республикалардан кўчиб келган йўғма халқ ҳисобланиб, ўзаро меҳр-оқибат муҳитининг пастлигидир. Шунингдек, ишсизлик, аҳолининг мавжуд қонун-қоидалар моҳиятини тўлиқ тушунмаслиги, боқимандалик кайфиятининг ўсиб бораётгани, маҳалла тизимида ишловчи мутасаддиларнинг савияси етарли даражада эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Жиноятчиликни жиловлаш билан бир қаторда, жамоат хавфсизлигини тўлақонли таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари ички ишлар органлари, Миллий гвардия, «Фидокор ёшлар» гуруҳи аъзолари имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида ўзаро ҳамкорлик янада кучайтирилмоқда. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш борасида узлуксиз ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шунингдек, ҳисобда турган нотинч ва низоли оилаларнинг муаммолари бўйича тоифаларга ажратилган ва ажратилган тоифа асосида низоларни мутасадди ташкилот ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш борасида аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Маиший зўравонлик қурбонига айланган, тазйиққа учраган 45 нафар хотин-қизнинг оилавий муаммолари ўрганилиб, уларга белгиланган тартибда «ҳимоя ордери» берилди.

Оилавий ажримлар сони ошган маҳаллаларда бой ҳаётий тажрибага эга, обрў-эътиборли онахонлар иштирокида маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказилди ҳамда 53 та оиланинг яраштирилишига эришилди.

### «Ғайратли кексалар» гуруҳи соғлом турмушга масъул

Маҳаллаларда отинойилар, ҳожи оналар, обрўли онахонлар, намунали оилабошиларидан иборат «Бувижонлар мактаби» ва «Ғайратли кексалар» гуруҳи ташкил этилди. Улар иштирокида Иккинчи жаҳон уруш fronti ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, ҳар бирига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, гигиена воситалари совға сифатида берилди.

Шунингдек, нотинч оилалар, тарбияси оғир болалар, спиртли ичим-

ликка ружу қўйган ота-оналар, профилактик рўйхатда турувчилар билан мунтазам тушунтириш тадбирлари ўтказиб келинмоқда. 27 та нотинч, ноқобил оилаларга ҳожи ота ва ҳожи оналар бириктирилган. «Нуронийлар жамоатчилик гуруҳи» аъзолари ҳам профилактик ҳисобда турган ёшлар, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга маънавий ва моддий жиҳатдан қўмақлашиб келишмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада «Ота-оналар университети» гуруҳлари ташкил этилди. Маҳаллалардаги «Ғайратли кексалар» гуруҳи аъзолари кексаларни фаол турмуш тарзига тарғиб этаётган бўлса, «Нуронийлар жамоатчилик кенгаши», «Кексалар маслаҳати», «Бувижонлар мактаби» клуби аъзолари тўй-матрақа маросимлари, оилавий тадбирларни кам-харж, тежамли, қисқа қилиб ўтказиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

«Кексалар учун туризм ойлиги» доирасида эса бир гуруҳ нуронийлар Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

### Ободонлаштириш йўлида...

«Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшаман!» шиори остида 8 та маҳалланинг 204 та кўчаси ҳамда 10494 та хонадонда «обод кўча», «обод хонадон», «обод маҳалла» тамойили асосида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу ишларга ҳар бир маҳалладан 10 нафар ишсиз ёшлардан иборат отрядлар шакллантирилди. Улар иштирокида масжидлар, қабристонлар атрофи тозаланиб, ободонлаштирилди.

Бундай хайрли ишларда «Нуронийлар жамоатчилик гуруҳи», «Бувижонлар мактаби» аъзолари ҳам ўрнатқ бўлиб, ташаббусни қўлдан беришмади. Айниқса, «Наврўзобод», «Бинокор», «Обод юрт», «Шодлик», «Маърифат» ҳамда А.Жомий, З.Бобур, Т.Малик номли маҳаллалари ҳам намунали фаолият кўрсатмоқда.



Корея билан рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

**Б**аланд тоғ бағрида жойлашган Бойсун туманида ўша чўққилар мисоли орияти кучли инсонлар яшайди. Улар ҳам юртимизнинг катта шаҳарларида яшайдиган юртдошларимиз каби барча имкониятлардан тўла фойдалана олиши керак. Бунинг учун, аввало, маҳаллалардаги иқтисодий ҳолатни яхшилаш зарур. Кейинги вақтларда юртимизда олиб борилаётган ўзгаришлар олис ҳудудларда ҳам бирдек ўз аксини топаётгани қувонарлидир. Бу борада Бойсунда ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти.



## ДАРВОҚЕ...

Омонхона қишлоғи ва Зовбоши тоғли ҳудудини ўз ичига олган Бойсун кичик туризм зонаси ташкил этиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, келгуси йилда туманда туризм соҳасида иккита йирик лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, «Ферузбек асл чорваси» МЧЖ томонидан «Инкабод» маҳалласи Паданг қишлоғида умумий қиймати 55 млрд. 32 млн. сўм бўлган туризм зонаси ва дам олиш маскани барпо этилади. «Камари Азиз» МЧЖ томонидан қиймати 200 млрд. 812 млн. сўм бўлган Омонхонани туризм қишлоғига айлантириш лойиҳаси амалга оширилади.

# БИР МАРТАЛИК РАҒБАТ МУАММОГА ЕЧИМ БЎЛМАЙДИ



**Саодат ЖЎРАҚУЛОВА,**  
Бойсун тумани ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

## Бандлик — муаммоларга ечим

Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, иқтисодий барқарорликка эришиш зарур. Шунинг учун кейинги вақтларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилляпти. Аммо бир марталик моддий рағбатлантириш билан бирон натижага эришиш, муаммони тўла ҳал этиб бўлмаслиги тайин. Шу боис олдимизда аҳолини, аввало, иш билан таъминлаш зарурати турибди.

Қувонарлиси, ўтиб бораётган йил давомида бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йил бошида 11 ой давомида 810 та иш ўринлари яратишни режалаштирган эдик, амалда эса 1 минг 883 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Масалан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режасида 2 та лойиҳада 270 та иш ўрни яратиш кўзланган эди. Амалда ушбу лойиҳаларимиз 3 та бўлиб, 569 та иш ўрни яратишга эришдик. Худди шунингдек, бошқа йўналишларда ҳам ана шундай ўсиш кузатилди. Масалан, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 94 та лойиҳада 94 та иш ўрни яратилиши режа-

лаштирилган эди. Лекин мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилган эътибор ва ҳалқимизнинг талабчанлиги боис 263 та лойиҳа асосида 263 та иш ўрни яратилди.

Бундай кўрсаткичлардан ҳақли равишда қувонган ҳолда яна айрим рақамларни келтириб ўтиш жоиз. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, туманда олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил қилиниши натижасида мутахассислик ва етарли касб маҳорати талаб қилмайдиган ишлар ташкил қилинди. Бунинг учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан Бойсун тумани учун бугунги кунда жами 1 млрд. 666,5 млн. сўм маблағ ажратилди. Натжижада 2 минг 289 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

## Тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилди

Жорий йилда аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий

дастурлар бўйича 23 млрд. 186 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натжижада 1 минг 114 та фуқаронинг бандлиги таъминланди. Президентимиз ташаббуси билан туманимизда барпо этилаётган «Мустақилликнинг 25 йиллиги» газ комплекси тўлиқ ишга туширилиши эвазига яна 4 минг 500 тага яқин бўш иш ўрни яратилди. Мазкур иншоот масъуллари пайвандчи, токар, слесар, кранчи, электр муҳандиси ҳамда бошқа йўналишлар бўйича кадрларга эҳтиёж борлигини маълум қилди.

Шундан сўнг маҳалла фаолларининг бевосита кўмаги билан жойлардаги ишсиз фуқаролар рўйхати шакллантирилди. Ҳозирда ушбу рўйхат бўйича туманда бандлиги таъминланмаган 1 минг 678 нафар ёш 1-сонли касб-хунар мактабида 6 ойлик ўқув курсида таҳсил олмақда. Улар ўзлари танлаган касб бўйича сабоқ олиб бўлгач, газ комплексига ишга жойлаштирилади.

## Экспорт ҳажми оширилади


Бойсун тумани чорвачилик маҳсулотлари билан ҳам донг тартган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Афсуски, маълум муддат бу борадаги ишларга лоқайдлик билан қараш оқибатида туманнинг ушбу йўналишдаги кўрсаткичи ҳам қувонарли эмасди. Аммо кейинги вақтларда бу борада ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилляпти.

Дарҳақиқат, туман ҳудудидаги 11 та экспортёр корхона жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 5 млн. 756 минг АҚШ доллариға тенг бўлган саноат ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди. Бу жорий йиллик режа

74,5 фоизи бажарилди, дегани. Йил якунига қадар экспорт ҳажмини 2,4 млн. долларга бажаришга эришишни ният қилганмиз.

Шунингдек, 2021 йилда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиқилган. Миносол учун, Инвестиция дастурига асосан, «Бойсун фарм» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида «Бойсун лано» МЧЖ томонидан Марказий Осиёда ягона бўлган қўй жунидан ланолин ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади. Уни амалга оширишда 22 млрд. 345 млн. сўмга тенг бўлган пул маблағи сарфланиб, Хитойдан энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Эътиборлиси, корхонада йилга 36 тонна ишлаб чиқарилаётган ланолин маҳсулотини ички бозордаги фармацевтика ва косметика саноати компанияларини хомашё билан таъминлабгина қолмай, Россия ва Хитой давлатларига экспорт қилиниши кутилмоқда. Қолаверса, 1-босқичда 20 та, 2-босқичда эса 25 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, бугун Бойсун туманида юқори марраларни кўзлаб, режали ишлар амалга ошириляпти. Бунинг замирида, албатта, ҳар бир маҳаллани обод, фаровон ва тинч ҳудудга айлантириш, муҳими, инсонларни рози қилишдек эзгу ният мужассам. Ўйлаймизки, маҳалла тизими фаоллари бу борада ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.



Янги йил байрами муносабати билан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ талабалар учун чегирмалар эълон қилди.

# ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ЕЧИМИ УЧУН АНИҚ РЕЖАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАМИЗ

**Б**угун Ўзбекистон дунё ҳамжамияти нигоҳида ўзгача қиёфа билан қайта гавдаланмоқда. Ислохотлар, ташаббус ва янгилинишлар ҳаракатида биз ҳам иштирок этягмиз. Ҳар бир ҳудудда кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти, ютуқлар қўлга киритиляпти.



**Наврўз АЛИМОВ,**  
Қибрай тумани ҳокими ўринбосари, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Хусусан, Қибрай туманида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўй кўрсатаётган натижалар сарҳисоби ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Жорий йилнинг ўтган даврида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 трн. 281 млрд. сўмни ташкил қилди. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш мақсадида 17 нафар бизнес бошламоқчи бўлган ишсиз фуқарога давлат рўйхатидан ўтиш, кредит олишда суғурта полиси тўлови ва тадбиркорликка ўқитиш учун субсидиялар берилди.

Ишсиз фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ишсизлик нафақаси ҳамда стипендия тўлаб берилди. Биргина мисол, «Давр Текстиль» масъулияти чекланган жамиятига 8 млн. 920 минг сўм субсидия маблағи ўтказилди ва 10 нафар фуқаро ўқитилиб ишга joyлаштирилди.

## Қанча инвестиция жалб қилинди?

Туманда йил давомида 20,9 млн. АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилди. Ҳисобот даврида 40 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилиб, 956 та иш ўрни яратилди.

Ҳадемай, Туркиянинг «MS-BarEr textile» қўшма корхонаси иштирокидаги лойиҳанинг 1-босқичи старт олди. Лойиҳа йилига 1 млн.



тайёр униформалар тикиш қувватига эга экани, кишини қувонтиради.

Ўз ўрнида йил бошида тасдиқланган дастурга мувофиқ, жорий йилда ишга тушиши белгиланган, лекин бир қатор сабабларга кўра якунига етмаган лойиҳалар ҳам бор. Филиппинлик инвесторларнинг «LIWAYWAY FOOD» масъулияти чекланган жамияти томонидан Дўрмон қишлоғида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик декабрда ишга туширилиши белгиланган. Бироқ пандемия даврида қурилиш ишлари бир неча ой тўхтаб қолди. Мазкур ишларнинг мантқиқий давоми сифатида 2021 йил учун манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, 26 млн. 120 минг АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва бу орқали 6 та лойиҳани ишга тушириш белгиланмоқда.

## Саноат зоналарида аҳвол қандай?

Туман кичик саноат зонаси ҳудудида эса бугунги кунга қадар 11 та лойиҳа ишга туширилди. Бу билан 430 та янги иш ўрни яратилди. «Optical Pro» масъулияти чекланган жамиятининг «Оптик линзалар ва кўзойнак гардишини ишлаб чиқариш» лойиҳаси шулардан бири.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархнинг сезиларли пасайиши, ўз ўрнида ҳудуддаги корхоналар

ўртасида соғлом рақобатнинг ривожланишига олиб келади. Ҳудудий маҳаллийлаштириш дастурига «BIOMAX CLEANER» масъулияти чекланган жамияти киритилган. Корхона 7 турдаги идиш ювиш воситалари ишлаб чиқармоқда. «GLOBAL WATER ENGINEERING» масъулияти чекланган жамиятида эса нефтгаз, кимё, металлургия, энергетика sanoatlарида ишлатиладиган 31 турдаги реагентлар тайёрланяпти.

## Янги марказ нега керак?

Келаётган йилда «Миллий хунармандлар маркази» қуришни режалаштирганмиз. Бу билан тумандаги ёшларнинг қизиқишларига қараб, ёғоч, ганч ўймакорлиги, заргарлик, тикувчилик, мебель ва металл буюмлар ясаш, ёғочдан тайёрланган халқ хунармандчилик маҳсулотлари йўналиши бўйича 100 нафар ёшни хунарга ўргатамиз.

## Замонавий иссиқхоналар кўпаймоқда

Жорий йилда туманимизда ишбилармонлар томонидан 26,4 гектар ер майдонидан замонавий иссиқхоналар ташкил этилди. Уларнинг 6 таси замонавий гидропоника усулида ташкил қилинди. Эътиборлиси, иссиқхоналарда 1 йилда 500-600 тоннагача ҳосилдорликка эришиш имкони mavжуд. Бу, албатта, туманимизнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади.

## Ичимлик суви етказиб беришда муаммо йўқми?

Қибрай тумани 87 фойз ичимлик суви

билан таъминланган бўлиб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда 2 та корхона: «Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Қибрай тумани бўлими ҳамда «Мусаффо обихаёт» МЧЖ томонидан хизмат кўрсатилмоқда. «Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Қибрай тумани бўлими тумандаги 47 та маҳаллага тоза ичимлик суви етказиб бермоқда. Якунланаётган йилда 3280 та хонадонни ичимлик суви билан таъминланишига эришилди.

«Мусаффо обихаёт» МЧЖ эса ҳудуддаги 41 та маҳалла аҳолисига ичимлик суви таъминоти бўйича хизмат кўрсатади. Мазкур корхона томонидан жорий йилда 6,25 км. ичимлик суви қувурлари мукамал таъмирланди, 19 та технологик ва электр жиҳозлар алмаштирилди. Ҳозирда «Хўжақўрғон», «Пўлат қадам», «Янги авлод», «Шалола», «Май» ва «Ўзумзор» маҳалла аҳли тоза ичимлик сувидан беминнат фойдаланмоқда.

Бироқ туманининг «Оқ олтин», «Янги авлод» маҳаллаларида ичимлик суви таъминоти қониқарсиз аҳволда. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш» лойиҳасига асосан, «Қодирия» сув тозалаш иншоотини қуриш-реконструкция ишлари бошланди.

Бундан ташқари, «Оқ-олтин» маҳалласи аҳолисини сув билан таъминлаш учун сув қудғини тозалаб, 2021 йилнинг биринчи чорага ишга тушириш режалаштирилган.

Вақт бир жойда турмайди. Ундан унумли фойдаланганларгина бирон натижага эришади. Эътиборсизлик ва масъулиятсизлик эса қатта йўқотишларга сабаб бўлади. Вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаган, бугунги ишни эртага қолдирмаган киши эса ҳеч қачон аттанг қилмайди.

Ўзбекистонлик талабалар учун Россия олийгоҳларидаги квоталар кўпайтирилади.

Мансур АБДУХОЛИҚОВ(Васати):

## «ХАР БИР ИЖОДКОР

ТОМОШАБИН ОЛДИДАГИ  
МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС  
ҚИЛИШИ КЕРАК»

Кино томошабини қулдиради, йиғлади, ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди. Бироқ камдан-кам картиналар бу бурчакларни бир нуқтада бирлаштира олади. Инсон умри давомида дуч келадиган синовли кунлар, бу имтиҳонлардан ўтиш йўллари, фикрий ва тафаккурий юксалишга хизмат қилувчи фильмлар эса анқонинг уруғи. Борларини эса қайта-қайта томоша қилиб, хулоса қилаверади киши.

«Тенгиз» ана шундай томошабинга бир яхши хулоса берувчи фильм. У ҳар кимни яшашига бўлган истакни сақлаб қолиш энг муҳими экани, дуч келадиган синовларни енгиб ўтиш чораларини излашга чақиради. Бир аёл тимсолида барча саволларга жавоб топилиши, қутилмаган бурилишлар ва ғайриоддий яқун...

Ўзбек киносида бундай ўзига хослик Мансур Абдухолиқовнинг ижод намуналарида яққол кўзга ташланади. Мана шундай ўзига хос режиссёр, сценарист ва актёр билан сўхбатимиз ҳам ўзига хос кечди.

Имкониятлардан  
фойдаланиляптими?

Давлатимиз кино соҳасига маблаг ажратганининг ўзи эътирофга лойиқ. Дунёда кинематографияни моддий қўллаб-қувватлайдиган давлатлар кўп эмас ва буни ижод учун катта имконият сифатида қабул қилиш керак. Энди кино ривожига профессионал мутахассислар ва киноижодкорлар жавобгар.

Бироқ соҳада шундай муаммолар борки, уларни ҳал этмай туриб ривожланиб бўлмайди. Аввало, кадрлар етишмаслиги муаммосини ҳал этишимиз керак. Профессионал ва иккинчи даражали режиссёрлар, ассистентлар, пардозчилар шулар жумласидан. Таассуфки, маҳоратли ижодий жамоа йиғиш кундан-кунга қийин бўлиб бораётти. Киночилигимизда ўз касбининг етук мутахассислари бор. Бироқ улар соҳада фаолият юритишни иста-

майди. Чунки қалам ҳақи ва ойлик иш ҳақлари кам. Ижодкор турли турмуш ташвишларига ўралашиб қолса қандай ижод қилади. Очиги, миясида мингта муаммо қайнаб ётган кишининг яхши ижод қилишига мен ишонмайман.

Кино ҳам санъат, ҳам  
бизнес

— Кино мен учун биринчи ўринда санъат. Бироқ фойда кўриш, бизнес учун қилинган киноларни ҳам профессионал даражада тайёрлаш керак. Бундай фильмлар «мейнстрим» деб айтилади, яъни кенг томошабинга мўлжалланган фильмлар. У фалсафий кинолардан кўра соддарок, тушунарлироқ бўлади. Аммо меҳнати, сарфланадиган ҳаракат кам бўлмайди. «Мейнстрим»нинг ўзига яраша машаққатлари бор. Профессионал даражада яратилган фильм осон бўлмайди. «Арт» (муаллифлик) ёки «мейнстрим» йўналишидаги фильм бўлишидан қатъи назар, сценарийдан бошлаб, охиригача юқори даражада яратилиши керак. Аммо бу жараён осон эмас. Бунинг учун ижодкорда фуқаролик ҳисси, санъатта дахлдорлик туйғуси бўлиши керак. Жонқуярлиги, садоқати бўлган одамни эса ҳар қандай вазиятда замонамиз қахрамони, дея аташ мумкин.

Кинонинг томошабинга таъсири катта. Шунинг учун ҳам мазкур соҳа кишидан катта масъулият талаб қилади. Афсуски, баъзи ижодкорлар томошабинни кўпайтирмаман, деб бемаъни мавзуларда кинолар қилишди. Натияжада томошабинларнинг кинога бўлган меҳри сусайди. Енгил-елпи, маиший муаммолар асосий планга чиқди. Таассуфки, бундан фақат

биз киночилар ютқаздик вақт, маблаг ва томошабини.

Яна бир огриқли нуқта – кенг оммага мўлжалланган фильмлар устида ишлайдиган продюссерларимиз жуда кам. Продюссер кино бўйича яхши билимга эга бўлиши керак. Чет эл институтларида бу соҳага керак бўлса 5 йил ўқитишади. Балким бизда ҳам бунинг вақти келгандир. Чунки фильм яратилишида продюссернинг ўрни бениҳоя залворли.

## Янги лойиҳа

Ҳозирда «Ўзбеккино» миллий агентлиги бадиий кенгашига янги сценарий топширганмиз. Унинг ишчи номи «Лангартоғ йўлида». Кинолоийҳанинг сценарий муаллифи Ғофур Шермухаммад.


«Васати» тахаллуси нега  
танланган?

— «Васат» сўзининг араб тилида бир неча маънолари бор. Улардан бири – «ўрта», «олтин меъёр» деганидир. Олтин ўрталикни топа олган инсон ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Бундай ҳолат ҳаётимнинг энг қийин пайтларидан бирида менга асқатган. Шунинг учун бу сўзни тахаллус сифатида танлаганман.

## «Мен хоҳлардимки...»

— Имом Бухорий ҳақида фильм суратга олишни режалаштирганман. Тўғри, бу шахс ҳақида ҳозир ҳам фильм ишлашим мумкин, аммо бунга руҳан тайёр эмасман. Чунки бу инсон мен учун ва бутун дунё мусулмонлари учун шунчаки тарихий шахс эмас.

Аслида ижодкор қайси мавзуда фильм олишидан қатъи назар, ўзи унга руҳан тайёр бўлиши керак. Имкони бўлса, Мадаминбек (Муҳаммадаминбек) ва Иброҳимбек Лақай ҳақида ҳам фильмлар олардим. Замонамиз қахрамони ким, бугуннинг актуал муаммолари қандай, уларнинг ечими борми? Суратга олган фильмларимда



## ДАРВОҚЕ...

Мансур Абдухолиқов «Гап» (2006), «Ҳайвонот боғи» (2006), «Аросат» (2009), «Кудуқ», «Тенгиз» каби бадиий фильмларни ишлаган. Шунингдек, «Вирус», «Тинчлик ортида» фильмлари сценарий муаллифи ҳисобланади.

шу саволларга жавоб топишни, томошабинга етказиб беришни хоҳлардим. Айни шу талаблар мени доим янги лойиҳалар, ғояларга ундайди.


«...ўзингдаги санъатни  
севгин»

— Фильмнинг асоси — сценарийдир. Яхши сценарий кўлингизга тушса, бу сизнинг омадингиз. Айниқса, ҳозир яхши сценарий топиш муаммо бўлган даврда. Иккинчидан, профессионал киножамоа ва ўз ишига масъулият билан ёндашув картина муваффақиятини таъминлайди.

Ҳар бир мамлакатнинг ёрқин киноижодкорлари бор. Мен профессионал даражада бажарилган фильмларнинг муҳлисиман. Улар ўзига хос, ўз кино-тилига эга. Томоша қилиб ҳам бирон нарсани ўрганиш мумкин. Бизда ҳам шундай ижодкорлар бор, фақат қўл билан санарли. Негадир баъзи ижодкорлар озгина нарсага эришиб, тезда кибрланиб кетишади. Афсуски, уша кибр уларни ижодкор сифатида аста-секин синдиради. Машаққат билан эришилган натижаларни йўққа чиқаради, самимийлик ўлади.

Константин Сергеевич Станиславский «Ўзингни санъатда эмас, ўзингдаги санъатни севгин» деб бекорга айтмаган.

Садоқат МАХСУМОВА  
ёзиб олди.



«Рангсиз тушлар» фильмининг катта премьераси бўлиб ўтди.



# КОРОНАВИРУС МУТАЦИЯГА УЧРАДИ:

Хитойда илк беморлар галати аломатлар билан шифокорларга мурожаат қилган пайтдан бери бир йилдан ошқроқ вақт ўтди. Ушандан бери COVID-19га бутун дунё бўйлаб 75 миллиондан зиёд инсон чалинди, 1,7 миллион инсон қурбон бўлди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти келаси йили пандемия пасайишига умид қилмоқда. Янги коронавирусга қарши вакцинанинг бир нечтаси ишлаб чиқилди, турли мамлакатларда оммавий вакцинация бошланди. Шу ўринда савол туғилади: ўзи инсоният коронавирусидан холос бўладими?

АҚШдаги Жорж Мэйсон университети тизимли биология мактаби профессори, Россия Фанлар академияси тиббий генетик илмий маркази бош илмий ходими Анча Баранованинг айтишича, вируснинг ҳаётимиздан кўтарилишини ҳамма хоҳлайди. Вирус устидан назорат воқитаси — вакциналар кўпайиб кетар, аммо эпидемиянинг тўлиқ тўхта-тилишини куттиб бўлмайди. Яқин йилларда COVID-19ни унута олмай-миз. Яна 10-20 йил шифокорлар ва олимларнинг COVID-19 ўзини қандай тутаётгани борасидаги қандайдир ҳисоботлари мунтазам чиқиб туради, эпидемиологик статистикасини йиғиш тўхтамайди. Оммавий вакцинациядан кейин ҳам коронавирус барибир мавсумий инфекция сифатида биз билан қолади. Фалокат юз бермас, аммо ҳаётимиз ва соғлиғимизга узоқ таъсир кўрсатиб туради.

## Янги тур тез тарқалмоқда...

Буюк Британияда 14 декабрь куни тарқалган коронавируснинг янги тури барчамизни ташвишга солаётгани аниқ. Коронавируснинг мутациялашган тури аввалгисига нисбатан тез тарқалмоқда. Бу COVID-19 учун ишлаб чиқилган вакциналар энди фойдасиз бўлишини аниқлади. Бу ҳозирча тадқиқот мавзуси. Буюк Британияда мингдан ортиқ беморларда мутант-вирус билан касалланиш ҳолатлари тасдиқланди. Шундай бўлса-да, Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазири Мет Хэнкокнинг айтишича, бу янги турнинг аввалгисидан хавфлироқ эканини аниқламайди.

## янги тур аввалгисидан хавфлими?

Вируснинг мутацияга учраши ноодатий ҳол эмас. Вируслар тўхтовсиз мутацияга учрайдилар. Лекин бу ўзгаришлар фақат минимал оқибатларга олиб келади. Шундай экан, хавотир олишга ҳожат йўқ. Мутация оқибатида ҳар доим ҳам вируснинг хавфлилик даражаси ошмайди, у кучсизланиши ҳам мумкин. Бемор ўлкасида COVID-19 касаллиги юзага келишига сабаб бўлувчи SARS-CoV-2 вируси бошқа коронавирус турлари каби тахминан ҳар ойда мутацияланувчи РНК-вируслар қаторига киради.

Коронавируснинг ушбу янги тури излари сентябрь ойида Англиянинг жануби-шарқидagi Кент графлиги ва Лондонда олинган иккита намунада топилган. Кейин улар тез тарқала бошлади. Докторларнинг айтишича, ўзгариш вирус тарқалишини 70 фоизгача тезлаштириши мумкин. «Вирусни бурун ва томоқда топдик. Вирус миқдорининг кўпчилиги одамлар уни одатдагидан кўпроқ юктириб олишини аниқлади. Бу — ижтимоий масофа чораларини янада кучайтиришимиз, масофа сақлаб, алоқаларни камайтиришимиз кераклигини тақозо этади», дейди Англия жамоат соғлиқ тизимидан Сюзан Хопкинс.

Коронавируснинг янги турида 23 та генетик ўзгариш бор. Уларнинг айримлари вирус сиртидаги тикансимон оқсилларда мужасамлашган. Олимларга кўра, бу инсон танасидаги тўқималарни эгаллаб олишни осонлаштиради. Ҳозирча ушбу ўзгаришлар касалликни янада жиддий ва ҳалокатли қилиши борасида далиллар йўқ. Тадқиқотчилар буни тасдиқлаш учун шифохонадаги беморларни ўрганишда давом этмоқда.

## Карантин кучайтириладими?

Тез тарқалувчи вируснинг чиқили одамлар уни янада тезроқ юктириб олишини кўрсатади. Бир неча касалхоналардаги беморлар сони аллақачон апрелда бўлиб ўтган биринчи тўлқиннинг энг юқори кўрсаткичига яқинлашиб қолгани ҳисобга олинса, ўзгарган вирус Англия миллий соғлиқ тизимига янги босимлар юклаши мумкин. Бу — мавжуд ижтимоий масофага оид қоидалар вирус тарқалишининг олдини олишда етарли эмаслигини ҳам аниқлаш мумкин. Шу сабабдан Лондон



## ДАРВОҚЕ...

Республика махсус комиссияси томонидан 2020 йил 25 декабрдан эътиборан Ўзбекистонга кириб келаётган шахслардан коронавирус инфекцияси антигенини аниқлаш экспресс тестини олиш тартибини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Экспресс тест аэропортларида, темир йўл вокзалларида ва чегара пунктларида амалга оширилади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

спортзаллар каби жамоатчилик фойдаланадиган жойлар, балки қолган барча дўкон ва корхоналар беркитилиши эҳтимоли йўқ эмас. Тўғри, расмийлар бу бизнес учун қанчалар оғирлигини яхши тушунади, аммо улар бу чоралар билан соғлиққа оммавий таҳдид ўртасидан бирини танлаши керак.

## Яна чегаралар ёпилади...

Буюк Британия Фарбий Европа мамлакатлари орасида COVID-19га қарши оммавий эмлашни бошлаган илк давлат бўлди. Бирлашган қиролликда мутациялашган турнинг пайдо бўлиши эндиликда эмлашнинг фойдасиз бўлишини билдирмайди. Бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган вакциналарнинг барчаси коронавируснинг боғловчи оқсилларини кодлайди ва ҳатто, мутант-вирус билан касалланганда ҳам беморнинг иммун тизимини ҳаракатга келтиради. Қувонарлиси, амалдаги иммун тизимини энгиз ўта оладиган даражада протеинларини ўзгартириши учун вирус бир қатор мутациялардан ўттиши лозим.

Британия ҳукумати фаол тартибда ўз фуқароларини эпидемия вақтида саёҳат қилмасликка чақираётган бўлса-да, янги штамм бошқа давлатларга кириб бўлди. Уни Дания ва Голландия, шунингдек, Австралия ва Жанубий Африка Республикасида аниқлашди. Франция соғлиқни сақлаш вазири Оливе Веран ҳам мамлакатда коронавируснинг мутацияга учраган янги тури тарқалаётган бўлса-да, янги штамм Париж бу давлат билан авиақатновларни тўхтатишга қарор қилган. Ҳозиргача 40 дан зиёд давлатнинг Британия билан авиақатновларни чеклагани аён бўлди.

Европа Иттифоқида COVID-19 га қарши эмлаш 27-29 декабрь кунлари бошланади.

Чакалоқларда рангларни фарқлаш хусусияти қачондан ривожлана бошлайди? Қандли диабетнинг кўришга таъсири борми? Замонавий офтальмология ва кўз микрохирургиясининг энг муҳим ютуқлари нималардан иборат? Улардан амалда фойдаланиш самаралари қандай? Соҳада яна қандай режалар бор? Аҳолини қизиқтираётган ана шундай саволларга атрофлича жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, кўз инсон вужудидаги энг муҳим сезги органларидан биридир. Биз атрофимиздаги олам ҳақидаги ахборотнинг 70 фоизини кўз орқали оламиз. Кўз мугуз пардаси, қорачиқ, гавҳар, кўз тўр пардаси, кўриш асаб тизими, кўз олмаси ва унинг ёрдамчи тузилмалари бўлган мушаклар, қовоқлар, шиллиқ парда, кўз ёш аппарати, мия каби муҳим ҳаётини аъзоларимиз бизга оламдан баҳра олиш имконини беради.

### Болаларнинг кўриш қобилияти қандай шаклланади?


Болаларнинг кўзи ўзига хос фарқи жихатларга эга. Мисол учун, янги туғилган чакалоқнинг кўз олмаси катталарникидан фарқли равишда шарсимон кўринишга эга бўлади. Оқсил пардаси юққа, склерада кўглаб эластик толалар бўлади. Гўдак бир ойлик бўлганда предметни кузатиш, баъзида нигоҳни қандаш рефлекс ривожланади. 2-3 ойликка тўлганда кўз олдига бирон нарсани бирданга яқинлаштирсангиз, кўзларини юмиб олади. Бу хавфни сезиш рефлекс ҳосил бўлаётгани белгисидир. 6-8 ойликда эса бола оддий геометрик шаклларни фарқлайди.

Рангни фарқлаш қобилияти ҳам 2-3 ойликда ривожланади. У, энг аввало, қизил рангни ажратади. Рангларни фарқлаш хусусияти 3-4 ёшигача шаклланиши керак. Агар бу жараёнда нуқсонлар бўлса, турли кўз касалликларидан дарак бўлиши мумкин. Шу боис тиббий кўрик орқали болаларнинг кўриш аъзолари ривожланиш босқичларини мунтазам кузатиб бориш лозим.

### Боланинг кўзи тез-тез ёшланиши бирор касаллик белгисими ёки...

Кўз ҳуда-беҳуда ёшланмайди. Айниқса, болаларда бу муаммо бўлса, туғма кўз ёши каналларининг ёпилиши ёки торайиб қолиши, шамоллаш аломати бўлиши мумкин. Бундай вазиятда вақтни бой бермай, болани окулист-шифокор кўригидан ўтказиш керак.

# КЎЗ ХАСТАЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?



### ДАРВОҚЕ...

Маълумки, кўк чой табиий усулда олингани боис, унда табиий, шифобахш моддалар кўп. Шунингдек, бактерияларга қарши курашиш хусусиятига эга. Шу жиҳатлари сабабли конъюнктивит, блефарит ва бошқа шамоллаш туфайли келиб чиқадиган кўз хасталикларининг олдини олиш ва даволашда ўзига хос таъсир кучига эга.

### Кўриш қобилияти пасайишининг олдини олиш мумкинми?

Кўз табиатан узоқ-узққ манзилларни кўришга мослашган. Аммо XXI асрга келиб юсак технологияларнинг ривожланиши туфайли яқин масофадан иш битиришга одатланмоқдамиз. Яъни компьютер, смартфон, мобил телефон асосий иш қуролимизга айланиб бораётти. Бунинг натижасида кўзларимиз табиий иш режимини ўзгартиришга мажбур бўлмоқда. Албатта, бу муаммо кўзларнинг кўриш қобилиятига ўз таъсирини ўтказмай қўймаётти.

Миопия — узоқни яхши кўра олмаслик касаллигининг кўпайиб бораётгани шунинг белгиси. Энг ёмони, кейинги пайтларда бу касаллик ёшариб бораётти. Бунинг олдини олиш учун оилада тарбияга эътиборни кучайтириш, кичкинтойларнинг мобил телефон, компьютер ўйинларига берилишига йўл қўймастик, уларни кўпроқ тоза ҳавода сайр эттириш, овқатланиш тартибига ва таомларнинг шифобахшлик хусусиятига эътибор қаратиш керак.

Катталар ҳам компьютерда ишлаш қоидаларига риоя этиши зарур. Яъни монитор ва кўз ораси

15-20 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак. Компьютерда узлуксиз ишлайдиганлар ҳар икки соатда 20-30 дақиқа кўзга дам бериши мақсадга мувофиқ. Соғлом турмуш тарзига оид бу маълумотларни ҳар бир оилага етказсангиз, кўз хасталикларининг олдини олишда сезиларли натижаларга эришасиз.

### Кўзга говмучча чиқиши ниманинг аломати?

Бу бирор ички касаллик, шамоллаш, қовоқлар яллиғланиши ва

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Кўз олмасининг катта бўлиши глаукома белгисими?



– Менда доим кўз босими баланд бўлади. Айниқса, компьютерда ишласам, бу ҳолат янада кучаяди. Айтинг-чи, кўзнинг ички босими нимадан дарак? Кўз олмасининг катталигини?

Нодир ҚЎЗИЕВ.  
Тошкент шаҳри.

**Азамат ЮСУПОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори:

– Кўз ичи босими баланд бўлиши глаукома ривожланишининг асосий омилдир. Шу боис, касалликни барвақт аниқлаш, шифокор назорати остида бўлиш нерв тизими зарарланишининг олдини олади ва кўриш қобилиятини сақлашга ёрдам беради.



**Азамат ЮСУПОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори.

гижжа асорати бўлиши мумкин. Бундай вазиятда болани педиатр, юқумли касалликлар шифокори ва окулист кўригидан ўтказиб, мажмуавий муолажа қилиш керак. Шунингдек, боланинг иммунитетини ошириш учун уни рационал овқатлантириш, жисмонан чиниқтириш зарур.


### Қандли диабетнинг кўришга таъсири борми?

Ушбу касалликка чалинган кўглаб беморлар, асосан, эндокринолог кўригидан ўтиб, қанд миқдорини меъёрида сақлаш билан чекланади. Ҳолбуки, қандли диабет иккиламчи асоратлари билан ҳам хатарлидир. Жумладан, унинг таъсирида кўз касалликлари келиб чиқиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун беморни йилда икки марта окулист кўригига йўллаш мақсадга мувофиқ.

### Замонавий офтальмология ва кўз микрохирургиясининг муҳим ютуқлари нимада?

Замонавий офтальмология ва кўз микрохирургияси бугунги кунга келиб шу қадар ривожландики, натижада илгари даволаш мушкул бўлган кўпгина касалликларни бутунлай бартараф этишга эришяёмиз. Каттаракта хасталигининг турли шакллари чоксиз факто-эмулсификация усулида даволаш, кўз шох пардаси хиралашганда кератопластика операцияси, қандли диабет, юрак қон-томир касалликлари туфайли келиб чиққан тўр парда ва шишасимон тананинг хасталикларини лазер ёрдамида даволаш бўйича ютуқлар бунга мисолдир. Бундай илгор операцияларни бугунги кунда худудларда ҳам жорий этиш мақсадида жойларда амалий ишлар тизимли йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда вакцинани биринчи бўлиб кексалар, шифокорлар, ўқитувчилар, тарбиячилар олади.



## «ДАВО ИСТАБ КЕЛГАН БЕМОР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИНГ!»

Инсоннинг тик туриши, қаддини расо тутиши ва ҳаракатланишида суяк асосий таянч ҳисобланади. Бироқ баъзан бахтсиз ҳодиса ёки эҳтиётсизлик сабабли унга шикаст етади. Ана шундай ҳолатларда травматолог шифокорлар жонимизга оро қиради.

Йиллар давомида халқимизга беминнат хизмат қилиб, ўз салоҳияти билан кўплаб беморларни оёққа турғазатган, шифо топишига ёрдам бераётган фидойи шифокорлар бугун кўпчилик. Аммо уларга устозлик қилган, касб сир-асрорларини ўргатган инсонлар номи ундан-да шарафлидир.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳаким Азизов ҳам ана шундай шарафли касб эгаси, кўплаб малакали шифокорлар устози эди.

М.Азизов нафақат шогирдлари, балки халқимиз қалбида ҳам ўчмас из қолдирган инсонлардан бири. Умрини травматология ва ортопедияни ривожлантириш, янги-янги операция усулларини ўрганиб, амалиётда қўллашга бағишлаган бу инсон кўплаб беморларнинг шифо топишига сабабчи бўлди. Ўз билимини «шифокор бўламан», дея этагидан тутган шогирдларига ўргатди. Бугун шогирдлари қалбида яшаётган ана шу инсонни ёдга оламиз.

### Катта мактаб яратишни мақсад қилган

— 1995 йил домла олдиларига қаҳириб, тўсатдан «менга шогирд бўлишни хоҳлайсизми?» деб сўрадилар ва бу таклиф мен учун катта имконият, шараф эди, — дейди тиббиёт фанлари доктори Муроджон Ирисметов. — Ўқиш давомида домланинг бўлимида ишлаб юриб, у инсон ҳақида таассуротларим шаклланди. Ишга бўлган, илмга бўлган иштиёқи баланд, беморларга эътибори кучли бўлиши билан бирга, бўлимдаги врачларга, шогирдларига ғамхўр ва талабчан эди. Домла биз учун ҳар жиҳатдан ўрнак бўла олди. Касбимизга, ҳаётга бўлган муҳаббатни, бу йўлда пайдо бўладиган қийинчиликларга доим тайёр туришни ва курашишни ўргатди. Травматология ва ортопедия соҳасида «катта мактаб яратишимиз керак», деган гаплари ҳамон эсимда. Узоқ йиллик меҳнатлари самара берди. Домла чиндан ҳам ўзларидан сўнг ҳар томонлама мустақкам тизимли мактаб яратиб қолдирдилар. Бу биз учун мерос бўлди.

Сўнгги 20 йил ичида ортопедия ва травматология соҳасининг ривожланишида профессор Мирҳаким Азизовнинг хизматлари беқиёс. Соҳа бўйича ўтказилган ҳеч бир халқаро анжуман бу инсон назаридан четда қолмаган. Кўплаб шифокорларнинг ана шундай анжуманларга қатнашиши, малака оширишига имконият яратган, ўзи ҳам иштирок этиб, тажриба алмашган. Ҳар йили Ўзбекистондан 50 нафардан ортик травматолог-ортопед мутахассисларни хорижий мамлакатларнинг нуфузли клиник-каларига юборган. У ерда тахсил олиб, ортттирган тажрибасини мамлакатимизда қўллашга ундаган ва бу билимлар ҳозиргача амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.

### Замон билан ҳамнафас...

«Замондан, даврдан орқада қолмаслик ҳар бир соҳа учун энг асосий мезон», деб билган профессор беморларни энг илғор усуллар билан даволаш бўйича Швейцария, Германия, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик қилган.

Шу асосда тезкор артрология (бўғимлар касалликлари) ҳамда вертебрология (умуртқа касалликлари ва шикастланиши) бўлимлари энг яхши хорижий технологиялар ёрдамида компьютерлаштирилди. Травматология соҳасида қўлланадиган ҳозирги замон ташхис кўйиш жиҳози — рақамли рентген аппарати, доплерография-ультратовуш аппарати ва бошқалар аҳолига диагностик ёрдам кўрсатиш сифатини сезиларли даражада оширди. Ортопедиянинг йирик бўғимларни эндопротезлаш, артроскопик операциялар ва вертебрология каби илғор жарроҳлик усуллари ривожланди. Республикада илк бор артроскоп — тизза бўғими патологиясига ташхис кўйиш ва даволаш учун махсус оптик митти асбоб қўлланилди ва пластик материаллар қўллаш йўли билан бутсимон пайларни тиклаш усули ишлаб чиқилди.

— Хорижга жуда кўп борар, тажриба алмашиб баробарида, даволашнинг янги-янги усулларини ўрганиб, замонавий

техника воситаларини ўзимизга ҳам олиб келишга уринарди, — дея ёдга олади олий тоифали шифокор, терапевт Ҳикматилла Шакиров. — Мирҳакимни Андижон тиббиёт институтида бирга тахсил олиш жараёнидан таниганман. Ўз мақсадига собит, интилувчан, ҳар қандай тўсиқни матонат, сабр билан энгиб ўтадиган инсон эди. Биз иккимиз ҳам хирургияга қизиқар эдик, шу боис 1972 йилда амалиётни шу йўналишда қилдик. Амалиёт давомида операцияларда қатнашиб, кузатиб, ўрганар эдик. Дўстим жуда синчков эди, доим нималарнидир ўқиб, ўрганишга уринарди. Тахсилнинг тўртинчи йилидан бошлаб тунлари навбатчиликда қолиб ишлашга бошладим. Қанчалик ютуққа эришмасин, ўзига бўлган талаблари юқори бўлиб қолаверарди. Унинг камтарлиги йиллар давомида бизга ибрат бўлиб қолди.

### Эзгу ниятлар армон бўлмади

М.Азизов вилоятларда ҳам травматология ва ортопедияга ихтисослашган клиникалар очиш ва республикамизнинг барча жойларига бу соҳани ривожлантиришни ният қилган эди. Бугун ана шу ниятнинг шогирдлари амалга ошира бошлагани қувонарли.

«Даво истаб келган бемор дардига малҳам бўлиш, унинг қайтадан оёққа туриб кетиши учун қўлидан келганча ёрдам бериш шифокорлар учун энг олий мартаба, юксак шараф. Бир инсон ҳаётга қайтса, бунда оз бўлса-да, ҳиссанг борлигини ҳис қилсанг, шундан ортик қувонч йўқ», деб билган шифокор вилоятларда фаолият юритаётган кадрларни ҳам ўқитиб, билимини оширишга бел боғлаган эди. Айниқса, тиббиёт соҳаси вакилларининг хорижий тилларни ўрганишига алоҳида эътибор берган. Қўл остидаги шифокорлар, шогирдларининг инглиз тилидан тахсил олишига шароит ҳам яратган. Ўзи ҳам улар қатори билмаганларини ўрганган. Ўзбек тиббиёти имижини дунё мамлакатлари ҳоҳишида ижобий шакллантиришимиз керак, деб ҳисоблаган.

Келган бемор хоҳ ўзбек бўлсин,

хоҳ бошқа давлат, миллат вакили, уларни даволаш, ташхис қўйишда эркин мулоқот қила олиш муҳим. Ўзи ҳам тил ўрганган бу инсон фарзандларига ҳам яхши тарбия бера олди. «От изини той босар» деган гап бежиз эмас. Бугун бу инсоннинг ўғли Аброр Азизов айнан травматология йўналишида фаолият юритмоқда.

— Дадам чиндан ҳам, талабчан эдилар, ишда бошқа шогирдлари қатори мен ҳам «домла» деб муурожаат қилардим, — дейди травматолог-ортопед Аброр Азизов. — Ёнларига яқинлашолмасдим, фақат йиғилиш ўтказганларида бошқалар қатори иштирок этардим. Болалигимда нега бунчалик ёниб-қуйиб ишлашларини тушунмас эдим, аммо ҳозир уларни англаяпман. Дадам барча ўйлаган ниятларини амалга оширдилар, деб ўйлайман. «Менинг шогирдларим сенинг устозинг» дер эдилар. Чиндан ҳам, ҳозир улар менинг устозларим. Ҳозир дадам каби мен ҳам ҳар йили хорижий мамлакатларда малака ошириб, янги билимлар олиб, ўзимизда қўллаш йўлидан боряпман.

Бугун ана шундай эзгу амалларни ният қилган Аброр Азизов ота мерос касбни юксакларга кўтаришни ният қилган.

### Амаллари билан мангу

22 йилдан ортик вақт Тошкент травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида директорлик қилган Мирҳаким Азизов институт обрўсини дунёга танитди. Йирик бўғимларни эндопротезлашни кенг йўлга қўйди. Илмий даргоҳ ёнидан кўркам, замонавий янги бино қад кўтарди. Бу инсоннинг хизматлари давлат мукофоти билан тақдирланди. 2013 йилда «Ўзбекистон Республикаси 2-даражали Давлат мукофоти лауреати» бўлди. 2019 йил ноябрь ойида «Фидокорона хизматлари учун» орденига лойиқ қўрилгани ҳақида Президент қарори чиқди. Афсуски, Юртбошимизнинг қўлларидан ушбу мукофотни олиш насиб этмади...

Ноилахон АҲАДОВА  
«Mahalla»



Тошкент давлат стоматология институтининг  
Испанияда филиали ташкил этилди.

# ҚАЗО ВА ҚАДАР НЕДИР?

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов ила яратдик» («Қамар» сураси, 49-оят). Ўзбек тилида «ўлчов» деб таржима қилинган сўз оятда «қадар» лафзи билан ифодаланади. Ула-моларимиз «қазо» ва «қадар»ни қуйидагича таърифлайдилар: «Қазо — Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандай бўлишини азалдан билишидир». «Қадар — ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир».

Қазои қадар имоннинг асосий руқн ва устунларидан бири бўлиб, унга имон келтириш ва ҳар бир яхшилик ва ёмонликни Аллоҳдан деб билишимиз шартдир. Бусиз киши мўмин бўлолмайди. Қазои қадар илми (жуда мушкул бўлиб,) оддий инсонлар тугул, олимлар орасида ҳам турли ихтилофларга сабаб бўлган. Саҳобалар замонасидан сўнг бу борада кўплаб кишиларнинг қадамлари тойилган.

Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло бандаларнинг қиладиган ишларини аввалдан билиши уларни бирор ишга мажбурлаши эмас. Чунки

инсон феъллари икки қисмга бўлиниб, биринчи қисм — дунёдаги инсоннинг дахли йўқ нарсалар. Фақат Аллоҳ таолонинг қудрати билан бўлади. Мисол учун, инсон ақлининг ўткир ёки ўтмаслиги, гавдасининг турлича, хуснининг чиройли ёки хунуқлиги, туғилиш вақти ва жойи, умуман, шунга ўхшаш бир қанча ишлар борки, уларга инсоннинг ҳеч қандай дахли йўқ. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳдан. Бу турдаги қадарга имон келтириш ҳар бир мўмин мусулмонга вожибдир.

Иккинчи қисм — инсон томонидан содир этилган иш ва амалларга боғлиқ. Буларда инсоннинг дахли бор, у бу ишларда ўзининг хоҳиши, ихтиёри ва ҳаракати билан иштирок этади. Бошқача қилиб айтганда, банда бирор ишни амалга ошириши учун унга ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. Бу омилларни Аллоҳ таоло банданинг хоҳишига кўра яратади. Банда ана шу хоҳишга масъул бўлади.

## Бу ҳақда ҳадисда шундай дейилган...

Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўрашди: «Ё Расулulloҳ, биз Аллоҳнинг қадари билан касал бўлдик. Шунга кўникиб юраверишимиз керакми ёки дори даволанишимиз лозимми? Бу қадаримизга қарши чиқиш эмасми?» Шунда Расули акрам (с.а.в.): «Дори билан даволанишингиз ҳам тақдирингиздан», — деб марҳамат қилганлар.

\*\*\*

Бир ўғри ҳазрати Умарга: «Қазои қадар шу экан, ўғрилик қилибман, нега энди кўлимни кесасиз?» деганида, у киши: «Сенинг ўғрилик қилганинг қазои қадар бўлса, менинг бу жиноятинг учун кўлингни кесишим ҳам қазои қадардир» деганлар. Кейин ҳазрати Умар мулозимларга: «Аввал уни ўттиз дарра уриб, сўнгра жазосини беринг» дейдилар. «Нима учун?» дейишганда ҳазрати Умар шундай деган эканлар: «Аллоҳ таолога нисбатан ёлгон нисбат бергани учун дарра урилади ва ўғрилик қилгани учун кўли кесилади».

## «Ким ҳидоятга юрса, ҳидоят топади...»

Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ушбу масала юзасидан шундай деганлар: «Аллоҳ барча нарсаларни яратмасдан олдин ҳам азалдан билар эди. Барча нарсаларнинг тақдир ва қазосини Унинг ўзи белгилаган. Бу дунёдаги ва охирадаги ҳар бир нарсани фақат унинг хоҳиши, илми, қазоси, қадари, Лавҳулмаҳфузга ёзиб қўйилиши билан бўлур. Лекин, ёзиб қўйиши тавсиф йўли биландир, ҳукми йўли билан эмас, яъни мажбурий эмас» («Фикҳул акбар» китоби).

Бандага ихтиёр берилгани ҳақида кўплаб оятни қарималарда хабар берилган. Жумладан, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «Сен: «Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, имон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», дегин» («Каҳф» сураси, 29-оят).

Бошқа бир оятда шундай хабар берилган: «Сен: «Эй одамлар, сизга Роббингиздан ҳақ келди. Бас, ким ҳидоятга юрса, ўзи учун ҳидоят топади. Ким залолатга кетса, ўз зарарига залолат топади. Мен сизларнинг устингиздан кўриқчи эмасман», деб айт» («Юнус» сураси, 108-оят).

Ушбу икки оятни қаримада Аллоҳ таоло ҳидоят ёки залолат йўллари-ни танлашни банданинг ихтиёрига ҳавола этмоқда. Банда қайси бирини танласа, ўшанга Аллоҳ йўллаб қўяди. Банда эса ўша танловига кўра ё савоб ёки гуноҳга эга бўлади.

## «Бу нарсада низо қилманглар...»

Албатта, Аллоҳ таолонинг мисли ва ўхшашли йўқ. Қазои қадарда бандани бирор нарсага мажбурлаш йўқлигини осон фаҳмлаш учун қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз:

Қайфиятингиз ёмон бўлиб турган пайтда ойнага қарадингиз. Аксингизни қовоғингиз солиқ, пешонангиз тиришган, аччиғингиз чиққан ҳолда кўрдингиз. Ана

шунда ойнадан ўпкалашга ҳаққингиз борми? «Бу ойна менга жабр қилди, мени ёмон кайфиятга туширди», дея оласизми? Албатта, йўқ. Ойна сиздаги бор нарсани ўзингизга кўрсатди, холос. Қазои қадар ҳам шундай! У Аллоҳнинг ўз азалий илми билан бандаларнинг ишларини билиши, холос.

Яна бошқа бир мисол: Устоз ўз шогирдларининг илмий савиясини яхши билади. Имтиҳонга киришдан аввал фалончи «аъло» баҳо олади, пистончи «яхши» баҳо олади, деб айтди. Имтиҳон натижаси устоз айтганидек чиқди. Шогирдлар устоз айтган гап учун мазкур натижага эришдиларми? Ёки устознинг ўз тажрибасига асосланган охири зона илми уларни ўша баҳоларни олишга мажбур қилдими?! Ожиз инсон ўзига қарашли нарсаларда шунчалик илмига эга бўлса, нима учун қудратли Аллоҳ — чексиз илм соҳиби бўлган Зот, азалдан ҳамма нарсани билмаслиги керак!?

Қазои қадар масаласи ўта нозик ва англаш осон бўлмаган масала бўлгани учун ҳатто саҳобаи киромлар ҳам у ҳақда низо қилган эканлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (с.а.в.) бизнинг тепамизга келдилар. Биз қадар ҳақида низо қилмоқда эдик. Бас, у зот газабландилар. Ҳатто, юзлари кизариб кетди. Икки ёноқларида анор ўйилгандек бўлди. Сўнг у зот: «Сизлар шунга амр қилинганмисизлар?! Ёки мен сизларга шу билан юборилганманми?! Сизлардан олдин ўтганлар ҳам мана шу ишда низо қилганларида ҳалок бўлганлар, холос! Сизларга қасам ичманки, сизларга қасам ичманки, бу нарсада низо қилманглар!» дедилар».

\*\*\*

Хулоса шуки, бандага Аллоҳ таоло яхшилик ёки ёмонлик, имон ёки куфрни танлаш ихтиёрини берган. У ана шу ихтиёрини шариатда яхши саналган ишларга боғласа, савоб олади, агар қайтариқли ишларга боғласа, ман қилинган ишни ихтиёр қилгани учун масъул бўлиб қолади. Шунга кўра, ким шариат белгилаган йўлдан юрса, савобга эришади, нафси хоҳлаган йўлдан юрса, шариат кўрсатмасига бўйсунмагани учун жазога гирифтор бўлади.

Жасурбек РАУПОВ,  
Тошкент вилояти бош  
имом-хатиби.

Тоҳида одамлар орасида «фалончининг кўзи тегди. У келиб-кетганидан кейин аҳволим оғирлашиб қолди» деган гап-сўзлар кулфатқа чалиниб қолади. Халқимиз орасида кўз тегиши ва унинг аянчли оқибатлари ҳақидаги ҳодисалар зарбулмасал бўлиб кетган. Шунинг учун бўлса керак, одамлар кўз тегишидан сақланиш мақсадида турли чора-тадбирларни қўлайдилар.

Кимлардир хонадонинг кириш йўлакларига тақа қоқиб қўяди, кимлардир бошқа алланималарни осиб қўяди. Айримлар исириқ илиб қўяди ва ҳоказо. Айрим оналар ширинтой болачаларнинг бешигига ояти қарималар ёзилган қоғозларни тумор қилиб осиб қўядилар. Ёки уларнинг юз ва пешоналарига қандайдир чизиклар чизиб қўядилар. Булардан мақсад, ушбу ширинтойларни кўрган одамнинг илк нигоҳи мана шу чизикларга тушиши учундир.

Бундан ташқари, халқимиз орасида «кўзи бор одам бир энгини орқага қайриб юрсин» деган сўз ҳам маълум ва машҳур. Бу масала қадим-қадимдан давом этиб келаётган жараён бўлгани учун ҳам ҳеч кимга сир эмас.

### Бешикка тумор ёки кўзмунчоқ тақиш ихтилофлидир

Бу каби ишлар орасида бола бешигига тумор ёки кўзмунчоқ тақиш масаласи анча ихтилофлидир. Умуман олганда тумор, исириқ, кўзмунчоқ каби нарсалар-

# КЎЗ ТЕГИШИ

## бор нарсами?

ни осиб қўйиб айнан шулардан нажот қуттиш, мана шу нарсалар бизни бало-қазолардан сақлайди, деб эътиқод қилиш ширк амали ҳисобланади.

Масалан, дори ичган одам ҳам дорини «Аллоҳ таолонинг изни билангина шифо бўлади», деган эътиқод билан истеъмол қилиши керак. Акс ҳолда, бу иш ҳам исириқ масаласига ўхшаб ширк томонига айланиб кетиши мумкин.

Айрим одамлар мазорларга бориб, у ернинг тупроғидан олиб келиб нималардир қилишлари, турли ёлғончи азайимхонларнинг эшигига зир югуришлари, қора товук, қизил хўроз сўйиш керак дейишлари, «хафтанинг фалон куну у ишни қил, фалон куну бу ишни қил» қабилдаги ёндашувларнинг барчаси бидъат хурофотлардир.

Бу айтганларимиз айрим одамларнинг кўз борасидаги бугунги ёндашувлари бўлиб, у каби ишларнинг ҳаммасини ҳам шаръан тўғри деб бўлмайди, албатта. Аслида бошқа масалаларда бўлгани каби кўз тегиши борасида ҳам Китоб ва Суннатда шариатимизнинг аниқ кўрсатмалари ворид бўлган. Кўз тегишига оид ҳодисалар саҳобаларнинг ҳаётида ҳам тез-тез содир бўлиб турар эди. Аммо саҳобалар уларни муолажаси учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муурожаат қилар ва бу борадаги кўрсатмаларига қатъий амал қилар эдилар.



### Уламоларимиз нима дейди?

Уламоларимиз мавзуга оид барча далилларни ўрганиб чиқиб, кўз тегиши ҳақиқат эканини таъкидлайдилар. Унинг муолажаси борасида ҳам Китоб ва Суннатда бир қатор кўрсатмалар ворид бўлган бўлиб, уламоларимиз уларни батафсил баён қилганлар. Демак, кўз тегиши шариатда тан олинган ҳолат бўлиб айна пайтда ундан сақланиш чоралари, борди-ю тегиб қолса уни бартараф қилиш йўллари ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Кўз тегиши ҳақдур» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Кўз одамни қабрга, туяни эса қозонга туширади».

Бухорий ва бошқа муҳаддисларимизнинг келтиришларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам неваралари Ҳасан ва

Ҳусайн розияллоҳу анҳумоларнинг ҳақиқа куйидаги лафзлар билан дуо қилар эдилар: «Ҳар иккалангиз учун ҳам Аллоҳ таолонинг мукаммал сўзлари билан шайтон ва унинг барча ёмонликларидан ва барча ҳасадгўй кўздан паноҳ сўрайман». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу дуони қилиб бўлиб шундай дедилар: «Иброҳим (алайҳиссалом) икки ўғли Исмоил ва Исҳоқ (алайҳимаҳсаллам)лар ҳақиқа ушбу сўзлар билан дуо қилар эди».

Анас ибни Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўз тегиши, заҳарли ҳашаротларнинг чақиши ва яра-чақалар пайдо бўлишида руқяга руҳсат (махсус оятларни териб, ўқиб дам уриш) бердилар».

Кўз ҳақида булардан ташқари ҳам бир қанча мутавотир даражадаги ҳадиси шарифлар ворид бўлган.

Тоҳир ВОҒИД,  
Тошкент шаҳридаги Умар ибн Хаттоб масжиди имом-ноиб.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

#### Сочни сочиш мумкинми?

– Маҳалламизга одам сочлари эвазига ошқона буюмларини алмашадиган одамлар келади. Биз уйда тўпланиб қолган сочларимизни бериб, ўша буюмлардан олганмиз. Лекин ўғлим, бундай қилиш гуноҳ, дейпти. Бу ҳақда шариатимизда нима дейилган?

Н.ҚОСИМОВ,  
Тошкент шаҳри.

– Шариатимизда одам аъзоларининг савдосидан қаттиқ қайтарилган. Агарчи у ўлик тана ёки кесиб олинган соч ёки тирноқ бўлса ҳам. Одам аъзоси қандай ҳолда бўлмасин, унинг савдоси ножоиздир. Шу ўринда бозорларда кенг қўламда сотилаётган «парик»ларнинг ҳукми нима бўлиши ҳақида ҳам савол келиб чиқади. Агар парик одам сочидан тайёрланган бўлса, (баъзилари шундай ҳам экан) уни тақиш юқориди айтиб ўтганимиздек, мумкин эмас. Агар беморлик ёки бирор сабабдан сочи тўкилган бўлса ҳам. Агар сунъий нарсалардан ёки ҳайвонлар юнги ёки жунларидан бўлса, уламолар бунга руҳсат берган.

Радул мухтор соҳиби Ибн Обидин (инсон сочи) сўзининг давомида «Инсон сочидан фойдаланиш умуман жоиз эмас. Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ улама қилувчи аёлни ҳам, улама қилдирувчи аёлни ҳам лаънатласин», деган ҳадисларига биноандир. Аёллар сочларининг ўримларини зиёда қилиши учун туянинг юнгидан улаб олсалар жоиз» деган.

#### Вафот этган қизим тушимга кирмаса...

– Бир йил олдин қизим вафот этганди. Деворга расмини илиб қўйишим мумкинми? Кейин қизимни кўп уйлайман, тушларимга кирса, дейман, лекин ҳеч тушимга кирмайди, у мендан розимасмикан, деб уйлаб қоламан. Мен нотўғри уйламаймими?

Б.ТЎЛҚИНОВА,  
Фарғона вилояти.

– Яхши эмас. Уч зарари бор: биринчиси, инсон ва ҳайвон расминини белдан юқори жойга осиб ножоиздир. Ўсимлик ва жонсиз нарсаларнинг расмини осиб қўйишнинг ҳеч зарари йўқ. Иккинчиси, жонли расм олинган хонага раҳмат фаришталари кирмайди. Фоторасмларни альбомда сақлаш лозим. Учинчиси, деворида расм осилган хонада намоз ўқиш макруҳдир.

Қизингизнинг руҳи шод бўлиши учун Қуръон тиловати қилиб, садақа бериб, шуларнинг савобини унинг руҳига бағишлаш мумкин. Тушга кирмаслиги ёмонлик аломати эмас.

#### Турмушга чиқишимга «одамларим» йўл қўймаяпти

– Ёшим 30 дан ошди, бироқ ҳали турмушга чиқмадим. Қаерга борсам, ким билан суҳбатлашсам, сизни одамларингиз бор, йўлингизни тўсиб турибди, дейишади. Бундай ҳолларда динимизда қандай йўл тутилади?

О.МУХТОРОВА,  
Тошкент вилояти.

– Одамлари бор, йўли тўсилган деган гаплар бидъат, хурофот бўлиб, шариатда асоси йўқдир. Бир кишининг оила қуриши орта сурилиши Аллоҳ таолонинг қазои қадари билан бўлади. Инсон доим Аллоҳга дуо қилиб, яхши турмуш ўртоқни рўпара қилишини сўраб, ибодатларда бардавом бўлса ҳам истиффорни кўп айтса, Аллоҳнинг изни билан иши ўнгидан келади. Зеро, ҳадиси шарифлардан бирида Аллоҳ таоло истиффорни кўп айтган кишининг муаммоларини аритиб, мушкулларини осон қилиб, унга ўзи ўйламаган томондан ризқ бериши айтилган.

Муҳаммад Айюб ҲОМИДОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
матбуот котиби.  
Manba.muslim.uz

# КАМОНЧИЛАРИМИЗ КАМЧИЛИГИ НИМАДА ЭДИ?

Камондан отиш, бу — азалий миллий ўйинларимиздан. Ота-болаларимиздан мерос, десак хато бўлмайди. Амир Темура саркардаларидан тортиб, энг ёвқур лашкарларгача ундан фойдаланган. Ушбу спорт турини ривожлантириш учун биринчи асосий омил шу бўлса, иккинчидан, камончилик соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи кучли восита ҳамдир. Чунки бугунги ёшлар виртуал оламга ўтиб кетишган.

Қўлига камон олган ўсмир нишонни мўлжалга олиш учун қайта-қайта уринади, ҳаракатда бўлади. Бу ўзига бўлган талабчанликни оширишга ёрдам беради. Бугунги кунда республикамизнинг 6 та ҳудудида вилоят федерациялари ташкил қилинган бўлиб, малакали мураббийларимиз иш олиб боришяпти. Улар учун хорижий мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказдик. Жанубий Кореядан мураббий ҳам жалб қилганмиз. Келгуси йилдан иш бошлайдиган ушбу мутахассис асосий эътиборини селекцияга қаратади. Мақсадимиз — камондан отиш тури бўйича ҳар битта вилоятнинг ўз базаси бўлишига эришиш.


Камондан отиш маълум бир кўникмаларни талаб қилади. Бунинг учун вилоятларда малакали мураббий, интилувчан спортчилар



бўлиши керак. Режа бўйича икки йилда бутун республикани қамраб оламиз, деган умиддамиз.

## Карантин даври қандай ўтди?

Пандемия барча соҳалар қатори спортга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Аммо бу баҳона бўлмайди. Шу давр ичида катта ишларни амалга оширдик. Чекка ҳудудларда селекция ишларини олиб бориб, маҳоратли йигит-қизларни йиғиб келдик. Авваллари 400 нафар атрофида шугулланувчилар бўлган бўлса, ҳозирда 650-700 нафарга яқин спортчимиз бор. Асли грузиялик, Туркия камондан отиш терма жамоаси бош мураббийи сифатида фаолият юритган Владимир Леквешвили айти пайтда бизда бош мураббийлик қилмоқда.



Ушбу мутахассис келгач, Осиё чемпионатида Зокиржон Ғофуров кучли бешликдан жой эгаллади. Фарғоналик Зиёдахон Абдусатторова эса ёшлар ўртасидаги қитъа мусобақасида 4-ўринга муносиб кўрилди. Бу икки йиллик меҳнатларимиз маҳсулидир.

Бошқа спорт турларидаги каби спортчиларимиз ҳам уй шароитида машғулотларни олиб боришди. Бу борада бизга Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитаси етарли шароит яратиб берди. Мусобақалардан олдин ZOOM платформаси орқали уларнинг юктамаларини доимий назорат қилиб бордик. Ўтган йили спортчиларимиз бир ойда 700-800 донга ўқ отишар эди. Ҳозирда бу кўрсаткич 500 тани ташкил қиляпти. Албатта, бу — пандемиянинг салбий таъсири. Маррани каттароқ қўйганмиз. Мураббийлар ва спортчилар билан бир жамоа бўлиб ишляпмиз. Биргаликда камчиликларни бартараф эта олишимизга ишонаман.

## Моддий-техник база мустаҳкамланмоқда

Инвентарларга келадиган бўлсак, 6 та вилоятимизни камон, ўқлар, экировкалар билан таъминладик. Моддий-техника базамизни янада яхшилаш учун Туркиянинг «Navek» фирмаси билан шартномамиз бор. Туркия миллий терма жамоа аъзолари билан ҳам ҳамкорликда ишляпмиз. Ўтган

йили 6 нафар спортчимиз миллий камонкашлик бўйича бир ой давомида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб келишди. Улар тўплаган тажрибаларини бугун ёш камончиларимизга ўргатишмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон «Тирандоз» камончилик клуби фаолият юритяпти.

Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ҳам сезиларли қадамлар қўйяпмиз. Ўтган йили Туркия камондан отиш федерацияси, Туркия камончилар Фонди ва Бутунжаҳон этник спорт турлари конфедерацияси билан уч томонлама учрашувда иштирок этдик. Камондан отишда Туркия билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, йиғинларимиз, асосан, ушбу давлатда ўтади. Чунки Туркияда миллий камончилик яхши ривожланган. Кейинги босқичда эса ўқув-машғулот йиғинларини Жанубий Кореяда ўтказмоқчимиз.

## Камчиликлардан хулоса чиқариб...

«Токио — 2020» йўлланмасини ҳам қўлга киритиш учун спортчиларимиз тўлақонли тайёргарлик кўриб келишяпти. Афсуски, спортчиларимиз ҳалигача лицензияларни қўлга кирита олмашди. Сабабларидан бири — халқаро мусобақаларда қатнашишда тажриба етишмаслиги, десак хато бўлмайди. Камончиларимиз Осиё ареналарига чиққанда Мўғлистон, Хитой, Корея каби давлатларнинг кучли спортчилари билан ёнма-ён туришади. Шу боис спортчиларимизни ҳар қандай турнирда кучлилар билан рақобатлаштириш, улардаги ҳаяжонни йўқотиш, халқаро тажрибасини оширишни режалаштирганмиз. Ўзбекистонда 30 очко жамғарган спортчимиз хорижга чиқиб 27-28 очко оляпти. Агар лицензион мусобақада ҳам шу натижа кўрсатилганда, йўлланма ҳозир қўлимизда нақд бўлар эди. Бу камчиликлардан керакли хулоса чиқариб, ушбу йўналишда амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Умун олганда, ушбу спорт турини ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳар қандай чора-тадбирни амалга оширамиз. Энг муҳими, бу борада аниқ стратегиямиз бор. Худо хоҳласа, келгусида камончиларимиз Ўзбекистон шарафини халқаро даражада муносиб ҳимоя қилиб, ишончли оклашади.

Отабек ИМОМОВ,  
Ўзбекистон камондан отиш федерацияси раиси.



## ЭЪЛОН

Ядгаров Элёр Ахматовичга Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан берилган №145 рақамли вақтинчалик рўхсатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Аквакультурани ривожлантириш  
Миллий стратегияси ишлаб чиқилади.

Тарих мураккабликларга бой. Шу жумладан, тарихий шахслар, уларнинг ҳаёти ҳам. Ана шундай мураккаб шахслар орасида XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган амирзода Абдумалик тўра алоҳида ўрин тутади. Абдумалик тўра ҳақида ҳанузгача икки хил қарашлар ҳукм суради. Бир гуруҳ мутахассислар уни отасига қарши қурол кўтарган осий фарзанд, деб билса, кўпчилик уни мустамлакачиларга қарши курашган эркпарвар миллат етакчиси сифатида кўради.

Ҳўш у ким? Иккинчи Жалолiddинми ёхуд Абдуллатиф? Факт шуки, у Жалолiddин сингари отасининг сиёсий иродасизлиги сабабли бой берилган салтанатини қайтариб олиш учун мустамлакачиларга қарши бир неча бор муваффақиятли кураш олиб борди. Аммо ўша пайтда кучлар нисбати сезиларли даражада тенгсизлиги сабабли мағлубиятга учрайди, иттифоқчилар қидиришга уриниши бесамар кетади, охирида эса Ватанидан узоқларда вафот этади. Абдуллатифга ўхшаш жиҳати эса, гарчи қўли қонга ботмаган бўлсада, отасига қарши курашади...

### Рус босқини

Ватанимиз тарихининг XVII-XIX асрлари ҳар жиҳатдан ўлка ҳаётида тушкунлик даврлари бўлди. Айниқса, XIX аср асорат асри сифатида тарихга муҳрланди. Илму ҳунар, қурол-яроғ, маданият, умуман, тараққиётдан орқада қолган, тождорлари ғафлат уйқусида ухлаб ётган бу ўлкани Россия империяси аста-секин истило қила бошлади.

Кўқон хонлигини тўлиқ ўзига қарам давлатга айлантирган чор босқинчилари 1868 йил 1 майда Чўпонота тепалигида бўлиб ўтган жангда Бухоро амири Музаффархонни мағлуб этиб, Самарқанд шаҳрини эгаллайди. Бу эса аҳоли ўртасида норозиликка сабаб бўлади. Айнан тарихнинг ана шу эврилишида Абдумалик тўра шахс сифатида майдонга чиқади.

У амир Музаффархоннинг тўнгич фарзанди бўлиб, эл орасида Катта Тўра номи билан машҳур эди. Отасининг шаънини оқлаш, рус истилочиларидан Самарқандни озод этиш учун Ғузор беги Абдумалик тўра (1848-1909) ўз сарбозлари билан Самарқанд сари юриш бошлайди. Йўлда бу шарафли ишга бош қўлиш учун Китоб беги Жўрабек Қаландар ўғли ва Шаҳрисабз беги Бобобек Ҳакимбек ўғиллари ўз аскарлари билан шаҳзода қўшинига келиб қўшилади. «Тахтақорача» довонидан ошиб исёнчи ватанпарварлар

# АБДУМАЛИК ТўРА КИМ ЭДИ?

## Иккинчи Жалолiddинми ёки Абдуллатиф?



Самарқанд шаҳрида истилочиларга қарши кўзғолон кўтарган шахарликларга ёрдамга шошиладилар.

Шаҳарни қуршаб олиб, уни мудофаа қилаётган рус гарнизонига бир қатор жиддий зарбалар беради. Қуршовда қолган рус гарнизони танг аҳволга тушиб қолади. Баъзи манбаларда келтирилишича, чор Россияси аскарлари Самарқанд учун жангларда 400 дан ошқ аскарларидан ажралади.

Бу пайтда Зирабулоқ адирларида амир Музаффар бошчилигидаги амирликнинг сарбозлари руслардан енгилган, амирнинг ўзи эса Қизилқум саҳросига чекинганди. Зирабулоқ жангида ғалаба қозонганидан сўнг генерал Фон Кауфман Самарқанд шаҳрида қамалда қолган рус гарнизонига ёрдамга шошилади. Рус армияси билан тўқнашувда кўзғолончилар мағлуб бўлиб, Қоратепа тоғлари томон чекинадилар.

Амир Музаффархон ўз тахтини сақлаб қолиш учун 1868 йил 23 июнда генерал Фон Кауфман томонидан тақлиф этилган шармандалари сулҳ шартларига рози бўлади. Сулҳ шартларига кўра, Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах шаҳарлари, амирлик халқ хўжалигида ўрни беқиёс бўлган Зарафшон дарёси водийси чор империяси таркибига киритилди. Шунингдек, катта миқдорда товонпули белгиланди. Бир сўз билан айтганда, бир замонлар ислом оламида ўзига хос мавқе ва эътирофга эга бўлган Бухоро амирлиги чор Россиясига қарам кўчирчоқ давлатга айлантирилди.

### Озодлик кураши

Албатта, бу шармандалари сулҳдан норизо бўлган шаҳзода Абдумалик сулҳ шартларини қабул қилмасдан озодлик курашини давом эттириш учун ўз атрофига

тарафдорларини тўплай бошлайди. Жумладан, амирлик амалдорларидан Худоёр Тўқсабо, Абдулла Тўқсабо ва Иброҳим Тўқсаболар унга қўшиладилар. Шунингдек, Ўрта Жуз хони, қозоқ халқининг қаҳрамон фарзанди Кенасари Қосимовнинг ўғли Султон Содик ҳам бир гуруҳ қозоқ фидойилари билан биргаликда Абдумалик тўра лашкаргоҳига келиб қўшилади. Абдумалик тўра қароргоҳи шу тариха ватанпарварлар ҳисобига кун сайин кенгайиб боради.

Амирнинг таслимчилик сиёсатидан ҳафсаласи пир бўлган барча исёнчи кучлар Абдумаликни хон деб эълон қиладилар. Абдумалик дастлаб Қарши шаҳрини ишғол этади ва амирликнинг жанубий бекликларида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Кундан-кунга тобора кескинлашиб бораётган исённи бартараф этиш учун амир Музаффархон катта лашкар тўглаб, кўзғолончилар устига қўшин тортади. Аммо Жом қишлоғи яқинида бўлиб ўтган ота-бола жангида Музаффархон мағлуб этилади. Ушбу мағлубиятдан сўнг кўзғолончиларга яқка ўзи бас кела олмаслигини англаган Музаффархон генерал Фон Кауфмандан ҳарбий мадад сўрашга мажбур бўлади.

Амирлик сарҳадларига кирган чор аскарлари шаҳару қишлоқларни қонга ботириб, аҳолини киргиндан ўтказадилар. 1868 йил 23 октябрь куни капитан Гребенкин бошчилигидаги чор аскарлари Қарши яқинида кўзғолончиларга ҳал қилувчи зарба берилади. Шаҳзода Абдумалик ва қозоқ шаҳзодаси Султон Содик бир гуруҳ аскарлар билан Қизилқум саҳросига чекинади.

### Дарбадарлик...

Шундан сўнг Абдумалик тўранинг иттифоқчи қидириб дарбадарликдаги ҳаёти бошланади.

Аввалига Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройидан сиёсий бошпана толган шаҳзода 1873 йилда Хива хонлиги руслар тарафидан истило этилгач, Абдумалик Афғонистонга қочишига тўғри келади. Афғон амири Шералихон уни катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олади. Аммо Россиядек йирик империяга қарши курашда унга ҳарбий мадад беришдан тийилади. Абдумалик тўра Бухоро амирлигининг тоғли хуудлари орқали яна мамлакатга яширинча қайтади. Кўқонга келиб Худоёрхондан мадад сўрайди. Аммо бу ишдан ҳам бир наф чиқмагач, Қошғарга Ёқуббек Оталиқнинг ёнига кетади. Қошғарда Абдумалик тўрани тантанали равишда кутиб олиб, Абдумалик тўрани, Янгиҳисор қалъасининг беги этиб тайинлайди.

Шаҳзода Қошғарда англиз элчилари билан учрашиб, улардан чор Россияси ҳукумати томонидан ярим мустамлакага айлантирилган Бухоро амирлигини озод қилиш учун ҳарбий мадад сўрайди. Аммо унинг бу ҳаракатлари бесамар кетади. Ҳўтан ҳокими Ниёзбек томонидан Ёқуббек Оталиқ заҳарлаб ўлдирилгач, 1878 йилда Еттишаҳар давлати чор аскарлари ва чин қўшинлари томонидан ишғол этилади. Абдумалик тўра қорли тоғ доволарини орқали Кашмирга, яъни Ҳиндистонга кетади. Бу ерда Ватанини рус истилочиларидан озод қилиш бўйича англиз маъмурияти билан қатор музокаралар олиб боради ва улардан катта миқдордаги ҳарбий мадад сўрайди. Бироқ бу музокараларнинг барчаси бесамар якунланади. Шаҳзода Абдумалик 1885 йилда отаси оламдан ўтгач, Бухоро тахтига келишга ҳаракат қилади. Аммо бу вақтда келиб амирлик тақдири буткул чор Россияси қўлида эди. Улар эса ўзларига садақат изҳор этган шаҳзода Абдулаҳадни амир этиб «тайинлашади».

Ўз Ватанини босқинчилар билан баҳам қўришни истаманган орийатли сарқарда, бутун ҳаёти саргузаштларга тўла шаҳзода Абдумалик 1909 йилда англизлар идораси остида бўлган Пешовар шаҳрида бандаликни бажо келтиради. Туркистон халқлари миллий озодлик кураши тарихида ўзидан хайрли бир саҳифа қолдирган шаҳзода Абдумалик миллатимиз қаҳрамонларидан бири сифатида тарихга мангу муҳрланди.

Шаҳноза АҲМЕДОВА,  
тадқиқотчи.



ТРАНСПОРТ

1 мартдан электрон сугурта жорий қилинади... (ми?)

— Транспорт воситалари сугуртаси энди электрон шаклда амалга оширилар экан. Бу қандай тизим, у қачондан ишлайди?

**Нодирбек СОБИРОВ.**  
Қашқадарё вилояти.



**Бехруз ИНОЯТОВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Ҳукуматнинг 2020 йил 14 декабрдаги «Электрон турдаги сугурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, электрон турдаги сугурта хизматлари (Е-полис) ягона ахборот тизими таркибида амалга оширилади. Е-полисни сотиш, расмийлаштириш электрон маълумот алмашиш орқали сугурта қилдирувчи билан сугурта ташкилоти ўртасида амалга оширилади.

2021 йил 1 мартдан Молия вазирлиги сугурта ташкилотлари билан биргаликда Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштиришни амалга оширади. Е-полис қоғоз шаклидаги шартномага (полисга) тенглаштирилди.

ҲУҚУҚ

«Байрам кунлари ишга чиқамиз...»

— Давлат идорасида ишлайман, бошлиғимиз байрам кунлари ҳам ишга келишимиз шартлигини айтяпти. Бу талаб қанчалик тўғри?



**Шодия АЛИМОВА.**  
Фарғона вилояти.



**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Байрам (ишланмайдиган) кунлари ходимларни ишлатиш ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши бўйича ишга жалб этишга фақатгина жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади. Бунда иш куни учун икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

Шунингдек, байрам кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида 1 соатга қисқартирилади.

ҚУРИЛИШ

Уч қаватли уй қуриш учун кимдан рухсат олинади?

— Танишим икки-уч қаватли уй қурмоқчи. Ай-тишларича, икки қаватдан юқори уйлارни қуришда лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилар экан. Бунинг натижасида нималар тақиқланади?

**Лазизбек САФАРОВ.**  
Тошкент шаҳри.



**Шерзод СОДИҚОВ,**  
Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— 2021 йил 1 январдан бошлаб, аҳоли пунктларининг бош режалари жамоатчилиги муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади. 1 мартдан бошлаб, икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда ҳудудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилади.

Ўз навбатида, қурилиш ташкилоти билан шартнома тузмасдан бундай турдаги қурилиш ишларини бажариш, қурилиш учун мўлжалланмаган ер участкаларида кўп қаватли кўп квартираларни қуриш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан мавжуд бино ва иншоотларнинг, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жойларнинг қаватлари сонини кўпайтириш (устки қават қуриш) тақиқланади.

ТАЪЛИМ

«Олис қишлоққа ишга борсам, имтиёз борми?»

— Вилоятимизнинг энг чекка ҳудудидаги мактабда олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж борлиги учун мени ишга таклиф қилишяпти. Бунда менга қандайдир имтиёзлар белгиланганми?

**Исроил ЖОБИРОВ.**  
Сурхондарё вилояти.



**Ихтиёр МАҲМАТҚУЛОВ,**  
Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Албатта. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрда имзоланган «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида бундай ҳолатда тегишли тартибда бир марталик ёрдам пули ва ойлик компенсация тўланиши белгиланган.

Жумладан, 2021 йил 1 январдан олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлашга келган олий маълумотли мутахассисларга БҲМнинг 50 баравари миқдорида (11 млн. 150 минг сўм) бир марталик бошланғич ёрдам пули ва ижарада турганлик учун БҲМнинг 2 бараварида (446 минг сўм) ҳар ойлик пул компенсацияси берилади.

ИМТИЁЗ

Жаримани ўз вақтида тўлаганга чегирма мавжудми?

— Машинада тезликни оширганим туфайли жаримага тортилдим. Танишларим агар жариманинг маълум қисмини тўласам, менга имтиёз берилишини айтишди. Шу тўғрими?

**Умид БАКИРОВ.**  
Қашқадарё вилояти.



**Ортик ҲАМИДОВ,**  
Қарши шаҳар 4-сон ИИБ тергов бўлини масъул бошлиғи:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Бироқ айтиш керакки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда, жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида тақрор содир этилганда, ушбу қоида қўлланилмайди.

